

№2 (18)  
Апрель-Май

20  
22



ISSN 2181-0567

ISSN 2181-1830

# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:  
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:  
ANALYSIS AND FORECASTS**



Журнал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
кўскартириш вазирлиги билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

ISSN 2181-0567



9 772181 056008



# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:  
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:  
ANALYSIS AND FORECASTS**

№ 2 (18)

Апрель-Июнь, 2022 йил

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Ж.Қўчқоров** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, таҳрир ҳайъати раиси

**И.Норқулов** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари, таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари

**У. Абидхалжаев**, и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори

**З. Халдаров**, PhD – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари

**Т.Ахмедов**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари – Илмий марказ директори

**Д.Курбанова**, и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти илмий котиби

**С.Чепель**, и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими

**Н.Расулов**, и.ф.д., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Д.Каримова**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Р.Хасанов**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Х. Сайдалиев**, и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Н.Ибрагимова**, PhD., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

**Ё.Файзуллаев**, и.ф.н. – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бўлим бошлиғи

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир – **Т. Аҳмедов**

Масъул муҳаррир – **А. Юлдашев**

Техник муҳаррир – **И. Одашев**

Компьютер графикаси дизайнери – **И. Саидов**

Нашр учун масъул – **Н. Примов**

**Журнал Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 29 июндаги 266/8-сонли қарорига асосан ОАК диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига ва Россия Федерациясининг Илмий иқтибос индекси (РИНЦ) рўйхатига киритилган.**

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2021 йил 22 апрелда 1043-сонли гувоҳнома бўйича қайта рўйхатга олинган.

Босма ISSN 2181-0567; Электрон ISSN 2181-1830.

Формат 84/60, 1/8, 9,6 б.т.

Чоп этишга 30.06.2022 йилда рухсат этилди.

Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi» АК обуна каталогидagi индекси – 1360.

Журнал уч ойда бир марта чоп этилади. Баҳоси келишилган нархда.

«Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» журналидан қўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин. Мақоладаги далилларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар шахсан масъул ҳисобланади.

Тақдим қилинган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Таҳририят манзили:**

100011, Тошкент ш., Хадра массиви, 33<sup>А</sup>. Тел.: (+998 71) 244-05-42. E-mail: jurnal@ifmr.uz

Тарқатиш бўлими телефони: (+998 71) 244-05-42

## Мундарижа / Содержание / Contents

### Макроиктисодиёт ва прогнозлаштириш / Макроэкономика и прогнозирование / Macroeconomics and forecasting

- 4 Низамиддин ХАЙДАРОВ. *Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили*
- 12 Ажинияз МУСАГАЛИЕВ. *Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ потенциалининг истиқбол даврларга илмий прогнози*
- 18 Милена ЗАГРЕБЕЛЬСКАЯ. *Экономические последствия конфликта между Россией и Украиной для мировой экономики*

### Саноат, аграр ва ҳудудий иқтисодиёт / Промышленность, сельское хозяйство и региональная экономика / Industry, agriculture and regional economy

- 23 Сергей ВОРОНИН, Жоробек МУСАБЕКОВ. *Пути улучшения налогообложения розничной торговли*
- 31 Илхомжон УМАРОВ. *Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш механизмининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти*
- 40 Собир ХАСАНОВ. *Мева-сабзавотчиликни барқарор ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш йўналишлари (Тошкент вилояти мисолида)*
- 48 Мухаммадхўжа САИТКАМОЛОВ. *Мамлакатимизда энергетика саноатини ривожлантиришнинг амалдаги механизмлари*
- 57 Мираббос МАҲМУДОВ. *Мамлакат минтақалари саноатининг кластерланишини баҳолаш методологияси*

### Хизмат кўрсатиш, логистика ва инфратузилма / Сервис, логистика и инфраструктура / Service, logistics and infrastructure

- 65 Нилуфар ШАРИПОВА. *Банкларда тўлов тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари*
- 70 Шахло МАХКАМОВА. *Оценка качества услуг медицинских учреждений*

---

**Инвестиция, рақамли ва инновацион технологиялар /**  
**Инвестиции, цифровые и инновационные технологии /**  
**Investment, Digital and Innovative Technologies**

- 77 Махмуд СУЛТАНОВ. *Инвестиция фондларида дивиденд сиёсати ва солиққа тортиш масалалари*
- 84 Nargiza SHAISLAMOVA. *Sug'urta – investitsiya risklarini boshqarishning samarali vositasi*

**Ижтимоий масалалар, фан, таълим ва камбағалликни қисқартириш /**  
**Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /**  
**Science, education poverty reduction, and Social issues**

- 93 Жасурбек КУРБОНОВ. *Кичик бизнесда инвестиция омилининг ишчи кучидан фойдаланишга таъсири*
- 99 Акмал АБДУВОХИДОВ, Ғайрат БЕРДИЕВ, Достонбек ЭШПЎЛАТОВ. *Аҳоли молиявий саводхонлиги ўсишининг тадбиркорлик фаолияти ва даромадлар даражасининг ошишига таъсири*
- 105 Maftuna AMANOVA, Alisher SUYUNOV. *Does corruption affect private firm performance in Uzbekistan?*
-

Макроиқтисодиёт ва прогнозлаштириш / Макроэкономика и прогнозирование /  
Macroeconomics and forecasting

УЎК: 330.101.54:330.57(657.1)

**Низамиддин ХАЙДАРОВ,**  
*иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,*  
*Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар*  
*институтининг директорининг Илмий ишлар, инновациялар ва*  
*халқаро алоқалар бўйича ўрнибосари,*  
E-mail: khaydarov.1962@mail.ru

## Ўзбекистон Республикасининг асосий макро- иқтисодий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

**Кириш.** Махсус адабиётлар ва ОАВлари орқали микроиқтисодиёт, мезоиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт каби иқтисодий терминлар тез-тез учраб, янграб туради. Бу терминлар бир бирига яқин ва ўхшашликлари бўлса-да аммо, кўлами жиҳатидан ва камраб оладиган кўрсаткичлари билан тубдан фарқ қилади. Уйғунлик ва тафовутларини англаб олиш учун ҳар бир терминнинг миллий иқтисодиётда туганган ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, таъриф бериш лозим. Акс ҳолда ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бу терминлар кенг омма тилида синоним сифатида эътироф этилади. Аслида бу иқтисодий терминлар синоним категориялар таркибига кирмайди.

Микроиқтисодиётга махсус адабиётлар ва луғатларда берилган таърифга назар солладиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат. Жумладан, комус инфо онлайн энциклопедиясида қайд этилишича: “Микроиқтисодиёт (юн. mikros кичик ва иқтисодиёт) – иқтисодий назариянинг айрим хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни, уларнинг фаолияти ва миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганадиган бўлими; микроиқтисодиёт ўрганадиган асосий объектлар: – уй хўжалиги ва нисбатан катта бўлмаган корхоналардир” [1], – дейилган.

Мазмунан ўхшаш таърифни, банк энциклопедиясида ҳам учратиш мумкин: “**Микроиқтисодиёт** – иқтисодиётнинг бир бўлаги бўлиб, фуқаролар, хўжалик агентлари ва корхоналарнинг ўртасида ўзаро бўладиган фаолият жараёнларини ўрганади” [2].

Ушбу икки таърифни қиёсий ўрганадиган бўлсак, булар шакл жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, аммо мазмун жиҳатидан бир-бирига жуда яқин. Берилган таърифларни янада бойитиш мақсадида, микроиқтисодиётга қуйидагича таъриф беришни лозим топдик: “**Микроиқтисодиёт** – бу микрофирма, кичик, ўрта ва йирик корхоналар ҳамда мустақил тадбиркорлар ўртасида бўладиган иқтисодий муносабатларни ўрганувчи ва мувофиқлаштирувчи жараёнлар йиғиндисидир”.

**Мезоиқтисодиёт** – бу иқтисодиёт илмининг бир тармоғи бўлиб, мамлакат ичидаги алоҳида ҳудудлар(туман, шаҳар ва вилоят), тармоқлар(қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва ҳ.к.) ва соҳалар ўртасида вужудга келадиган ўзаро иқтисодий муносабатлар ҳамда жараёнлар мажмуасини ўрганади. Бир сўз билан айтганда, ўрта бўғинга тааллуқли бўлган субъектлардаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни ўрганади, таҳлил ва тадқиқ этади.

“**Макроиқтисодиёт** – алоҳида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини, шунингдек, тармоқлар иқтисодиётига тааллуқли кенг қамровли ва катта миқёсдаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар йиғиндисини ўрганади” [3]. Макроиқтисодиёт ўрганадиган қатор кўрсаткичлар бўлиб, уларнинг номланиши ҳар бир мамлакатда турлича бўлиши мумкин. Масалан, айрим мамлакатлар макроиқтисодий кўрсаткичлари бошқа бир мамлакатда макроиқтисодий кўрсаткичда ўрганилмаслиги ҳам мумкин. Бизнингча, бунга таъсир эт-

ган бош омил мамлакатнинг географик жойлашуви, табиий ресурсларга эга ёки эга эмаслиги, миллий менталитетнинг ўзига хослиги бўлади. Асос қилиб оладиган бўлсак, бизнинг республикада балиқчилик саноати макроиқтисодий кўрсаткичларда акс этмайди, аммо Буюк Британия, Япония ва Мадагаскар каби давлатларда бу макроиқтисодий кўрсаткичларнинг асосийларидан бири ҳисобланади.

**Асосий қисм.** Макроиқтисодий кўрсаткичларни тўғри, оқилона ва давр талабига мос равишда ташкил этишда макроиқтисодий сиёсат муҳим аҳамият касб этади. Буни, Макроиқтисодий сиёсатнинг жамият олдида турган мақсадидан ҳам билиб олиш мумкин. Макроиқтисодий сиёсат нима? “Макроиқтисодий сиёсат бу – алоҳида мамлакат аҳоли қатламининг, мантиқ қоидаларига риоя қилган ҳолда замон ва маконда тартибли ривожланиши ҳамда фаровонлигини мувофиқлаштирувчи жараёнлар йиғиндисидир” [4]. Макроиқтисодий сиёсат муайян бир мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ташкил этиш ва ўз вақтида ижро этиши лозим. **Жумладан:**

- макроиқтисодий мувозанат ва барқарорликни таъминлаш;
- юқори ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- юқори бандлик ва паст ишсизлик даражасини таъминлаш;
- аҳоли жон бошига юқори бўлган даромадларни таъминлаш;
- давлат бюджети, бюджет камомати ва солиқ юкини пасайтириш.

Маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда йиллар давомида макроиқтисодий кўрсаткичлар бир хиллик барқарор кўрсаткичга эга бўлмаган. Чунки, алоҳида йилларда айрим макроиқтисодий кўрсаткичлар жадвал асосида кўрсатилади, айрим йилларда эса бундай қилинмайди. Масалан, давлат бюджетига камомат муқаддам қайд этилар эди. Эндиликда у кўрсаткич омма олдида айтилса-да, жадвал кўринишда акс этмайди. Аммо, бу ҳолат аслида принципиал аҳамият касб этмайди.

Ҳозирги кундаги макроиқтисодий кўрсаткичларни жадвал асосида ўрганиб таҳлил қиладиган бўлсак, у қуйидагича манзарани касб этади.

#### 1-жадвал

### 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2022-2023 йилларга мақсадли мўлжаллар

Т/р	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз	Мақсадли мўлжаллар	
			2023 йил	2024 йил
1.	Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм	839 989	972 701	1 126 753
2.	Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	6,0	6,2	6,6
3.	Истеъмол нархлари индекси, ўтган йил декабрига нисбатан, фоизда	9,0	5,0	5,0
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	7,0	8,0	9,6
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	3,3	3,5	3,6
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	9,3	9,8	10,7

**Манба:** Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни. 2021 йил 30 декабрь.

1-жадвал маълумотларини ўрганадиган бўлсак, ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини акс эттирувчи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) абсолют суммада, ўтган йилга нисбатан фоиз ўсишда ҳам акс этган.

ЯИМ ўзи нима ва унга қандай кўрсаткичлар таъ-

сир этишини ўрганмасдан, макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш қийинлигини инобатга олиб, ЯИМ ҳақида айрим назарий қарашлар ва амалий ҳолатларни ўрганиб чиқиш лозим. ЯИМга жуда кўплаб олимлар ва мутахассислар таъриф беришган, албатта. Аммо, ўрганилган



таърифлар бўйича умумий хулоса қиладиган бўлсак, уларнинг барчаси бир-бирига жуда мазмунан яқин, аммо шаклан фарқ қиладиган ҳолатлар ҳам бисёр. Биз махсус адабиётларни ўрганиш асносида ЯИМга иқтисодий таъриф бериб ўтишни лозим топдик. Хусусан: “ЯИМ иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан биридир” [5].

Ялпи ички маҳсулот бир йил давомида, бир давлат ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар қиймати ҳисобланади. Одатда, ушбу якуний қиймат қанчалар юқори бўлса, мамлакат мос равишда ижтимоий-иқтисодий тараққий топган, кудратли ва фаровон деб эътироф этилади. Ялпи ички маҳсулотнинг кўрсаткичлари ва улардаги динамик ўзгаришлар ҳақидаги 10 йил оралиғидаги кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун 2-жадвал маълумотларига эътибор қаратамиз.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг 2010 ва 2020 йилларда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари бўйича қиёсий таҳлили

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил охирида	2020 йил параметр	ўсиш
I.	Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм.	74 042,0	424 113,0	5,7 бар.кўп
I.1.	ЯИМнинг йиллик ўсиш/пасайиш суръати	8,5 %	5,4 %	- 3,1 % кам
I.2.	Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши	52,5 %	59,4 %	+ 6,9 % кўп
I.3.	Аҳоли жон бошига ЯИМ, млн.	2,6	15,3	5,9 бар.кўп
I.4.	Инфляция даражаси, %	7,3	9,7	+ 2,4 % кўп
I.5.	Ташқи савдо айланмаси, млн.доллар	22 199,2	39 529,7	1,8 бар.кўп
I.6.	Экспорт, млн. доллар	13 023,4	17 080,5	1,3 бар.кўп
I.7.	Импорт, млн. доллар	9 175,8	22 449,2	2,5 бар.кўп
I.8.	Валюта курси, доллар/сўм	1\$/1 640	1\$/9 560	+ 7 920 сўм

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика ва Давлат солиқ қўмитаси материаллари асосида тайёрланган.

2-жадвал маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, хусусан, 2010–2020 йиллар мобайнида, ЯИМнинг абсолют ўсиши 5,7 баробарга ошган. Рақамга баҳо берадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган давлатларга қараганда жуда катта ўсиш ҳисобланади. Лекин, бу ерда шунинг ҳам унутмаслик лозимки, бу кескин ўсишга бевосита инфляция даражаси ҳам яхшигина таъсир кўрсатган. Агар ўрта ҳисобда йиллик инфляция даражаси 10 фоиз бўлган тақдирда ҳам, 10 йил мобайнида қарийб 100 фоизни ташкил этади. Бундан хулоса шуки, реал ўсиш 5,7 эмас, балки 4,7 баробарни ташкил этган.

ЯИМнинг ўсиш ёки пасайиш суръатига назар соладиган бўлсак, 2010 йилда йиллик ўсиш 8,5 фоизни ташкил этган шароитда, 2020 йилда 5,4 фоиз ўсганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Мос равишда ўр-

ганаётган йилларга нисбатан қарайдиган бўлсак, - 3,1 фоизга пасайганлиги маълум. Статистик маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, бу кўрсаткичда ўзига хос жумбоқ намоён бўлмоқда. Чунки, айни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авж олган бир паллада мамлакат ЯИМнинг йиллик ўсиши 8,5 фоиз бўлиб, инқироз пасайган бир шароитда эса 5,4 фоизни ташкил этяпти. Бизнингча, бунга таъсир этган қатор омиллар бир, лекин асосийси бўлиб, мамлакат аҳолисининг табиий ўсиши таъсир қилган. Шунингдек, мамлакатда ЯИМ ҳажми қанчалик тез ўсаётган бўлса, кейинги ўсишни шу кўрсаткичга етказиш имконияти бироз қийинлашиб бораверади. Биргина мисолни оладиган бўлсак, ХХР бир неча йиллар мобайнида ЯИМ ўсиши 10 фоиз теграида бўлган. Ҳозирги кунга келиб, унинг ўсиш кўрсаткичи 5-7 фоиз атрофида. Бир сўз билан айтганда, ЯИМ

ҳажми ошгандан кейин, кейинги йил ўсиши учун ошган ҳажм 100 фоиз ҳисобланади. Мос равишда яна катта кўрсаткич билан ўсиш ҳолати борган сайин пасайиб бораверади. Бунга мисол тариқасида иқтисодий ривожланган мамлакатлар ЯИМ ўсиш кўрсаткичини ҳам келтириш мумкин. АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония ва бошқалар. Ушбу давлатларда ҳам ЯИМнинг йиллик ўсиши 2-3 фоиздан ортмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушида ҳам ўзига хос ижобий силжиш намоён бўлган. 2010 молия йилида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 52,5 % ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 59,4 фоизни ташкил этмоқда. Бизнеснинг назаримизда, ушбу кўрсаткич, ривожланаётган давлатларга хос бўлиб, бизнеснинг республика ҳам унга мос келмоқда. Одатда, иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши қанчалик кўп бўлса, мамлакатнинг иқтисодий инкирозга юз тутиш эҳтимоли шунчалик оз бўлади.

ЯИМни аҳоли жон бошига тақсимлаганда тўғри келадиган сумма ҳам ўрганилаётган даврда ошган бўлиб, 2010 молия йилида 2,6 млн. сўмдан, 2020 йилда 15,3 млн. сўмни ташкил этган. Шу давр мобайнида 5,9 баробарга ортган. Бу ерда ҳам аҳолининг номинал даромади ўсган, бироқ реал даромадига инфляция даражаси салбий таъсир кўрсатганлигини ҳам алоҳида қайд этиш ўринли.

Таҳлил қилинаётган даврда инфляция даражаси бор-йўғи 2,4%га ошган. Рақамларга қараб хулоса қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич бозор иқтисодиёти ривожланаётган давлатларга хос хусусият бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва Давлат статистика қўмитаси айна шу соҳада олиб бораётган ислохотларнинг ижобий натижаси дейиш мумкин. Лекин, мамлакатнинг иқтисодий жадал ривожланиши учун бу кўрсаткични янада пасайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки, амалиётдан маълумки, инфляция юқори бўлган шароитда аҳоли ва юридик шахслар бўш турган молиявий ресурсларини тижорат банкларида омонат кўринишда сақлашдан манфаатдор бўлмайди. Бу ўз навбатида, пул айланмасининг меъёрий тезлигини секинлаштиради ва инфляция даражасининг кўтарилишига сабаб бўлади.

Мамлакатда ташқи савдо айланмаси 2010 йилда 22 199,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2020 молия йилида 39 529,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. Ўрганилаётган давр мобайнида ташқи савдо айланмаси 1,8 баробарга ортган.

Ушбу рақамлар ташқи савдо айланмасида ҳали амалга оширадиган ишлар кўплигидан далолат беради. Боиси, ривожланган мамлакатларда битта корхонанинг ташқи савдо айланмаси бизнинг мамлакатда қайд этилган кўрсаткичдан бир неча баробар юқори бўлмоқда. Мисол учун: **“Жанубий Кореянинг Samsung Electronics компаниясининг 2013 йилдаги савдо айланмаси 275,8 млрд. АҚШ доллари бўлиб, соф фойда 29,2 млрд. АҚШ долларига тенг”** [6], – бўлган. Худди шундай манзари, Toyota, Apple компанияларида ҳам кузатиш мумкин.

Ташқи савдо айланмасининг таркибий қисми бўлган экспорт ва импорт операцияларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2010 молия йилида экспорт 13 023,4 млн. АҚШ доллари, 2020 йилга келиб 17 080,5 млн АҚШ долларига етган. Импорт операциялари эса мос равишда 9 175,8 млн. АҚШ доллари ва 22 449,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. Бу икки кўрсаткичда ҳам ўсиш динамикаси кузатилади. Аммо, экспортга нисбатан импортнинг ўсиши анча юқори. Одатда айна ушбу кўрсаткичда, яъни экспорт сальдоси ижобий бўлиши керак. Яъни импортга нисбатан экспортнинг ҳажми юқори бўлиши лозим. Бизда айна шу кўрсаткич, 2010 молия йилида ташқи савдо айланмаси 3847,6 млн. АҚШ долларда ижобий сальдога эга бўлган. 2020 молия йилида ташқи савдо айланмаси 5368,7 млн. АҚШ долларига салбий сальдо билан намоён бўляпти.

Мамлакатда том маънодаги ҳақиқий пул бирлиги 1994 йилда муомалага жорий этилган бўлса, дунёдаги етакчи валюталардан бири бўлган АҚШ долларига нисбатан муттасил равишда ўз кучини пасайтириб келган ва келмоқда. Бирор-бир йил йўқдирки, ўзбек сўми АҚШ долларига нисбатан қуввати ошган бўлса. Ўрганилаётган даврда ҳам валюта курси кескин ошганлигининг гувоҳи бўламиз. 2010 йилда 1\$ = 1640 сўмга тенг бўлса, 2020 йилда бу 1\$ = 9560 сўмга тенглашган ва шу давр мобайнида +7920 сўмга ўзбек сўми девальвация бўлган. Қисқа вақт ва тинчлик даврида сўмнинг долларга нисбатан бундай девальвация бўлиши салбий ҳолат. Шу кўрсаткичнинг ўзиёқ маҳаллий аҳолининг сўмга бўлган ишончини сусайтириб, тижорат банкларида омонат сақлашдан чўчийдилар. Мана шу ерда яна бир объектив ҳолатни айтиб ўтиш ҳам адолатдан бўлади. Яъни, 2017 йил сентябрь ойида сўмнинг девальвацияси бир кунда 48 фоизга тушиб кетди. Бу ҳақда ОАВларидан қуйидаги маълумотни олиш



мумкин: “Шундай қилиб, сешанбадан бошлаб, долларнинг сўмга нисбатан расмий курси, яъни сотиб олиш 8000 сўм, долларни сотиш эса 8150 сўм қилиб белгиланди. Бир куннинг ўзида Ўзбекистон валютаси 48 фоизга девальвация бўлди. Ваҳоланки, 4 сентябрь куни долларнинг расмий қиймати 4210,35 сўм эди” [7] Кейинги икки йил(2018-2019 йй.)ни оладиган бўлсак, сўмнинг долларга нисбатан девальвацияси 1560 (9560-8000) сўмга тенг бўлмоқда.

Ҳар бир алоҳида давлатнинг макроиқтисодий сиёсатини ишлаб чиқувчи, амалга оширувчи ва мувофиқлаштирувчи куч бу – инсон ресурслари ҳисобланади. Инсон ресурслари қанчалик салоҳиятли ва касб маҳоратига эга бўлса, мамлакатда шунчалик ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ижобий бўлади. Шу боис, кейинги пайтлардаги аҳолининг ўсиши ёки камайишидаги тафовутлар бўйича тасаввурга эга бўлиш учун 3- жадвал маълумотларига назар соламиз.

### 3-жадвал

#### 2010 ва 2020 йилларда аҳоли сони кўрсаткичлари бўйича қиёсий таҳлил

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил охирида	2020 йил параметр	ўсиш
П.	Аҳоли сони, минг нафар	29 123,4	33 935,1	1,16 бар.кўп
П.1.	Эркаклар сони	14 646,1	17 055,3	1,16 бар.кўп
П.2.	Аёллар сони	14 477,3	16 879,8	1,16 бар.кўп
П.3.	Ўртача умр кўриш ёши	69	73,8	+ 4,8 йил.кўп

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика ва Давлат солиқ қўмитаси материаллари асосида тайёрланган.*

3-жадвалда келтирилган статистик маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилда аҳоли сони 29 123,4 нафарни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилга келиб 33 935,1 нафарга етган. Шу давр мобайнида аҳоли сони 1,16 баробарга кўпайган. Аҳолининг табиий ўсиши бошқа Марказий Осиё давлатлари ичида етакчи ўриндан бирини эгаллайди. Биргина, Тожикистон Республикасида аҳолининг табиий ўсиши бизга нисбатан биров жадвалроқ. Аммо, Европа мамлакатларига нисбатан оладиган бўлсак, жуда юқори дейишга асос бор. Ижтимоий тармоқларда берилган маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, айрим давлатларда аҳоли сони ўсиш эмас, балки стагнация, ҳаттоки камайиш тенденциясига ҳам эга бўлмоқда. Мисол учун: “2050 йилга бориб, аҳоли сони камаяётган давлатлар: Япония – 25 %; Украина – 23 %; Босния-Герцеговина – 19,6 %; Болгария – 18,2 % ва Грузия – 17,2 %” [8].

Аҳолининг таркибий қисми бўлган эркаклар ва аёллар нисбатини оладиган бўлсак, бу ерда ҳам айрим ижтимоий масалаларни бажариш бўйича қарор қабул қилиш керак. Одатда эркаклар билан аёллар ўзаро мувозанатли бўлиши лозим. Ўзбекистондаги ҳолат бўйича, эркаклар 2010 йилда 14 646,1 нафарни ташкил этган бир шароитда, аёллар 14 477,3 нафарни ташкил этган. Тафовут 16880 нафар эркак

кўп бўляпти. 2020 молия йилида эркаклар 17055,3 нафар бўлган бўлса, аёллар 16879,8 нафарни ташкил этиб, бу йилда ҳам эркаклар аёлларга нисбатан 17550 нафар кўп бўлган.

Бизнинг фикримизча, жадвалдаги ижобий кўрсаткич аҳолининг ўртача умр кўриш ёшининг кескин ошиши. Таҳлил қилинаётган даврда аҳолининг ўртача умр кўриши 69 ёшдан, 73,8 ёшгача узайган. Бу шундан далолатки, мамлакатда соғлиқликни сақлаш соҳаси нисбатан яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, аҳолининг ўзи ҳам турмуш даражасини яхшилаш бўйича онгли ёндашиб, тартибли овқатланиш, ўзи ҳақида қайғуришга риоя қилаётганидан нишона.

Ҳар бир алоҳида давлатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари ичида катталиги ва аҳамияти бўйича ЯИМ кўрсаткичидан кейин, Давлат бюджети туради. Давлат бюджети мамлакатнинг асосий молиявий режаси бўлиб, ундан бир вақтнинг ўзида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳудудий яхлитлик ва глобал экологик масалаларни молиявий маблағлар билан таъминлаб туришда фойдаланади. Шу боис, Давлат бюджетидаги даромад ва харажатлар кўрсаткичидаги динамик ўзгаришлар ва уларга таъсир этган омилларни кузатиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг мамлакатда ҳам мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, давлат молиясининг таркибий

қисми ҳисобланган давлат бюджети бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, яқин 30 йил ичида уч маротаба Солиқ кодекси сифат жиҳатидан қайта кўрилди ва тасдиқланди. Сўнгги ўзгаришлар 2019 йилда бўлиб, солиқлар сони 13 тадан 9 тага туширилди. Айрим солиқларнинг ставкаси кескин пасайтирилди. Жумладан, Кўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга, Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қарийб икки баробар қисқартирилди. Бу ижобий

ўзгаришлар натижасида солиқ юкини пасайтириш имконияти кенгайтириши билан бирга, давлат бюджетининг даромад қисми ҳам юксалиш сари юз тутди. Боиси, тадбиркорлар хуфиёна иқтисодиёт секторидан аста-секин легаллашган иқтисодий секторга ўта бошлади. Мамлакатнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларидан бири бўлган Давлат бюджети ва унда солиқларнинг улуши ҳақидаги маълумотга эга бўлиш учун 4-жадвалга мурожаат қиламиз.

#### 4-жадвал

### 2010 ва 2020 йилларда Давлат бюджети даромадлари, солиқларнинг улуши ва солиқ юки бўйича кўрсаткичлар таҳлили

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил охирида	2020 йил параметр	ўсиш
Ш.	Давлат бюджети, млрд.сўм	13 116,4	110 927,6	8,5 бар.кўп
Ш.1.	Солиқ тушумлари, млрд.сўм	12 368,6	101 491,3	8,2 бар.кўп
Ш.2.	солиқ юки, %	22,8 %	21,9%	-0,9 % кам

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика ва Давлат солиқ қўмитаси материаллари асосида тайёрланган.*

4-жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, Давлат бюджети 2010 молия йилида 13 116,4 млрд. сўмни, 2020 молия йилида 110 927,6 млрд сўмни ташкил этган, бу номинал ўсишдан далолат. Ўз навбатида, иқтисодий ўсиш 8,5 баробарни ташкил этган. Номинал ўсишдан инфляция даражасини чегирсак, давлат бюджетидаги реал ўсиш келиб чиқади. Сабаби, бу ерда ҳам инфляция даражасини эътибордан четда қўймаслик лозим. Солиқ тушумларида ҳам иқтисодий ўсишни кузатиш мумкин. 2010 йилда 12 368,6 млрд. сўм бўлиб, бу кўрсаткич давлат бюджетнинг 95 фоизини ташкил этган. Давлат бюджети даромадининг қолган қисми солиқсиз даромадлар улушига тўғри келган. 2020 молия йилида солиқ тушумларининг давлат бюджетига улуши 92 фоизни ташкил этапти. Бу кўрсаткич 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3 фоизга пасайганлигини кузатиш мумкин.

Солиқ юкини таҳлил этадиган бўлсак, ўрганилаётган давр яъни 2010-2020 молия йиллар оралиғида 0,9 фоиз пасайган. Аслида бу жуда яхши кўрсаткич, лекин ҳали бу ҳаммаси эмас. Солиқ юкини янада пасайтириш орқали айрим сояда юрган солиқ тўловчи субъектларни хуфиёна иқтисодиёт секторидан чиқариш мумкин.

Солиқ юкининг мисли кўрилмаган даражада ошиб кетишига салбий таъсир кўрсатаётган омил

бу - хуфиёна иқтисодиётнинг мавжудлигидир. **“2020 йилнинг 9 сентябрида Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистонда 245 триллион сўм маблағ соя остида эканлиги, яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши эса тахминан 48 фоизга тўғри келишини хабар қилган”** [9]. Бу ривожланаётган мамлакат учун ёмон кўрсаткич. Хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат миллий иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатишини олимлар қуйидагича қайд этган: “Хуфиёна (яширин) иқтисодиёт деганимизда мамлакат ичида яратилган қўшимча маҳсулотнинг солиққа тортилмай қолган ёки давлат томонидан назорат қилинмайдиган ва мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти (расмий иқтисодиёт)да акс этмай қолган қисми тушунилади” [10] Демак, солиқ тўловчиларнинг анча қисми солиқ тўлашдан қочиб юрибди.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, кейинги йилларда республика макроиқтисодий кўрсаткичлари ижобий томонга силжитганлигини кузатиш мумкин, албатта. Аммо, янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун қуйидаги таклифларга эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади. **Хусусан:**

*биринчидан*, илмий текшириш институтлари, тадқиқотчилар ва илм ўрганувчилар учун қулайлик бўлиши учун мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларни аниқ белгилаб олиб, уларнинг ҳар

бирининг йўналишига мос равишда махсус илмий текшириш институтларини бириктириб қўйиш лозим. Бу ўз навбатида, ҳар бир макроиктисодий кўрсаткичда ютуқларга бўлган масофани қисқартириб, муаммоларни тезда бартараф этиш имкониятини кенгайтиради.

*иккинчидан*, мамлакатда яратиладиган ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кескин ошириш йўллари кидириб топиш зарур. Миллий иқтисодиётда қанчалик кўп рақобат бўладиган бўлса, мос равишда истеъмолчиларга қулайлик ортиб боради. Бунинг учун тақиқланган тадбиркорлик объектлари рўйхатини расмий эълон қилиб, қолган соҳа ва тармоқларда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшигини очиш лозим. Худди шундай тартибни хорижий давлатлардаги элчи-хоналарга ҳам етказиб, чет эл инвесторлари кўламини ҳам кўпайтириш имконияти бўлади.

*учинчидан*, мамлакатда инфляция даражасини тезлаштираётган тадбирларни расмий равишда эълон қилиб, бу борада вазмин сиёсатни олиб бориш лозим. Инфляция даражасига тез таъсир этаётган объектлар қуйидагича:

- ЯИМ ўсишига мос равишда ижтимоий харажатларни ошириш лозим. Яъни, ЯИМнинг йиллик ўсиши 8 фоиз бўлса, ижтимоий харажатларнинг йиллик ўсишини ҳам 8 фоиздан оширмаслик лозим;
- имтиёзли кредитларни ҳам меъёрида тақдим этиш мақсадга мувофиқ. Одатда, имтиёзли кредитларнинг меъёридан ортиқ бўлиши инфляция даражасининг кўтарилишига тез таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади.

Агар мамлакатда икки хонали инфляция даражаси ҳукм сурса, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самараси паст бўлади. Бу ўз навбатида, аҳолининг миллий пул бирлигига бўлган ишончини йўқотади;

*тўртинчидан*, ташқи савдо операцияларида импортга нисбатан экспортни кўпайтириб ижобий

---

**...имтиёзли кредитларни ҳам меъёрида тақдим этиш мақсадга мувофиқ. Одатда, имтиёзли кредитларнинг меъёридан ортиқ бўлиши инфляция даражасининг кўтарилишига тез таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади**

---

сальдога эришишни таъминлаш лозим. Бунинг учун, импорт қилинган техника ва технологияларни тез суръатларда маҳаллийлаштириш масаласини кўндаланг қўйиб, хорижий техника ва технологиялар импортини кескин камайтириш лозим. Акс ҳолда, импорт қилинган техника ва жиҳозлардан кўра, уларни қайта таъмирлашга кетаётган эҳтиёт қисмларига залворли маблағ сарфлаб, эркин конвертация қилинадиган валюталарнинг хорижга чиқиб кетишига замин яратилади.

*бешинчидан*, мамлакатдаги ЯИМда хуфиёна иқтисодиёт улуши 48 фоиздан юқори бўлса, шунча миқдорда солиқ тўловчи солиқ тўламайди. Демак, 60 фоиз солиқ тўловчилар тўлаётган солиқ суммаси мамлакатнинг 100 фоиз аҳолисига қайта тақсимланади. Солиқ юки 60 фоиз солиқ тўловчилар елкасига тушяпти. Бу ўз навбатида, мамлакатда эркин рақобат муҳитини йўқотади, шунингдек, қонуний ишлайдиган тадбиркор ҳам хуфиёна иқтисодий секторга ўтишига замин яратади. Шу боис, хуфиёна иқтисодиётни минималлаштириш масаласини қисқа вақтлар ичида ижобий ҳал этиш бугунги кунда ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Истикболда юқорида қайд этилган таклифларга жиддий эътибор қаратилиб ижобий ечими топилса, макроиктисодий кўрсаткичлар давр талабига мос равишда ривожланиши билан бирга, аҳолининг турмуш тарзи ҳам янада яхшиланишига қулайлик яратилади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. <https://qomus.info/>
2. [https://banks.academic.ru/1303/Банковская\\_энциклопедия](https://banks.academic.ru/1303/Банковская_энциклопедия).
3. *Таъриф муаллиф томонидан махсус адабиётларни ўрганиш асосида берилди.*
4. *Таъриф муаллиф томонидан махсус адабиётларни ўрганиш асосида берилди.*
5. *Таъриф муаллиф томонидан махсус адабиётларни ўрганиш асосида берилди.*
6. [https://www.Внешнеэкономическая\\_деятельность\\_компании\\_Samsung\\_Electronics\\_\(myuniversity.ru\)](https://www.Внешнеэкономическая_деятельность_компании_Samsung_Electronics_(myuniversity.ru))
7. [https://www.Центробанк\\_Узбекистана\\_девальвировал\\_национальную\\_валюту\\_на\\_48%\\_-\\_Газета.Ru\\_\(gazeta.ru\)](https://www.Центробанк_Узбекистана_девальвировал_национальную_валюту_на_48%_-_Газета.Ru_(gazeta.ru))
8. [https://www.Аҳоли\\_сони\\_камаяётган\\_мамлакатлар\\_-\\_Sof.uz](https://www.Аҳоли_сони_камаяётган_мамлакатлар_-_Sof.uz)

9. <https://daryo.uz/k/2021/06/30> Ўзбекистон яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринда.

10. Джуманиязов Ш. Р. “Хуфиёна иқтисодиёт ва унинг оқибатларини камайтириши йўллари” “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2021 йил, 2- сон.

### **Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили**

**Низамиддин Хайдаров,**

*иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,  
Кадрлар малакасини ошириши ва статистик тадқиқотлар институти директорининг  
Илмий ишлар, инновациялар ва халқаро алоқалар бўйича ўринбосари*

**Аннотация:** мақолада микроиқтисодиёт, мезоиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт каби иқтисодий категорияларга таъриф берилган. Улар ўртасидаги ўхшашликлар ва тафовутлар кўрсатилган. Ялпи ички маҳсулотнинг таркиби ва унинг ўсиши ёхуд пасайишига таъсир этувчи омиллар ўрганилган ва таҳлил этилган. Ташиқи савдо операцияларида экспорт ва импортнинг номувозанатлигининг ижобий ва салбий томонлари таҳлил этилган. Хуфиёна иқтисод нафақат макроиқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсири, балки солиқ юқининг кескин ошиб кетиши билан бирга, мамлакатда эркин рақобат муҳитига соя солиши асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** микроиқтисодиёт, мезоиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, макроиқтисодий мувозанат, иқтисодий ўсиш, ялпи ички маҳсулот, хуфиёна иқтисод, экспорт, импорт, ташиқи савдо операцияси, инфляция даражаси, ишсизлик, аҳолининг табиий ўсиши.

### **Сравнительный анализ основных макроэкономических показателей Республики Узбекистан**

**Низамиддин Хайдаров,**

*доктор экономическим наук, профессор,  
заместитель директора Института повышения квалификации кадров и статистических исследований при государственном комитете  
Республики Узбекистан по статистике*

**Аннотация:** в статье даны определения экономическим категориям, таким как микроэкономика, мезоэкономика и макроэкономика. Изложены их сходства и различия. Изучены и проанализированы структура валового внутреннего продукта и факторы, влияющие на его увеличение или уменьшение. Проанализированы положительные и отрицательные стороны экспортно-импортной диспропорции во внешнеэкономических операциях. Обосновано, что теневая экономика не только отрицательно сказывается на макроэкономических показателях, но и резко увеличивает налоговую нагрузку, а также ухудшает атмосферу свободной конкуренции в стране.

**Ключевые слова:** микроэкономика, мезоэкономика, макроэкономика, макроэкономический баланс, экономический рост, валовый внутренний продукт, теневая экономика, экспорт, импорт, внешнеэкономическая операция, уровень инфляции, безработица, естественный прирост населения.

### **Comparative analysis of the main macroeconomic indicators of the Republic of Uzbekistan**

**Nizamiddin Khaydarov,**

*Doctor of Economics, Professor,  
Deputy Director of the Institute for advanced training of personnel and statistical research under the State Committee of the Republic of Uzbekistan on statistics*

**Abstract:** the article defines economic categories such as microeconomics, mesoeconomics and macroeconomics. Their similarities and differences are outlined. The structure of the gross domestic product and the factors influencing its increase or decrease are studied and analyzed. The positive and negative sides of the export-import disparity in foreign trade operations are analyzed. It is proved that the shadow economy not only negatively affects macroeconomic indicators, but also sharply increases the tax burden, and also worsens the atmosphere of free competition in the country.

**Keywords:** microeconomics, mesoeconomics, macroeconomics, macroeconomic balance, economic growth, gross domestic product, shadow economy, export, import, external economic operation, inflation rate, unemployment, natural population growth.



УЎК: 336.22(575.1)

**Ажинияз МУСАГАЛИЕВ,**  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими,  
Қорақалпоқ Табиий фанлар илмий тадқиқот институти  
“Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш” лабораторияси мудири,  
E-mail: musagalievajiniyaz@yandex.ru

## Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ потенциалининг истиқбол даврларга илмий прогнози

**Кириш.** Солиқ тушумлари потенциали, умуман олганда барча мамлакатларда давлат даромадларининг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Солиқлар ва тараққиёт ҳалқаро марказининг сўнгги ҳисоб-китобларига кўра, “дунёдаги мамлакатларнинг қарийб ярмида давлатнинг умумий даромадларининг 80% дан ортиғини, деярли барча мамлакатларда 50% дан ортиғини жами солиқ тушумлари ташкил этмоқда” [1]. Хусусан, солиқлар хўжалик юритишнинг турли босқичларида такрор ишлаб чиқаришни рағбатлантиради ва мамлакат ёки унинг ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида иштирок этади. Шу нуқтаи назардан ҳарқандай давлатда солиқ тизими иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига эришишда муҳим дастак механизми бўлиб ҳисобланади. Хусусан, “2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳитни шакллантириш каби вазифаларини амалга оширишни давом эттириш” [2] имконини берди.

Лекин шунга қарамай бугунги кунга қадар, мамлакатимиз солиқ тизимида ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни ошириш, ҳудудларда бир

текис соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва шунингдек, умуман солиқ ислохотлари самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган камчилик ва муаммоларнинг мавжудлиги ўз навбатида, мамлакат солиқ тизимини жадал ривожлантиришда, ҳудудларда солиқ тушумларининг потенциал захираларини илмий асосланган ҳолда талаб даражасида баҳолашга тўсқинлик қилмоқда. Шу тариқа, ҳудуд бюджет даромадларининг етарлилигини таъминлаш юзасидан улар солиқ чегараси меъёрини таҳмин қилиш ва маҳаллий бюджет даромадларининг солиқлар бўйича бўшлиғини тўлдириш алоҳида аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси.** Назарий таҳлил ва монографик кузатишлар асосида, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, ҳудудларда солиқ тушумлари потенциалини баҳолаш ва илмий прогнозини тадқиқ қилишга қаратилган. Хусусан, ҳарқандай ҳудуд солиқ потенциалини баҳолаш ва прогноз қилишда услубий ёндашувлар ҳамда маҳаллий шароитларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиншини тақозо этади.

**Таҳлил ва натижалар.** Одатда маълум ҳудуд солиқ потенциалининг ўсиш йўналишлари қуйидагиларни назарда тутди:

1. Ҳудуднинг солиқ базаси ва солиққа тортилдиган ресурслари ўсишига бевосита таъсир қилувчи иқтисодий потенциални ошириш;


2. Худуд солиқ потенциалининг таркибий қисмлари ликвидлигини ошириш, хусусан, илгари яширилган солиққа тортиладиган базани ҳамда солиқ солиш объектларини декларациялаш ва рўйхатга олиш, ўз ихтиёри билан тўлаб бериш ва ундириш йўли билан боқимандалар ҳажмини камайтириш, жорий даврда уларни тўлашдан бўйин товлаш кўламини қисқартириш;

3. Бир вақтнинг ўзида худуднинг солиқ базаси ўсишига ва яхшиланишига кўмаклашувчи универсал чора-тадбирлардан фойдаланиш.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кундаги ёндашувларга кўра "солиқ потенциали" ва унинг ўсишини аниқлаш "солиқлар бўйича бўшлиқ" ва "солиқ чегараси" тушунчаларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Солиқдаги бўшлиқ (tax gap), аслида олинган солиқ суммалари ва тахмин қилинганлар ўртасидаги фарқ билан белгиланадиган солиқ йўқотишлари, барча солиқ тўловчиларнинг қонун талабларини бажариш шартли билан бюджетни тўлдириши мумкин бўлган суммалар тушунилади [3].

Демак, шартли равишда, солиқ бўшлиғи солиқ потенциали билан ҳақиқатда тўланган солиқлар миқдори ўртасидаги тафовутни белгилаб беради деб тахмин қилишимиз мумкин. Ушбу атамани қўллаш солиқ юки назариясининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб хусусан, А.Лаффер концепцияси асосида солиқ ставкаларининг меъёри билан солиқ тушумлари ҳажми ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиқади.

Шу тариқа, «чегара» сўзидан фойдаланиш кўрсатилган экстремум нуқтасини аниқлаш функцияси сифатида намоён бўлади, яъни солиқ тушумларини максимал даражада оширадиган солиқ ставкасини ифодалайди. Шу муносабат билан, солиқ чегараси максимал олиниши мумкин бўлган солиқ тўловлари сифатида қаралиши мумкин. Қайд этилганлар асосида, "солиқ потенциали" - "солиқ бўшлиғи" ва "солиқ чегараси" тизимидаги нисбатни куйидагича тавсифлаймиз: у солиқ чегарасида олиниши мумкин бўлган максимал солиқ тўловларини ифодалайди ва амалдаги солиққа тортиш тизимида шаклланган солиқ потенциалини, амалдаги тизим доирасида олинмаган солиқ фарқини, шунингдек солиқ бўшлиғи ва амалдаги солиқ тизимида нисбатан солиқ ставкаларини максимал даражада ошириш орқали эришиладиган қисмини ҳам ўз ичига олади. Ушбу тушунчалар орасидаги боғлиқлик график шаклида тасвирланди (1-расм).



**1-расм. Солиқ потенциали, солиқ бўшлиғи ва солиқ чегараси тушунчаларининг ўзаро муносабати графиги**

*Манба: муаллиф ишланмаси.*

1-расмда абсциссада солиқ ставкалари (R), ординатада солиқ базаси даражаси (Q) чизилган. Солиқ тўловчилар амалдаги R1 солиқ ставкаси бўйича Q1 солиқ базасини (ҳақиқий солиқ базаси Q\* бўлганида) декларация қилишади, тўртбурчак 0Q1AR1 ҳақиқий тўланган солиқ тўловларини (амалга оширилган солиқ потенциали), 0Q\*BR1 тўртбурчак эса худуднинг (номинал) солиқ потенциалини англатади.

Худуднинг солиқ потенциали ва ҳақиқий солиқ тушумлари ўртасидаги фарқ - тўртбурчак Q1Q\*BA ( $0Q*BR1 - 0Q1AR1 = Q1Q*BA$ ) - солиқ бўшлиғини англатади. Бунда, агар амалдаги ҳақиқий солиқ базасига нисбатан А.Лаффер концепциясига кўра, бюджетга максимал тушумлар (R\*) шаклландиган солиқ ставкаси қўлланилганда, унда шартли равишда 0Q\*CR\* тўртбурчаги билан ифодаланган солиқ чегарасига эришиш мумкин.

Демак, амалий ёндашув асноси, бир томондан, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши эҳтиёжларидан ва унга эришиш имкониятларидан келиб чиқиб, объектив зарур маблағлар миқдорини аниқлаб олишга тўғри келади. Иккинчи томондан эса, худудий бошқарув органлари ўз тасарруфидаги бюджет маблағларининг даромад қисмини тўлдириш чораларини ишлаб чиқишлари лозим бўлади. Ҳар иккала жараён ўзаро паралел равишда олиб борилади. Сабаби худудлар маҳаллий бюджет ресурсларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари амалда шундай ҳал этилади. Яъни, бир вақтнинг ўзида бюджет ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда



демократизм ҳам таъминланади. Чунки давлат ҳокимиятининг барча органлари ўзларининг бюджет маблағларига эга ва ўзларига тегишли бюджет ҳуқуқларидан фойдаланадилар [4].

Айтиш ўринлики, бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал қилишда республика бюджетидан ажратилаётган ўтказмаларни етарли деб бўлмайди. Чунки мамлакат ҳудудларида бюджет даромадларининг етарлилигини таъминлашда улар бюджет солиқ механизмларини маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришни тақозо этади. Бунда ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси кўрсаткичлари асосида уларнинг заиф томонлари ва камчиликлари билан бирга устунлик салоҳиятини ҳам ҳисобга олиш керак. Яъни, ҳудудлар солиқ базаси потенциали имкониятларини рўёбга чиқариш орқали маҳаллий бюджет тушумларининг етарлилигини таъминлашимиз мумкин. Лекин бу масалани амалга ошириш жараёнида алоҳида қатъийлик билан бирга ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб қилинади.

Шу асосда, мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан суғуртилган ҳудуди, хусусан Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узок ва ўрта муддатга белгиланган стратегик чора-тадбирларини ҳал қилишда солиқ тушумлари имконияти ва потенциали жуда аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Демак, “солиқ тушумларини илмий асосланган ҳолда прогноزلаш орқали давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмларидаги мувозанатни сақлаш, бюджет тақчиллигига йўл қўймаслик, бюджетнинг

солиқли даромадларининг манбалар бўйича бажарилиши ва солиқ тушумларининг молиявий йил давомида узлуксиз, барқарор йиғилиши таъминланади” [5]. Шу боисдан ҳам, бизнингча истиқболда Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ тушумлари потенциалининг илмий прогнози энг муҳим долзарб масала саналади.

Шу сабабли, статистик маълумотлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан даромадларида фойда солиғи ва айланмадан олинган солиқ (ягона солиқ тўлови) бўйича тушумларнинг ўсиши ҳамда унда тушумлар потенциалининг келгуси даврларга мўлжалланган прогнозининг вариант сценарийлари ишлаб чиқилди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан даромадларида фойда солиғи ва айланмадан олинган солиқ (ягона солиқ тўлови) бўйича тушумларга таъсир этувчи омилларнинг прогнози асосида натижавий ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари топилди. Ушбу прогноз икки хил вариантда аниқланди. Биринчи вариант сценарийсида, ўзгариш тенденциясига асосланиб чизилган графикка нисбатан берилган тренд чизиклари бўйича моделнинг аппроксимация ишончилиги энг юқори детерминация коэффицентига эга бўлган регрессия тенгламасига асосланиб топилган прогноз кўрсаткичлари - ҳақиқий (аддитив) усул бўйича. Иккинчи вариант сценарийсида муқобил равишда тренд чизигининг регрессия тенгламаси асосида ҳисоблаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари келтирилган, бу – репрезентатив усул бўйича. Солиқ тушумлари потенциали юзасидан ишлаб чиқилган прогноз натижалари 1-жадвалда акс эттирилди.

#### 1-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан даромадларига фойда солиғи ва айланмадан олинган солиқ бўйича солиқ тушумлари потенциалининг 2023 йилга мўлжалланган прогнозининг қиёсий таҳлили, (млн. сўмда)

Йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларида		шу жумладан: Фойда солиғи тушумлари потенциали		Айланмадан олинган солиқ бўйича тушумлар потенциали	
	Фойда солиғи тушумлари (ҳақиқий)	Айланмадан олинган солиқ тушумлари (ҳақиқий)	1-вариант сценарийси, ҳақиқий (аддитив) усул бўйича	2-вариант сценарийси, репрезентатив усул бўйича	1-вариант сценарийси, ҳақиқий (аддитив) усул бўйича	2-вариант сценарийси, репрезентатив усул бўйича
2022	272048,6	80870,4	222694,0	793276,0	83615,3	50814,0
2023	336212,2	73401,6	256678,0	993321,0	82714,5	40406,0

*Манба: муаллиф ишланмаси.*

1-жадвалда келтирилган солиқ тушумлари потенциалининг 2023 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларида фойда солиғи бўйича тушумлар потенциали ҳар иккала усуллар бўйича ҳисобланган вариант сценарийсида ҳам ўсиш тенденциясига эга.

Лекин 2-вариант сценарийсида репрезентатив усул бўйича олинган солиқ потенциали прогноз кўрсаткичларида 1-вариант сценарийсига ҳақиқий (аддитив) усулга қараганда нисбатан юқори суръатда ўсиш кузатилмоқда.

Шунга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларидаги айланмадан олинган солиқ тушумлари потенциалининг олинган

прогноз кўрсаткичларида ҳақиқий (аддитив) усул ва репрезентатив усул бўйича ҳам иккала вариант сценарийсида аксинча камайиш тенденцияси кузатилади. Бу, ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий сустривожланганлик ҳолати ва шу билан бирга, бошқа қатор субъектив омилларга боғлиқ изоҳланади. Сабаби, айланмадан олинган солиқ тушумлари потенциали иккинчи вариант сценарийсида юқори камайиш тенденциясига эга бўлиб, прогноз қилинган йиллар орасидаги миқдорлар интервали катта эмас, бироқ биринчи вариант сценарийсида камайиш унга нисбатан паст. Ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари 2 ва 3-расмларда берилди.




2-расм. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларида фойда солиғи тушумлари потенциалининг 2023 йилгача ишлаб чиқилган прогнози

Манба: муаллиф ишланмаси.

**Хулоса ва таклифлар.** Ишлаб чиқилган прогноз маълумотларидан кўриниб турибдики, фойда солиғи тушумлари потенциалида ҳар иккала усуллар бўйича 2 та вариант сценарийсида ҳам солиқ тушумларининг потенциали ўсиш тенденциясига эга бўлса, айланмадан олинган солиқ тушумлари потенциалининг иккала усул бўйича 2 та вариант сценарийсида ҳам камайиши кузатилди. Хусусан,

репрезентатив усул бўйича 2-вариант сценарийсида 2022 йил учун прогноз кўрсаткичларида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларида фойда солиғи потенциали миқдори 793276,0 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилга келиб 993321,0 млн. сўмни ташкил этади ва 2023 йил 2022 йилга нисбатан (200045,0 млн. сўмга) 20,1 фоиз пунктга ўсиши мумкинлигини кўради. Бу ўз



**3-расм. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларида айланмадан олинadиган солиқ (ягона солиқ тўлови) бўйича тушумлар потенциалининг 2023 йилгача ишлаб чиқилган прогнози**  
*Манба: муаллиф ишланмаси.*

навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларининг солиқ чегарасини ифодалайди. Мазкур усул бўйича 2-вариант сценарийсида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларида айланмадан олинadиган солиқ потенциали миқдори 2022 йил учун олинган прогноз кўрсаткичларида 50814,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2023 йили 40406,0 млн. сўмни ташкил этади ва ушбу даврга, яъни 2023 йил 2022 йилга нисбатан (10408,0 млн. сўмга) 20,0 фоиз пункт атрофида камайиши мумкин. Ушбу орқали биз, ҳудуд бюджети даромадларининг солиқ бўшлиғини тахмин қилишимиз мумкин. Ушбу ҳолатни биринчи ва иккинчи вариантлар сценарийлари бўйича ўтган чизикларнинг орасидаги фаркни ифодаловчи ўзгариш оралиғининг йўлак масофалари ҳам кўрсатиб турибди. Лекин, репрезентатив усулда фойда солиғи тушумлари потенциали прогнозининг юқори ўсиш суръати мавжуд. Мазкур ҳолат, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларига солиқ тушумлари потенциалининг ошиши натижасида солиқ тушумларининг етарлилиги таъминланиши билан изоҳланади. Фикр мулоҳазаларимиздан келиб чиқиб биз, репрезентатив усул бўйича олинган прогноз вариант

сценарийсини оптимистик вариант сифатида қабул қиламиз ва иккинчи ҳақиқий (аддитив) усул бўйича прогноз вариант сценарийсини эса иқтисодий цикл фазаларидан келиб чиқиб ривожланишдан олдинги вақтинчалик турғунлик ҳолат деб баҳолашимиз мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганимизда, Ўзбекистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларида Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий жиҳатдан паст ривожланган ҳудудлар сирасидан чиқарилиши масаласи кўндаланг турибди. Бунинг учун маҳаллий бюджет даромадларининг етарлилигини таъминлаш ва ошириш лозим. Бунда асосий дастак сифатида ҳудуд солиқ потенциалини баҳолаш натижавийлиги ва прогноз қилиш самардорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Демак юқорида билдирилган таклиф ва тавсиялар 2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича назарда тутилган чора-тадбирларни самарали тадбиқ этиш ва шунингдек, ҳудуд солиқ потенциалини руёбга чиқариш орқали унинг бюджет солиқ механизмини такомиллаштириш имконини беради.

### Манба ва адабиётлар

7. Налоговый Кодекс Республики Узбекистан. [https://buxgalter.uz/doc?id=610441\\_nalogovuy\\_kodeks\\_respubliki\\_uzbekistan\\_\(utverjden\\_zakonom\\_ruz\\_ot\\_30\\_12\\_2019\\_g\\_n\\_zru-599\)&prodid=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana#](https://buxgalter.uz/doc?id=610441_nalogovuy_kodeks_respubliki_uzbekistan_(utverjden_zakonom_ruz_ot_30_12_2019_g_n_zru-599)&prodid=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana#)

8. Постановление Президента Республики Узбекистан от 27.01.2022 года “О дополнительных мерах по развитию сферы услуг”. [https://uza.uz/ru/posts/o-dopolnitelnyx-merax-po-razvitiyu-sfery-uslug\\_341454](https://uza.uz/ru/posts/o-dopolnitelnyx-merax-po-razvitiyu-sfery-uslug_341454)

9. Постановление Кабинета Министров от 22.09.2021 г. N 595 “О мерах по дальнейшему совершенствованию постановки на учет налогоплательщиков и упрощению порядка возмещения НДС”. <https://lex.uz/ru/docs/5660085>

### Пути улучшения налогообложения розничной торговли

**Сергей ВОРОНИН,**

доктор экономических наук, профессор,  
главный специалист Института  
бюджетно-налоговых исследований,

**Джоробек МУСАБЕКОВ,**  
доцент Ташкентского филиала  
РЭУ им. Г.В. Плеханова

**Аннотация:** в статье рассматриваются научные и практические вопросы налогообложения сферы розничной торговли. Даны определения торговых комплексов, рынков с точки зрения налогообложения. Особое внимание уделено анализу налогообложения в Республике Узбекистан. Выявлены актуальные проблемы налоговой системы. На основе анализа зарубежного опыта разработаны предложения и рекомендации по оптимизации налогообложения в этой сфере деятельности.

**Ключевые слова:** оптимизация налогообложения, розничная торговля, налоговый режим, налог с оборота, налог на прибыль, налог на добавленную стоимость, специальный режим.

### Чакана савдони солиққа тортишни такомиллаштириш йўллари

**Сергей Воронин,**

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,  
Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти  
бош мутахассиси,

**Жоробек Мусабеков,**  
Г.В. Плеханов номидаги  
РИУ Тошкент филиали доценти

**Аннотация:** мақолада чакана савдо соҳаларини солиққа тортишининг илмий ва амалий масалалари кўриб чиқилади. Савдо-сотиқ мажмуалари, бозорлар солиқ тортиши нуқтаи назардан таърифланган. Ўзбекистон Республикасида солиққа тортишга алоҳида диққат қаратилган. Солиқ тизимининг долзарб муаммолари аниқланди. Хорижий тажрибанинг таҳлили асосида солиқ соҳасида фаолият юритишида солиққа тортишни оптималлаштириши бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** солиқ ундиришни оптималлаштириши, чакана савдо, солиққа оид идора усули, айланмадан солиқ, даромад солиғи, қўшимча қиймат солиғи, махсус режим.

### Ways to improve the taxation of the retail trade

**Sergey Voronin,**

Doctor of Economics, Professor,  
Chief Specialist of the Institute of Fiscal Research,

**Musabekov Jorobek,**  
Associate Professor of the Tashkent branch  
of PRUE named after G.V. Plekhanov

**Abstract:** the article deals with scientific and practical issues of taxation in the sphere of retail trade. The definitions of trade complexes, markets from the point of view of taxation are given. Particular attention is paid to the analysis of taxation in the Republic of Uzbekistan. The actual problems of the tax system are revealed. Based on the analysis of foreign experience, proposals and recommendations for optimizing taxation in this area of activity have been developed.

**Keywords:** tax optimization, retail trade, tax regime, turnover tax, income tax, value added tax, special regime.



**Илхомжон УМАРОВ,**  
*иқтисодиёт фанлари доктори,*  
*Андижон давлат университети профессори в.б.,*  
**E-mail: umarov\_iyu@rambler.ru**

## **Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш механизмининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти**

**Кириш.** Жаҳон ҳамжамияти томонидан иқтисодий ривожланишнинг омили сифатида XIX асрда тадбиркорлик, XX асрда – қишлоқ хўжалиги этироф этилган бўлса, XXI асрда мамлакат иқтисодий ривожланишини айнан саноат тармоқларини ривожлантириш белгилаб бериши қайд этилган. Шу маънода Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар ва иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати дунё миқёсидаги тараққиёт тенденцияларига ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда, деб таъкидлаш ўринли бўлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга оид ислохотларнинг чуқурлашуви юз бермоқда. Жумладан, озиқ-овқат корхоналарини бошқариш механизмини яхшиламасдан, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштирмай тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва ташқи манбалардан инвестициялар киритишни кўпайтириш муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммонинг долзарблигини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралда «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2492-сонли қарори қабул қилинган [1]. Бу қарорга кўра «Республика озиқ-овқат саноатини тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури»да белгиланган вазифалар ва тадбирларни бажариш юзасидан корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш [2], озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвестор-

лар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, корхоналарни стратегик бошқаришда озиқ-овқат саноатида тадбиркорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш лозим.

Адабиётлар шарҳи. Рус олимларидан В.А.Слепов, К.В.Орлов ҳамда В.К.Бурлачковлар механизм назарияси бўйича муаммоларни таҳлил қилишнинг ахборот ва функционал ёндошувларини асослаган [3]. Шунингдек, рус иқтисодчиси А.Ю. Чаленко иқтисодий механизмнинг қуйидаги асосий фарқли хусусиятларини ажратиб кўрсатади [4]: механизм ўз навбатида жараёнсиз амалга оширилмайди, чунки механизм асосан жараённинг функционал вазифасини амалга ошириш учун юзага келтирилади; механизм ўз бошқарувига эга эмас, гўё “ҳаракатсиз” ва жараённи бошқаришни кутиш ҳолатида бўлади [5]; механизмни бошқарув билан бирлаштириш - жараённинг ички мазмунини ташкил этади. Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, А.Ю. Чаленко иқтисодий механизм – иқтисодий жараёнда ишлаб чиқариш ресурслари ва уларни бирлаштириш усуллари йиғиндисидир, деб таъриф беради ҳамда ресурслар сифатида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини олиб борадиган ҳудудий бирликка тегишли бўлган ижтимоий, иқтисодий, экологик ва технологик ресурсларни назарда тутди [6].

Бу борада хорижлик иқтисодчи олимлардан Л.И. Абалкин, Г.С.Сеялова, Е.Е. Вершигора, В.Ф.Филиппов, А.А.Кульман, Б.З Мильнер ва Д.В. Ходосларнинг илмий ишлари эътиборга лойиқдир.

Б.З Мильнер ташкилий-иқтисодий бошқариш механизмига қарор қабул қилиш жараёнида таш-

килот элементларининг яхлитлигини, ресурслар билан таъминлаш ва тақсимлаш тизимини, бошқарув объектларига таъсир қилишнинг асосий усуллари, жумладан, ташкилий, маъмурий ва иқтисодий усулларнинг мувофиқлиги сифатида қарайди [7]. Бу таърифда асосий эътибор хўжалик механизми қарор қабул қилиш асосида ишлаб чиқариш фаолиятини мувофиқлаштиришига қаратилган.

Г.С. Сеялова фикрича, хўжалик механизми – бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш усули, хўжалик юритиш шакли (режа, иқтисодий нормативлар, нарх, фойда, иш ҳақи, молия, кредит, қарор қабул қилиш) сифатида ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантирувчи тизим, шунингдек, у нафақат ишлаб чиқариш муносабатларида балки, ишлаб чиқариш кучларини ва ташкилий тузилмасини ташкил этишдир [8]. Г.С.Сеялова фикри ҳам Б.З.Милнер фикрини тўлдиради ва асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга қаратилади.

Академик Л.И. Абалкиннинг таъкидлашича, хўжалик механизми фаолият юритишнинг шакл ва усулларининг мажмуидир, ўз таркибига кўра нафақат базавий, балки бир-бирига таъсир кўрсатувчи устқурмавий элементларнинг йиғинидисидир [9]. Л.И.Абалкин ёндашуви янада торроқ маънода ифодаланган бўлиб, у хўжалик юритиш шаклларига урғу беради ва устқурма унсурларига эътибор қаратади. Бу таъриф мазмунан ихчам ва лўнда бўлсада, унда аниқлик етишмайди ва иқтисодий механизм хўжалик юритиш механизми сифатида қаралиши билан чекланган ёндашув бўлиб ҳисобланади.

В.Ф.Филлипов хўжалик механизми ўз ичига бошқарувнинг асосий элементлари ҳисобланадиган режалаштиришни, иқтисодий дастаклар ва рағбатларни, ташкилий тузилмаларни, усул ва услубларни, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнат жамоаси иштирокининг турли шакллари жамлайди, деб таърифлайди [10]. Бу таърифда хўжалик юритишнинг шакллари ва ишлаб чиқариш жараёнини ўзаро мувофиқлаштириш масаласига асосий эътибор берилган. Лекин, иқтисодий механизм масаласига эътибор мавжуд эмас.

Е.Е. Вершигора хўжалик механизмини режалаштириш, иқтисодий рағбатлантириш, бозор механизми ва ташкилий тузилмасининг биргаликдаги ҳаракати ҳамда уйғунлиги сифатида тавсифлайди [11]. Бу ёндашув иқтисодий механизмга нисбатан аниқроқ ва яқинроқ ёндашувни ифодалайди. Таъриф мазмунан ихчам ва лўнда ҳамда содда шаклда

баён қилинган. Юқорида келтирилган таърифларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб хулоса қилсак, кўпчилик иқтисодчи олимлар хўжалик механизмига кўпроқ макродаражага хос бозор иқтисодиёти институтлари йиғиндиси, деб қарайдилар ва уни тавсифлайдилар.

Хўжалик механизмига таъриф беришда Д.В.Ходос унинг вазифаларига эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайди ва бу билан янгича ёндашувни баён қилади: тадбиркорлик фаолиятининг барча доираларидаги хўжалик субъектларининг ташкилий уюшмасини таъминлаш; иқтисодий ва инвестицион муносабатларни такомиллаштириш учун керакли шарт-шароитларни яратиш; тармоқларнинг барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги муаммоларни самарали ҳал қилиш [12]. Д.В.Ходос таърифи бизнинг фикримизча энг мақбул ёндашув бўлиб ҳисобланади ва у бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб – қувватлаш механизмининг энг жиддий масалаларини қамраб олишга тўғри йўл кўрсатувчи ёндашув бўлиб ҳисобланади. Айнан иқтисодий механизмни функционал ёндашув асосида тавсифлаш миллий хўжаликнинг озик-овқат саноатини ривожлантиришда тадбиркорликни ўрганиш учун тўғри танлаб олинган тадқиқот йўналиши деб қараш лозим.

---

**Хўжалик механизми –  
бу ишлаб чиқаришни ташкил  
этиш усули, хўжалик юритиш  
шакли (режа, иқтисодий  
нормативлар, нарх, фойда,  
иш ҳақи, молия, кредит, қарор  
қабул қилиш) сифатида ишлаб  
чиқариш муносабатларини  
шакллантирувчи тизим,  
шунингдек, у нафақат ишлаб  
чиқариш муносабатларида  
балки, ишлаб чиқариш  
кучларини ва ташкилий  
тузилмасини ташкил  
этишдир**

---

**Асосий қисм.** Илмий-назарий манбаларда «механизм» тушунчаси ҳар хил маъноларда фойдаланилади: «тартибга солиш механизми», «давлат иштирокидаги механизм», «бошқариш механизми» каби тушунчалар фарқланади [13]. Шунингдек, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий механизми асосан учта тушунча орқали шаклланади: «механизм» [5], «ривожланиш» ва «озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик тизими тузилмаси». Иқтисодий адабиётларда механизмнинг моҳияти асосан воқеа ва ҳодиса ёки жараёнлар боғлиқлиги асосида шаклланиб, ўзида маълум бир ҳаракатни, аниқ воқеъликни ифодалайди. Бу эса тизимлар фаолияти кетма-кетлигини аниқлайди [14].

Россия Фанлар академиясининг бошқарув муаммолари илмий-текшириш институтида академик С.Н.Васильев илмий раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан иқтисодий тизимларни, шу жумладан бошқарилувчи тизим сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни (КБХТ) бошқариш механизмлари сифатида иштирокчиларнинг ҳаракатларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий, иқтисодий-экологик тартиб-қоидалар, дастаклар ҳамда воситалар комплекси, деб таъриф берилган [15].

2007 йилда механизм шакллантириш назарияси (Mechanism Design Theory) га салмоқли ҳисса қўшганлиги учун Нобель мукофоти олган Лео Гурвиц иқтисодий механизм концепцияси учун, Роджер Майерсон оптимал аукционлар муаммоларини тадқиқ этганлиги ва Эрик Маскин эса имплементациянинг универсал механизмини таклиф этганлиги учун тақдирланганлар [16]. Бугунги иқтисодий илмий текшириш институтларнинг тадқиқотларида ҳам юқоридаги олимларнинг илмий-назарий қарашлари ва олинган натижалар асос қилиб олинган.

Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг иқтисодий механизми эса ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатдан кўп йўналишли шаклда талқин этилади ҳамда нафақат тадбиркорликнинг, балки миллий иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши, ривожланишида ижтимоий ва хусусий манфаатларнинг ўзаро алоқаларини, уйғунлигини таъминлайди деб қаралади.

Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш кўп мақсадли, кўп қиррали жараён бўлиб, соҳанинг ўзаро “ташқи муҳит”га нисбатан, яъни маҳаллий, минтақавий ва миллий

иқтисодиётдаги боғлиқликларини, “ички муҳит” орқали, яъни аниқ фаолиятни белгилаш учун унинг мавжуд унсурларини ҳисобга олган ҳолда алоқаларни белгилаб беради.

Бошқа манбаларда эса иқтисодий механизм иқтисодий қонунларнинг амалга оширилишини аниқлаш орқали, у ўз ичига инвестиция, молиялаштириш, молия, кредит, суғурта, зарарни қоплаш, иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда масъулият каби бир қанча давлат сиёсатининг ташкилий-иқтисодий механизмларини қамраб олади [17].

Ҳозирги шароитда озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг аниқлаб берадиган элементи – хусусий мулкка муносабат ҳисобланади. Аниқроғи, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг янги ташкилий-иқтисодий механизми давлат ҳамда хусусий сектор корхоналари манфаатларини эътиборга олган ҳолда амал қилиши керак. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг ташкилий-иқтисодий механизми – бу режалаштириш, мақсадли дастурларнинг бажарилиши ва назорати каби ташкилий, ҳуқуқий ҳамда иқтисодий муносабатлар кетма-кетлиги асосида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимидир. Ташкилий-иқтисодий механизм концепцияси, нормал усуллар танлови асосида, тадбиркорлик соҳасини, унинг иқтисодий фаолияти ривожланиши ҳақидаги саволларнинг ечимига бағишланган бўлади. Тадбиркорлик субъектининг хўжалик фаолияти мақсади тизимнинг турли бошқа субъектлари - яъни ҳокимият органлари, маҳсулот истеъмолчилари ва бошқалар билан ўзаро фаолияти орқали амалга оширилади. Тадбиркорлик ташкилий-иқтисодий механизмининг асосий элементлари таркибида хом ашё ресурслари ва объектларга эгалик қилиш ҳуқуқини амалга ошириш, улардан самарали фойдаланиш механизмининг белгилайди. Ташкилий-иқтисодий механизмнинг объекти таъсир этувчи иқтисодий дастаклар, усуллар ва услубларнинг йиғиндисини ифодалайди. Натижада тадбиркорлик объекти режадаги ҳолатдан ҳақиқий ҳолатга ўтади. Масалан, солиққа тортиш тизими шундай механизм элементи ҳисобланади. Режага асослансак, ҳар қандай иқтисодий механизм тадбиркорлик объектига у ёки бу таъсирни ўтказди. Жумладан, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини амалга ошириш механизми фойда олиш ва уни ишлатиш-ни билдиради.

Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш ва тартибга солиш аксарият ривожланган мамлакатларда махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади, ҳамда мазкур дастурларни тартибга солишнинг мақсад ва вази-фалари, имконият ва шарт-шароитлари ҳамда тур-ли чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш давлат дастури қабул қилинган бўлиб, у мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратган. Ушбу масала юзасидан мамлакатимиз олимлари ҳам ўз-ларининг фикрларини билдиришган. Жумладан, У.В.Ғафуров ўз тадқиқотларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини дав-лат томонидан тартибга солиш механизмининг энг кенг тарқалган воситалари сифатида имтиёзли кре-дитлар ва субсидиялар билан таъминлаш, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, солиқ имтиёзлари белгилаш, янги маҳсу-лотни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга кўмаклашиш, янги маҳсулотларни кафолатланган сотиш бозорлари билан таъминлаш, кадрлар тай-ёрлаш ва қайта тайёрлаш каби унсурларини кўради [18]. Шунингдек, Б.Р.Санакулова эса кичик тадбир-корлик субъектларининг солиққа тортиш механиз-мини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсиш-ни таъминлаш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсияларини ишлаб чиққан ҳамда солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга эътибор қа-ратган [19]. И.У.Ибрагимовнинг илмий тадқиқот ишида механизм иқтисодий ходисаларнинг муай-ян кетма-кетлигини ўз ичига олади, шунингдек, улар ўртасида юзага келадиган жараёнлар [20], деб таъриф берган. И.У.Ибрагимовнинг таърифи ҳам юқорида номлари тилга олинган хорижий олим-ларнинг фикрига ўхшаб, макродаражада хўжалик механизмининг амал қилиш хусусиятларига тўхта-лади, иқтисодий дастакларнинг ролини эса алоҳида ажратиб кўрсатмайди.


Юқорида келтирилган тадбиркорликнинг хў-жалик механизмга берилган таърифларни умум-лаштирган ҳолда ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг хусусият-ларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги муаллифлик таърифи берилган: «Озиқ-овқат саноатида тад-биркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий-ме-ханизми – бу иқтисодий ресурслардан ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиш жараёнларини

ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувват-лашнинг дастаклари, усуллари мажмуасидир». Бу фикрни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-лари, деганда асосий мақсади – тадбиркорлик даро-мади (фойдаси)ни олиш бўлган амалдаги қонунлар доирасида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар, яъни кичик корхона, микрофирма ва яқка тадбиркорлар йиғиндиси тушунилади. Чунки, амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистон шарои-тида озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти ўз ичига юқоридаги 3 та субъектни (кичик корхо-на, микрофирма ва яқка тадбиркор) камраб олади ҳамда асосан ўртача йиллик ишловчилар сони мезони билан бошқа корхоналардан фарқлана-ди. Республикада қабул қилинган «Тадбиркорлик тўғрисида» ги Қонунга асосан, тадбиркорлик – фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган мустақил, ташаббускор фаолияти бўлиб, у фуқаронинг ўз номидан, ўзининг тавак-калчилиги билан ҳамда ўзининг ёки юридик шахс (корхона) нинг мулкий жавобгарлиги асосида амал-га оширилиши таъкидланган [21].

Хўжалик механизми деганда, у ёки бу фаолият турининг тартибини аниқловчи тизим, қурилма ту-шунилади. Шунингдек, ижтимоий ишлаб чиқариш-ни ташкил этиш шаклларида меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва жойлашти-риш, иқтисодий қонунлар ва тақрор ишлаб чиқа-риш жараёнларни амалга оширишда қўлланила-диган ташкилий тузилмалар, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик бошқарув шакл ва усуллари, хўжалик алоқалари шакллари, жараёнлари, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолия-тига таъсир этувчи иқтисодий дастаклар ва рағбат-лар йиғиндиси сифатида тушунилади. («1-расмга қаранг»).





1-расм. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг объектга қараб таснифланиши

Манба: муаллиф ишланмаси.

**Бизнинг фикримизча, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини илмий-назарий таҳлил қилиш натижасида ташкилий-иқтисодий механизмнинг шакллари қуйидагича тавсифлаш мумкин:**

1. *Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий механизми.* Ушбу механизм асосан, мамлакатимиз истиқлолга эришгандан то шу кунгача қабул қилинган озиқ - овқат саноати ва тадбиркорлик фаолиятини бевосита ҳамда билвосита тартибга солувчи турли Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар ва кўмиталар, агентликлар томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатларини ўз ичига олади.

Жумладан, 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон Республикасида Тадбиркорлик тўғрисида» ги № 207-ХП-сонли Қонун, 1991 йил 19 ноябрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги 425-ХП-сонли Қонун ва ҳозирги кунгача соҳага оид 500 дан ортиқ турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартда «Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микро-кредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2844-сонли Қарори, 2017 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ-2897-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартда «Тадбиркорлик фаолиятини химоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5690 сонли Фармони, 2019 йил 14 майда «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5718-сонли Фармонлари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада жадал ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Чунки, юқоридаги ПФ-5718-сонли Фармонга асосан тадбиркорликни ривожлантиришга ва хорижий инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилаёт-






ган тизимли муаммоларни мониторинг қилиб, уларни умумлаштириш ва анализ қилиш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида уларни қабул қилиш, умумлаштириш, мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш учун самарали платформа жорий этилишини назарда тутувчи «business.gov.uz» ягона интерактив портали фаолият кўрсатишини таъминлаш ғоят муҳим аҳамиятга эга восита ҳисобланади [22].

2. *Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми.* Мазкур механизм бевосита озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш, кредитлаш, уларга микролизинг хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча дастакларни, ҳужжатларни ўз ичига олади. Сўнгги йиллар мобайнида республика озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406 сонли Қарорига кўра, 2019 йил 1 августдан бошлаб: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги ин-

вестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан: миллий валютада, қиймати 10 млрд. сўмдан ошмайдиган миқдордаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида жалб қилинадиган кредитлар бўйича – 5 фоизли пункт миқдориди; хорижий валютада, қиймати эквивалентда 10 млрд. сўмдан ошмайдиган миқдорда жалб қилинадиган кредитлар бўйича – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо фоиз харажатларини қоплаш учун 4 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда компенсация берилади; кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 млрд. сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар берилади [23]. Хусусан, бўш турган биноларни бизнес вакилларига «ноль қийматда бериш» ҳам бунга мисол бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, бевосита озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир («2-расмга қаранг»).



2-расм. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми

*Манба: Муаллиф ишланмаси.*

3. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш механизми асосан соҳа фаолиятини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишга қаратилган барча инфратузилмавий ёрдам турларини, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, баҳолаш ташкилотлари, инвестиция фондлари ва биржалар, аудиторлик, суғурта компаниялари, депозитарийлар, экспорт-импорт компаниялари, ахборот-консалтинг фирмалари томонидан берилadиган

ёрдамлардир. Жумладан, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш, турли дастурларни амалга ошириш, давлат эҳтиёжлари учун ишлар ва хизматлар, товар ижроси учун буюртмаларни жойлаштириш, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтиш, лицензиялаш, сертификатлаш ва ҳ.к.

4. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни мулкий қўллаб-қувватлаш механизми. Ушбу механизмга кўра, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликка давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан мулкни қўллаб-қувватлаш, давлат ёки хусусий мулк кўринишида етказиш ёки фойдаланиш, шунингдек, ер участкалари, қурилишлар, нотурар жойлар, асбоб-ускуналар, тех-

ника-технологиялар, машина, механизмлар, курилмалар, транспорт воситалари ва бошқалар бўйича кўмак бериш кўзда тутилади[5]. Шундай бўлсада, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни инфратузилмавий шарт-шароитлар, имкониятларидан самарали фойдаланишда кичик бизнеснинг заиф мол-мулк базаси (асосий фондлар камчилиги), кредит шартномасига кўра мажбуриятларни амалга оширишдаги камчиликлар, бизнеснинг даромадлилик даражаси ва кредит ресурси тўлов ставкаси орасидаги юқори фарқ туфайли юзага келадиган кредит олиш билан боғлиқ муаммолар, гаров таъминоти учун банкларнинг юқори талаблари, тадбиркорларнинг бозорда ўрнини топишига қиладиган қатта харажатлари, шунингдек нотурар бинолар учун юқори ижара ҳақи, малакали кадрларнинг етишмовчилиги, минтақавий, халқаро бозорларда товар ва хизматлар нархларининг ўзгариши ва олиб чиқиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишни тақозо этади.

**Хулоса ва таклифлар.** Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини босқичма-босқич, тизимли ва узлуксиз равишда такомиллаштириб бориш орқали куйидагиларга эришиш мумкин:

- республикамиз минтақаларида озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш муаммоларини ечишга ягона мажмуа тариқасида ёндашувни таъминлаш;

- жойларда озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг барча йўналишлари, уларни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш босқичларини бошқаришда ягона тамойилни қўллаш;

- озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича инфратузилма ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

- озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда мақсадли назоратни таъминлаш.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралда «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2492-сонли Қарори // «Халқ сўзи», 2016 йил 19 февраль // Lex.uz.*

2. <http://el.tfi.uz> // *Ozbekistonda moliyaviy sektorning rolini oshirish\_1-qism\_47c0e.pdf*

3. Слепов В.А., Бурлачков В.К., Ордов К.В. *О теории экономических механизмов. // Финансы и кредит. – 2011. – № 24. – С. 2–8.*

4. Чаленко А.Ю. *О неопределенности термина «механизм» в экономических исследованиях. // Капитал страны. – 2010. 25 марта. <http://www.kapital-rus.ru/articles/article/176697>.*

5. Машарипова М.А. *Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. - № 2, 2017. март-апрель*

6. Шишкин Д.Г., Мезенцева Е.Н. *Современный уровень развития предпринимательских структур. // Российское предпринимательство. – М.: 2012. – № 24.*

7. Мильнер Б.З. *Теория экономических механизмов. // Вопросы экономики. – М.: 2008. – № 1. – С. 4–26.*

8. Сеялова Г.С. *Организационно-экономический механизм управления предприятиями. Монография. «Оренбург. гос. ун-т». – Оренбург: ОГУ, 2006. – С. 139.*

9. Абалкин Л.И. *От экономической теории до концепции долгосрочной стратегии. // Проблемы современной России. – М., 2011, – С. 39–47.*

10. Филиппов В.Ф. *Беседы о хозяйственном механизме. 2-е изд., доп. – М.: Политиздат, 1984. – 192 с.*

11. Вершигора Е.Е. *Менеджмент: Учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2000. – 283 с.*

12. Ходос Д.В. *Экономический механизм развития сельскохозяйственного производства. – Красноярск: Изд-во КрасГАУ, 2008. – 234 с.*

13. Солодилова Н.З., Маликов Р.И. и др. *О новых подходах к методологическому обеспечению эффективной предпринимательской политики в муниципальных образованиях // Экономика и управление. – М.: 2013. – № 4. – С.14–19.*

14. Умаров И.Ю. *Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. // Замонавий менежментнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва материаллари тўплами. – Андижон.: АДУ, 2019 йил 15 май. 193–197-б.*

15. Бурков В.Н., Новиков Д.А., Щепкин А.В. *Механизмы управления эколого-экономическими системами / Под ред. акад. С.Н. Васильева. – М.: Физматлит, 2008. – 244 с.*

16. Измалков С.Б., Сонин К.И., Юдкевич М.М. *Теория экономических механизмов. (Нобелевская*



премия по экономике 2007 г.) // Вопросы экономики. – 2008. – № 1. – С. 4–26.

17. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: Инфра-М, 2011. – 512 с.

18. Гофуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириши. Дис. ... иқт. фан. док. автореф. – Т., 2017. 12-б.

19. Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларининг солиққа тортиши механизмини такомиллаштириши орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Дис. ... иқт. фан. док. автореф. – Т., 2016. 22-б.

20. Ибрагимов И.У. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришининг ташиқлий-иқтисодий механизмини такомиллаштириши (Наманган вилояти мисолида). Дис. ... иқт. фан. фал. док. автореф. – Т., 2019. 11-б.

21. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-328-сонли Қонуни. –Тошкент. : -4 б. // lex.uz.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майда «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5718-сонли Фармони. // lex.uz

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлда «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4406-сонли Қарори. // lex.uz

### Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш механизмнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти

Умаров Илхомжон,  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
Андижон давлат университети профессори в.б.

**Аннотация:** мақолада озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириши механизмнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиб берилган. Озиқ-овқат корхоналарини бошқариш механизмини яхшилаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириши орқали тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва ташиқ

манбалардан инвестициялар киритишини кўпайтириши муаммоларини бартараф этиши зарур.

**Калит сўзлар:** иқтисодий ривожланиш, озиқ-овқат саноати, механизм, самарадорлик, қайта ишлаш саноати, техника-технология, рақобат муҳити, ижтимоий, иқтисодий, экологик ва технологик ресурслар.

### Социально-экономическое значение механизма развития бизнеса в пищевой промышленности

Илхомжон Умаров,

доктор экономических наук,  
и.о. профессора Андийжанского государственного  
университета

**Аннотация:** в статье раскрыто социально-экономическое значение механизма развития бизнеса в пищевой промышленности. Необходимо повысить эффективность хозяйственной деятельности и устранить проблему увеличения инвестиций из внешних источников, что невозможно без совершенствования механизма управления пищевыми предприятиями и совершенствования системы защиты их прав.

**Ключевые слова:** экономическое развитие, пищевая промышленность, механизм, эффективность, перерабатывающая промышленность, технология, конкурентная среда, социальные, экономические, экологические и технологические ресурсы.

### Socio-economic significance of the business development mechanism in the food industry

Ilkhomjon Umarov,  
Doctor of Economic Sciences,  
Andijan State University, Acting Professor,

**Abstract:** the article reveals the socio-economic significance of the business development mechanism in the food industry. It is necessary to increase the efficiency of economic activity and eliminate the problem of increasing investments from external sources without improving the mechanism for managing food enterprises and improving the system for protecting their rights.

**Keywords:** economic development, food industry, mechanism, efficiency, processing industry, technology, competitive environment, social, economic, environmental and technological resources.

УЎК: 634.1.145.65 (657.1)

**Собир ХАСАНОВ,***"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти"**Миллий тадқиқот университети мустақил изланувчиси,***E-mail: sobirkh@mail.ru**

## **Мева-сабзавотчиликни барқарор ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш йўналишлари (Тошкент вилояти мисолида)**

**Кириш.** Мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини узлуксиз ва кафолатли қондириш, ички истеъмол бозорини Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш эвазига, импорт ҳажмини қисқартириш натижасида экспорт миқдорини ошириш қишлоқ хўжалиги салоҳиятини юксалтиришда устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки бу тармоқ аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, sanoat корхоналарининг эса хом ашё ресурсларига бўлган талабини узлуксиз қондириш имкониятини беради. Қолаверса, Ўзбекистон мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш учун юксак потенциал ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга давлатдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида, айниқса мева-сабзавотчилик тармоқларида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий аҳамиятга эга бўлган туб ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Натижада ушбу тармоқларда етиштирилаётган маҳсулотлар миқдори барқарор равишда ошиб бормоқда. Масалан, картошка етиштириш 2011-2020 йилларда 69,47 %, сабзавотлар ишлаб чиқарилиши 52,76% ошган<sup>1</sup>. Республикамиз аҳолисининг шу маҳсулотлар билан таъминланганлик ҳолати маълум даражада яхшиланган, лекин эришилган натижалар ҳозирги ошиб бораётган талабга етарли жавоб бера олмайди. Маҳсулотларнинг 30% га яқин

қисми йиғиштириш, териш, ташиш, сақлаш жараёнларида шикастланиб, чириб нобуд бўлмоқда, етиштириш учун сарфланган маблағ, меҳнат сарфлари тўлиқ йўқотилмоқда. Бу тармоқлар моддий даромадларининг ҳамда соф фойдасининг камайишига олиб келмоқда.

Етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг сифатлари экологик талабларга тўлиқ жавоб бермаётганлиги, яъни рақобатбардошлигининг пастлиги учун уларни ташқи бозорларда сотиш даражаси талаб даражасида эмас. Сабзавот маҳсулотларининг экспорти 10 %дан паст.

Мева-сабзавотчилик тармоқларида инновацион муҳит етарли даражада шаклланмаганлиги муносабати ила бу соҳаларга ички ва ташқи инвестициялар етарли миқдорда жалб этилмади. Оқибатда янги навлар, самарали техникалар, технологияларда ижобий ўзгаришлар кўрингани йўқ. Бундай ҳол экинларнинг ҳосилдорлигига салбий таъсир этмоқда, оқибатда чекланган ресурслардан фойдаланиш даражаси ҳамда самарадорлиги ҳозирги талабларга жавоб бермаяпти. Масалан ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти 0,840-0,860 дан ошаётгани йўқ. Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва тайёр маҳсулотларга айлантириб уларни истеъмолчиларга етказиш жараёнига кўпроқ кўшимча қиймат яратилишини таъминлайдиган тизим, яъни мажмуа тўлиқ яратилиб амалиётга жорий этилмаган ва бошқалар.

<sup>1</sup> 2011-2020 йй. Йиллик статистик тўплам. Т-2021й. 147-148 бетлар.



Юқоридаги ҳолатларнинг соҳаларда мавжудлиги мева-сабзавотчиликнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган стратегияни назарий, услубий ва амалий жиҳатдан такомиллаштиришга оид махсус тадқиқотни теран оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқотимиз муайян даражада хизмат қилади.

**Адабиётлар шарҳи.** Мева-сабзавотчиликни ва уни сақлаш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳамда ташқи савдонинг ривожланиш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар, яъни Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоу, Ф.Котлер, О.Уолкер, Б.Баласса, П.Дойль, С.Бойнец, И.Ферто, Л.Де Бенедиктис., У.Уткулу, Д.Сеймен, Г.Варела, Т.Л.Воллрат ва бошқалар томонидан ўрганилган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан мева-сабзавотчи-

ликни ривожлантириш масалалари И.Н.Буздоров, А.Данкевич, Е.Оглоблин, И.Санду, И.Г.Ушачев, Л.В.Агаркова, Г.Г.Абрамишвили, Г.П.Абрамова, Л.В.Балабанова, И.В. Рябчик, И.А.Баранов, Н.А.Попов ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг баён қилинган. Ўзбекистонда мазкур муаммонинг илмий ва амалий жиҳатлари Б.Салимов, Н.Махмудов, А.Алимов, Р.Абдуллаев, Т.Аҳмедов, А.Боқиев, Р.Каримов, Ф.Назарова, А.Расулев, Э.Трушин, Р.Хусанов, У.Умрзаков, Н.Хушматов, А.Абдуғаниев, Қ.Чориев, Ш.Мустафоқулов, Н.Ашурметова каби олимлар асарларида маълум даражада тадқиқ этилган. Лекин уларнинг илмий ишларида соҳадаги ҳозирги мураккаб ижтимоий-иқтисодий-экологик-технологик тизим шароитида амалга оширилаётган институционал таркибий, ташкилий ўзгаришларни ривожлантириш стратегиясининг методологик жиҳатлари етарлича теран ёритилмаган, лекин уларни кенгрок тадқиқ этиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

**Асосий қисм.** 2022 йилнинг апрель ойига келиб дунё аҳолиси 7,9 млрд.дан ошди<sup>2</sup>. Статистик маълумотларга кўра, 2030 йилга бориб улар сони 8,5 млрд.га етиши кутилмоқда. Шу даврда Ўзбекистон аҳолиси 14% га ошиб 39 млн кишини ташкил этади<sup>3</sup>. Бундай ҳол инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларга бўлган талабнинг ошиб боришига сабаб бўлади.

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, диверсификациялаш шароитида мева-сабзавотчилик тармоғи жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 30,8 фоизини (Тошкент вилоятида 30,5 %) ташкил этиб, қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Вилоятдан узум, гилос, ўрик ва олхўри экспортининг 90% дан ортиғи Россия ва бошқа қўшни давлатлар улушига тўғри келади. Аммо ушбу анъанавий бозорларда ҳам, экспортчилар мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётганлиги оқиба-тида қарийб 30 фоиз қийматини йўқотмоқда.

Бизнинг мева-сабзавот маҳсулотларимиз, асосан очиқ бозорларда сотилади. Ҳозирги вақтда дунёдаги ривожланган мамлакатларда замонавий занжирли озиқ-овқат дўконлари орқали мева-сабзавот савдоси тез суръатлар билан ўсиб бормоқда, бу асосан анъанавий чакана бозорлар ҳисобига яратилмоқда.

2 <https://countrymeters.info/ru/World>

3 <https://parliament.gov.uz/uz/events/committee/31987/>

---

**2022** йилнинг апрель  
ойига келиб дунё аҳолиси  
**7,9** млрд.дан ошди. Статистик  
маълумотларга кўра,  
**2030** йилга бориб улар сони  
**8,5** млрд.га етиши кутилмоқда.  
Шу даврда Ўзбекистон аҳолиси  
**14%** га ошиб  
**39** млн кишини  
ташкил этади.

---

Ўзбекистон экспортёрларининг маҳсулотлари, ас-сортименти ва қадокланиши кўпинча ушбу давлатлар чакана савдо тармоқларининг талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

**Глобал мева-сабзавот бозорида замонавий йирик чакана ва улгуржи савдо ташкилотлари билан рақобатлашиш учун экспортёрларимиз катта ҳажмда доимий равишда сифатли маҳсулотларни йил давомида ўз вақтида узлуксиз етказиб беришга қодир бўлиши керак. Мева-сабзавот маҳсулотларини узлуксиз ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишда мавжуд бўлган қуйидаги жиддий тўсиқларни бартараф этиш талаб этилади:**

*Биринчидан*, кичик ишлаб чиқарувчилар (деҳқон хўжаликлари) ўртасидаги ҳуқуқий-иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантирадиган тартибга солиш муҳити яратилиши лозим. Бунинг натижасида маҳсулот етиштирувчилар томонидан талаб этиладиган катта ҳажмдаги маҳсулотларни доимий равишда етказиб бериш имконияти пайдо бўлади.

*Иккинчидан*, ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида ҳам мева-сабзавот маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида уларни захирага ғамлаш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар эҳтиёжини таъминлаш бўйича шартнома асосида давлат буюртмаси тизимини жорий этиш лозим.

*Учинчидан*, қиш-баҳор мавсумида аҳолининг арзон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини имтиёз ва преференциялар бериш орқали таъминлаш тизими яратилиши муҳимдир.

*Тўртинчидан*, ички бозорни ҳимоялаш мақсадида протекционистик, компенсацион ва демпингга қарши чоралар қўллаш тизими жорий этилиши зарур.

*Бешинчидан*, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлаш, логистика ва экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги, сифатни бошқариш тизимлари, илмий тадқиқотлар ва хорижда маҳсулотларимизнинг рекламасига эътибор қаратилиши керак.

*Олтинчидан*, дунёда электрон тижоратнинг жадал ривожланишини ҳисобга олиб, янги бозорларга чиқиш имкониятларини ошириш мақсадида, қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида янада самарали фаол чоралар кўрилиши зарур. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарув-

чилар, кластер ва кооперациялар, агрологистик марказлар, қайта ишлаб чиқарувчилар, савдо тармоқларини ўз ичига олган электрон агросаноат савдо порталини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

*Еттинчидан*, тармоққа инновацион, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, “Ақлли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологиялар комплекс тизими жорий этилиши керак.

Қуйидаги жадвалда Тошкент вилояти аҳолисининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган йиллик меъёрий талабларининг ўртача истеъмол миқдори келтирилган.

### 1-жадвал

#### Тошкент вилояти аҳолисининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган (йиллик меъёр бўйича) эҳтиёжи

Маҳсулот тури	Бир кишига йиллик эҳтиёж (кг)	Йиллик эҳтиёж (минг тонна)	Йиллик ишлаб чиқариш (2021 йил, минг тонна)	Меъёرنинг қондирилганлиги %
Картошка	54,8	4033,3	382,7	9,49
Сабзи	28,2	20266,3	1055,1	5,2
Мевалар ва резаворлар	91,2	4513,1	107,4	2,3

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 24.12.2020й., 0007-20-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган. <https://stat.uz/uz/>

Жадвал маълумотларига кўра, вилоят аҳолисининг барча мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича йиллик минимал эҳтиёжи қондирилмаган. Картошка бўйича талаб 4033,3 тоннага, сабзи бўйича 20266,3 тоннага, мева ва резаворлар бўйича 4513,1 тоннага бўлган эҳтиёжи 10 фоизга ҳам қондирилмаган. Таҳлилларга кўра, аҳолининг картошка, мева ва резаворларга бўлган эҳтиёжи юртимизда йиллик ишлаб чиқаришга нисбатан юқори бўлганлиги муносабати билан ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг маълум қисми импорт эвазига қондирилмоқда.

Бундай салбий ҳолатни бартараф этиш мақсадида вилоятда мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ва сифатининг доимий ошириб бориш асосида аҳолини узлуксиз озиқ-

овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ошириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Натижада шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми маълум даражада ошиб бормоқда.

Жами етиштирилаётган мева-сабзавот ва узумнинг асосий қисми аҳоли томонидан ис-

теъмол қилинади. Хусусан, 2021 йилда жами етиштирилган сабзавотларнинг 81,4%и, меванинг 28,2%и ва узумнинг 42,3%и аҳоли томонидан ички истеъмолга сарфланган.

2-жадвал

Тошкент вилоятида мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг тақсимланиши

Кўрсаткичлар	2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	Жамига нисб., %да	Миқдори, минг тонна	Жамига нисб., %да	Миқдори, минг тонна	Жамига нисб., %да	Миқдори, минг тонна	Жамига нисб., %да	Миқдори, минг тонна
<b>САБЗАВОТЛАР</b>								
Ишлаб чиқариш, жами	100	1081,2	100	1065,8	100	1038,9	100	1055,6
шу жумладан:								
- аҳоли истеъмолига	88,1	952,0	83,8	893,3	83,5	867,0	81,4	859,5
- уруғликка	1,0	10,8	1,0	10,7	1,0	10,7	1,0	10,8
- қайта ишлашга	6,7	72,8	7,1	75,4	7,5	78,3	2,0	21,4
- экспортга	4,2	45,6	8,1	86,4	8,0	82,9	15,5	163,9
<b>МЕВАЛАР</b>								
Ишлаб чиқариш, жами	100	141,1	100	129,6	100	114,3	100	107,4
шу жумладан:								
- аҳоли истеъмолига	68,7	97,0	51,6	66,8	41,6	47,5	28,2	30,3
- қайта ишлашга	11,3	15,9	12,1	15,7	14,2	16,2	29,5	31,7
- экспортга	20,0	28,2	36,3	47,1	44,2	50,6	42,3	45,4
<b>УЗУМ</b>								
Ишлаб чиқариш, жами	100	109,6	100	111,1	100	95,5	100	100,6
шу жумладан:								
- аҳоли истеъмолига	43,6	47,8	33,4	37,2	18,9	18,0	42,3	42,6
- уруғликка	19,8	21,7	21,2	23,5	25,1	24,0	23,4	23,5
- қайта ишлашга	23,1	25,3	23,8	26,4	29,5	28,2	7,5	7,5
- экспортга	13,5	14,8	21,6	24,0	26,5	25,3	26,8	27,0

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган. <https://stat.uz/uz/>

Таҳлиллар натижаларига кўра, Тошкент вилояти мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, ташиш ва экспорт имкониятлари юқорилиги билан ажралиб туради.

Вилоятда мева-сабзавотчилик тармоғини барқарор ривожлантириш салоҳиятидан етарлича фойданила-япти деб бўлмайди. Бундан ташқари, вилоятда ташкил этилган кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш ҳам кластер тизими учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ошириш, уларни сақлаш ҳамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш,

соҳага рақамли-инновацион технологияларни жорий этиш ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш заруриятини тақозо этади.

Вилоятда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари асосан МДХга аъзо бўлган давлатлар ҳамда яқин стратегик бўлган ҳамкорларимиз Россия, Хитой ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилинган.

### 3-жадвал

#### Тошкент вилоятида етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларининг асосий бозорлари экспорт географияси

№	Давлатлар	2019 йил			2020 йил			2021 йил		
		минг тонна	млн. АҚШ доллари	улуши* %	минг тонна	млн. АҚШ доллари	улуши* %	минг тонна	млн. АҚШ доллари	улуши* %
	Қозоғистон	92,5	56,2	41,8	195,9	87,3	44,7	92,3	32,3	20,2
	Россия	27,8	19,9	27,3	74,1	57,1	15,8	78,3	54,8	34,3
	Хитой	4,1	3,4	11,2	31,4	23,4	2,7	50,9	45,1	28,3
	Покистон	1,3	1,0	6,3	5,9	13,1	0,8	4,3	9,2	5,8
	Қирғиз	3,0	23,4	3,7	4,6	7,7	18,6	0,5	0,5	0,3
	Тожикистон	13,8	7,8	3,0	11,0	6,2	6,2	5,8	3,3	2,1
	Афғонистон	1,3	0,9	2,1	4,7	4,4	0,7	5,0	3,6	2,3
	Украина	7,5	5,4	0,5	3,2	1,1	4,3	2,1	0,8	0,5
	Белоруссия	1,4	0,7	0,4	2,0	0,9	0,5	1,2	0,6	0,4
	Германия	0,4	0,3	0,4	0,5	0,9	0,2	0,8	2,1	1,3
	АҚШ	0,2	0,4	0,4	0,3	0,8	0,3	0,4	1,4	0,9
	Озарбайжон	0,5	0,7	0,3	0,7	0,7	0,5	0,6	0,6	0,4
	Туркменистон	0,1	0,1	0,3	1,1	0,6	0,0	1,4	0,4	0,2
	Бошқа мамлакатлар	2,7	2,1	0,1	5,9	3,5	2,8	3,3	3,8	2,4

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган. <https://stat.uz/uz/>

Тошкент вилояти қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўла туриб, мева-сабзавотчилик маҳсулотларининг маълум бир қисмини (2016 йилда умумий мева-сабзавот маҳсулотлари импорти 5,9 млн.доллар, шундан картошка 2,1 млн. доллар, цитрус мевалар 2,2 млн. доллар, мева 1,6 млн доллар, 2022 йил 1 январь ҳолатига эса 28,3 млн.долларлик импорт қилинган, шундан 21 млн.доллари картошка, цитрус мевалар 4,5 млн. доллар, мева 1,9 млн доллар, 995 минг долларлик сабзавот)<sup>4</sup> четдан доимий равишда импорт қилинишига мажбур бўлганлигимиз, бундай ҳол ушбу

соҳада ҳали етарли ишлар амалга оширилмаганлигидан далолат беради.

**Қуйидаги тахлилий жадвалда соҳада вилоятнинг кучли ва заиф томонлари ҳамда ички имкониятлар ва таҳдидлари ёритилган:**

4 Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

4-жадвал

Маҳсулотларимизнинг рақобатлашиш имкониятларини аниқлаш учун SWOT таҳлил

<p><b>Кучли томонлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ишчи кучи арзонлиги;</li> <li>- тупроқ унумдорлиги юқори;</li> <li>- анъанавий деҳқончилик;</li> <li>- ер майдонларининг етарлилиги;</li> <li>- оилавий деҳқончилик анъанасининг мавжудлиги.</li> </ul>	<p><b>Заиф томонлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг эски самарасиз технологиялари мавжудлиги;</li> <li>- дунё миқёсида тан олинган санитария сертификатларининг етишмаслиги;</li> <li>- тажриба ва бозор алоқаларининг заифлиги;</li> <li>- қўшни ва минтақавий бозорлардаги каби мавсумийликнинг мавжудлиги.</li> </ul>
<p><b>Имкониятлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- кучли бозорларга яқинлиги;</li> <li>- ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш;</li> <li>- юқори меҳнатга яроқли маҳсулотни етиштириш ва қўшимча қийматга эга маҳсулотларни олиш.</li> </ul>	<p><b>Таҳдидлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- илғор технологияларни ишлаб чиқаришга секин мослаштириш;</li> <li>- дунё миқёсида тан олинган санитария сертификатлари учун бозор талабларини кучайтириш;</li> <li>- рақобатдош мамлакатларда ҳосилдорлик яхши бўлиши нархларнинг пасайишига олиб келади.</li> </ul>

*Манба: Таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

**Таҳлилий маълумотларга асосланган тадқиқот натижалари бу борада ишларни самарали ташкил қилишда қуйидаги тамойиллар инobatта олинishi лозимлигини кўрсатмоқда:**

- *биринчидан*, ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитидан, деҳқонларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, “Бир ҳудуд – бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштириш, йиғиб олиш, умумлаштирилган ҳолда ички ва ташқи бозорларга сотишни ўз ичига олган ихтисослашувни жорий этиш. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни минтақа ва ҳудудлар бўйича жойлаштириш, унинг ихтисослашуви даражасини ошириш ва моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш, мева-сабзавотчилик майдонларини кенгайтириш, уларнинг ялпи ҳосили ва ҳосилдорлигини ошириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш имкониятини беради. Буларнинг барчаси тармоқни бошқариш ҳамда режалаштириш амалиётига картографик методни кенг жорий этишни талаб этади;

- *иккинчидан*, уруғ ва қўчатларни тўғри танлаш, агротехник ишловларни вақтида ташкил этиш ҳисобига эришилади. Мамлакатимизга олиб кирилаётган қўчатларни интродукцион-карантин қўчатхоналарида икки йилгача парваришлаб тўлиқ назорат қилингандан кейин ўрнатилган тартибда ишлаб чиқаришга жорий этиш белгилаб қўйилган бўлсада, бироқ хорихдан олиб келинаётган қўчатларнинг аксарияти Интродукцион-карантин қўчатхоналарида назорат қилинмасдан тўғридан-тўғри фермерлар даласига экилиш ҳолатлари учрамоқда. Бу эса турли касаллик ва зараркунандалар кўпайиши, маҳаллий навлар ва маҳаллий генофондларга зарар етказиши хавфини орттирмоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун

ўсимликлар карантини талабларига сўзсиз амал қилиш юзасидан назоратни кучайтириш.

- *учинчидан*, етиштирилган маҳсулот истеъмол муддатини узайтириш – етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қуритиш, қайта ишлаш орқали юқори қўшимча қиймат яратиш имконини беради. Шунинг учун маҳсулот сақланадиган совутиш омборхоналари ва қайта ишлаш корхоналарини нафақат вилоят марказлари, балки ишлаб чиқариш ҳудудларига яқин жойда ташкил этишга алоҳида эътибор берилиши керак;

**Ҳудудлар кесимида  
мева–сабзавотчилик  
маҳсулотларини етиштириш,  
сақлаш, қайта ишлаш ва  
экспорт бўйича замонавий  
агрокластерларни ташкил  
этиш. Бунда асосан мавжуд  
ерлардан фойдаланиш  
яхши самара беради**





- *тўртинчидан*, ишлаб чиқариш самарадорлиги етиштирилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишни, қўшилган қиймат занжири яратишни рағбатлантиришни, ноанъанавий, импорт ўрнини босувчи ва ташқи бозорга экспортбop маҳсулотлар чиқаришни талаб этади. Шунинг учун, асосий эътибор совуққа, иссиққа, курғoқчиликка, шўрга чидамли, ҳосилдор, экспортбop, эрта ва кечпишар, қишга сақланадиган экин турларига қаратилмоғи ва бу соҳадаги ишлар жадаллаштирилиши керак.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, мева ва сабзавотчилик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ҳолига келтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ҳудудлар кесимида мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт бўйича замонавий агрокластерларни ташкил этиш. Бунда асосан мавжуд ерлардан фойдаланиш яхши самара беради;

- инновацион нано технологияларни қўллаш ҳамда илмий-текшириш институтлари ходимларининг салоҳиятини босқичма-босқич ошириб бориш; мева-сабзавот маҳсулотлари асосан тайёр ҳолда экспортга йўналтириляётгани туфайли иқтисодий самара етарли бўлмапти. Соҳага янги инновациялар ва илмий ишланмалар жалб қилинса, янада юқори самарадорликка эришиш мумкин;

- ҳўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган хўжалик субъектларининг ишида юзага келадиган ташкилий муаммоларни бартараф этиш ҳамда имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш. Бунда давлат хусусий шерикликни ривожлантириш ижобий таъсир кўрсатади;

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғуланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш. Ушбу тармоқнинг ривожланиши натижасида янги иш ўринлари яратилади.

Фикримизча, юқоридаги таклиф ва тавсиялар мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлаш тизимига жорий этилиши соҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга ошириляётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш, мева-сабзавотчиликнинг узoқ муддат барқарор ривожланишини таъминлаб, тармоқ самарадорлигини ошириш орқали озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ҳамда халқимизнинг турмуш даражасини ошириш имконини беради.

### **Манба ва адабиётлар**

1. 2011-2020 йй. Йиллик статистик тўплам. Т-2021й. 147-148 бетлар.

2. <https://countrymeters.info/ru/World>

3. <https://parliament.gov.uz/uz/events/committee/31987/>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853 фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

7. “Мева-сабзавотчилик қиймат занжирининг вертикал ва горизонтал интеграциянинг аҳамияти” Ў.Умурзаков, Тошкент, 2017 й.

8. “Повышение производственного и экспортного потенциала плодоовощной отрасли Узбекистана: проблемы и перспективы”. Аналитический доклад. Центр экономических исследований, Ташкент, 2016 г.

9. Руководство по экспорту плодоовощной продукции, материалы вебинара USAID, 2020 г.

**Мева-сабзавотчиликни барқарор  
ривожлантириш стратегиясини  
такомиллаштириш йўналишлари**  
(Тошкент вилояти мисолида)

**Собир Хасанов,**

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти”  
Миллий тадқиқот университети  
мустақил изланувчиси

**Аннотация:** мақолада ҳозирги ижтимоий-иқтисодий, экологик шароитда аҳолининг йилдан-йилга ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, тармоқни модернизация ва ислоҳ қилиш орқали мева-сабзавотчилик соҳасини барқарор ривожлантириш масалалари баён этилган. Тошкент вилоятида мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва экспорт афзалликлари ҳамда имкониятлари илмий жиҳатдан ёритилган.

**Калит сўзлар:** мева-сабзавотчилик, ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш, экспорт.

**Направления совершенствования стратегии  
устойчивого развития плодоовощной отрасли**  
(на примере Ташкентской области)

**Собир Хасанов,**

независимый исследователь  
Национального исследовательского университета  
"Ташкентский институт инженеров ирригации и  
механизации сельского хозяйства"

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы устойчивого развития плодоовощной отрасли путем модернизации и реформирования отрасли, полного удовлетворения растущих потребностей населения в современных социально-экономических и экологических условиях. Научно освещены преимущества и возможности выращивания, хранения, транспортировки, переработки и экспорта фруктов и овощей в Ташкентской области.

**Ключевые слова:** плодоовощеводство, производство, хранение, транспортировка, переработка, экспорт.

**Perspectives for Improving Sustainable  
Development Strategy in Horticulture**  
(on the example of Tashkent region)

**Sobir Khasanov,**

independent researcher,  
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural  
Mechanization Engineers (TIAME)-National  
Research University

**Abstract:** the article describes the issues of sustainable development of the fruit and vegetable sector through the modernization and reform of the industry, fully meeting the growing needs of the population in the current socio-economic and environmental conditions. The advantages and opportunities of growing, storage, transportation, processing and export of fruits and vegetables in Tashkent region are scientifically covered.

**Keywords:** fruit and vegetable growing, production, storage, transportation, processing, export.

УЎК: 620.92:330.5(575.1)

**Мухаммадхўжа САИТКАМОЛОВ,**  
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*  
 Тошкент давлат техника университети тадқиқотчиси,  
**E-mail: mehrivoxidova@gmail.com**

## Мамлакатимизда энергетика саноатини ривожлантиришнинг амалдаги механизмлари

**Кириш.** Жаҳон энергетика тизимида кенг қўламли ва марказлаштирилган ишлаб чиқариш ва қазилма ёқилғи турлари устунлик қилмоқда. Бу, хусусан, энергетика саноати корхоналарининг мамлакатлардаги ишлаб чиқариш жараёнини белгиловчи парадигмасидир. Шу билан бирга, энергетика соҳасида юз бераётган ўзгаришлар ушбу моделга тузатишлар киритиш кераклигини ва ушбу соҳада ишлаб чиқарувчи кучларни тақсимлашни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг барқарор ривожланиши учун замин яратилишига олиб келади. Ушбу ўзгаришларнинг мақсади энергетика саноати корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ва барқарорлигини оширишдир. Рақамли иқтисодиётга ўтишда рақобатбардошлик ва харажатлар масалаларига кенгроқ эътибор беришни талаб қиладиган мустақил омилларни таҳлил қилиш зарур. Уларга кам углеводли технологияларга ўтиш чоралари ва хом ашё учун мавжуд нархларни сақлаш сабаб бўлмоқда. Бир қатор замонавий ва рақамли технологик янгиликлар трансформация учун қулай шароит яратиш бериши мумкин.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада экспертларнинг фикрлари ва таҳлили асосидаги усуллар жамланган. 2030 йилгача белгиланган мақсадларга эришиш бўйича концепцияни анализ ва синтез усулларида фойдаланиб чуқур таҳлил амалга оширилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Барқарор энергетика лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Жаҳон энергетика кенгаши мақсади хавфсиз, арзон ва экологик тоза энергияни қўллаб-қувватлаш бўлган замонавий уч томонлама энергия муаммосига жавоб бўладиган "энергия трилеммаси" концепциясини ишлаб чиқди [8]:

- энергия хавфсизлиги – миллий ва хорижий манбалардан бирламчи энергия таъминотини самарали ташкил этиш, энергия инфратузилмаси ишончлилиги ҳамда энергия етказиб берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги талабни қондириш қобилияти;

- энергия тенглиги – аҳоли учун энергия мавжудлиги ва фойдаланиш имконияти;

- экологик барқарорлик – энергия таъминоти ва таклифининг самарадорлигини, шунингдек қайта тикланадиган манбалар ва бошқа кам углеводли манбалардан энергия таъминотини ривожлантиришни белгилайди.

ЮНИДО томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра қайта тикланадиган энергия ва энергия самарадорлиги тамойилларини қабул қилишни жадаллаштириш, материаллар самарадорлигини ошириш, материаллар ва маҳсулотларни қайта ишлаш ва қайта ишлатиш, маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни камайтириш (масалан, улардан кўпроқ интенсив фойдаланиш туфайли) энергия самарадорлигини тубдан қисқартиришга ёрдам беради. Шунингдек, у нафақат қазиб олинмаган ёқилғилар ва саноат жараёнларидан келиб чиқадиган иссиқ газлар чиқиндилари, балки озиқ-овқат, қурилиш маҳсулотларининг миқдори туфайли ҳам ҳосил бўладиган ўсиб бораётган умумий салбий таъсирни камайтиришда муҳим роль ўйнайди. Шунини тушуниш керакки, жорий тизим барқарор амалиётларни илгари суриш учун қулай эмас ва янги тизимга тез ўтиш зарур. Иқтисодий ўсиш ва унинг атроф-муҳитга салбий таъсири ўртасидаги мавжуд ўзаро боғлиқликни бартараф этиш керак: иқтисодий ўсиш табиий ресурсларга таъсирнинг камайиши билан бирга бўлиши керак. Дарҳақиқат, саноат ишлаб чиқаришининг бугунги кундаги



устун шакллари иқтисодий ўсиш ва атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар ва ресурслардан фойдаланиш кўринишидаги салбий таъсирлар ўртасидаги кучли чизикли боғлиқлик билан тавсифланади [9].

В.Д.Андриановнинг сўзларига кўра, баъзи иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари барқарорликка эришиш имкониятларини тўғри ва тўлиқлигича акс эттирмайди [1].

В.Д.Андрианов маълум бир мақсадга эришиш учун стратегик мақсадлар, асосий мақсадларни аниқлаш ҳамда уларнинг мамлакат саноат корхоналаридаги ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожланишга мослашувини таъминлаш деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан таъминлашда иссиқлик ва электр таъминоти муҳим роль ўйнайди. Унинг энг кенг тарқалган шакли иссиқлик электр станцияларида (ИЭС) иссиқлик ва электр энергиясини бирлашган (когенерацион) ишлаб чиқариш бўлиб, бу бирламчи ёқилгининг 40%гача тежаш имконини беради. Бошқа энергия тизимлари (электр энергияси, нефть таъминоти, газ таъминоти)дан фарқли ўлароқ бу тизимлар чекланган ҳудудда ишлайдиган маҳаллий бозорлардир. Баъзи экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 80 000 га яқин энергетика бозори [2] мавжуд бўлиб, улардан 50000 таси Россияда [3], 6 000 га яқини Европа Иттифоқи мамлакатларида [4], қолган 24 000 таси Хитой, МДХ давлатлари (Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон), АҚШ ва бошқа мамлакатлар ҳудудида жойлашган.

**Таҳлил ва натижалар.** Трансформация электр энергияси соҳасида энг кўп намоён бўлади, уни қуйидаги асосий хусусиятларга ажратиш мумкин:

1. *Талаб:* анъанавий равишда қўлланиладиган модель бўлиб, реал вақт давомида энергия истеъмоли кўрсаткичларини кузата олмайдиган ва нарх омилига қараб истеъмол ҳажмини ўзгартира олмайдиган истеъмолчилар атрофида қурилган бўлади. Ақлли ўлчаш мосламалари ва интеллектуал технологияларнинг кенгайтирилган тартибда татбиқ этилиши истеъмолчиларга энергияни истеъмол қилиш ҳажмини анча аниқроқ баҳолашга ва чакана энергия бозорининг фаол иштирокчиларига айланишга замин яратади.

2. *Таклиф:* анъанавий равишда қўлланиладиган модель марказлаштирилган ва назорат остида фаолият юритадиган кам сонли йирик энергия ишлаб чиқарувчилари атрофида қурилган бўлади. Ушбу

модель паст қувватга эга, катта майдонларга тарқаладиган ва дискрет режимда ишлайдиган, қайта тикланувчи энергия қурилмаларини жорий этиш билан ўзгармоқда. Ушбу моделнинг ўзгариши, электр энергия олишнинг янги 34 та турининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Асосан саноат тармоғидаги чиқиндиларнинг утилизация қилиш технологик жараёнига қўшилиши ҳам янги ёндашувларни яратмоқда. Хусусан, чиқинди газ маҳсулотларидан иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори ҳисобланади.

3. *Анъанавий энергетика* саноатида электр энергиясини сақлаш технологиялари жуда камдан-кам ҳолларда фойдаланилган. Электр энергияси асосан гидроаккумуляторли электр станцияларида сақланган. Шу сабабли талаб ва таклифни мувозанатлаш зарурати қайта тикланувчи энергия манбаларининг кенг миқёсда тарқалиши ва умуман самарадорлик кўрсаткичларини максимал даражада оширишга жиддий омил сифатида таъсир ўтказмоқда. Гарчи янги энергия сақлаш технологиялари ҳали кенг қўлланилмаган бўлса-да, улар янги технологиялар пайдо бўлиши билан ривожлана бормоқда. Хусусан, қуёш энергияси концентраторларида иссиқлик энергиясини сақлаш технологиялари ҳамда таркибий силжишлар таъсири остида яъни электр транспорт воситаларини кенг қабул қилиш имкониятлари натижасида тобора ривожланиб бормоқда.

Ушбу ўзгаришларнинг ядроси ва энергетика тармоғининг ривожланиши “ақлли” энергия тизимларини яратиш ва амалиётга татбиқ қилишдир. Энг муҳим жиҳат шундаки, ақлли ўлчаш мосламалари ва ақлли тармоқларни кенгроқ қабул қилишдир. Шу билан бирга технологик янгилик истиқболлари анча кенг бўлиб, бу талабга жавоб бериш, тармоқ ва микротармоқларни тартибга солиш каби йўналишлар учун янги имкониятлар яратиши мумкин. Бу секторнинг тартибга солиниши ундаги инфратузилманинг имкониятларидан кенг фойдаланишга ёрдам беради. Хусусан, улгуржи электр энергияси бозорида истеъмолчиларнинг иштироки ёки кунлик нархларнинг шаклланиши ҳисобига, бу орқали талабнинг энг юқори даврида истеъмолни камайтириш рағбатлантирилади. Шу билан бирга, ушбу тенденциялар энергия бозорларининг ишлашига таъсир кўрсатади. Бунда ресурслар ва электр энергияси нархларининг ўзгарувчанлиги шаффоф бўлмаган ва янада мураккаб хеджлашнинг қисқа муддатларига мослашувчан бўлган бозор тузил-

маларини яратишни талаб қилади. Бозор эса янги иштирокчиларнинг пайдо бўлиши истиқболларини кенгайтиради. Ушбу ўзгаришлар натижасида юзага келадиган асосий имкониятлар барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлиб, биринчидан, қайта тикланувчи энергия манбаларининг дискретлигини қоплаш имкониятларини сезиларли даражада ошириш, иккинчидан, энг юқори юкланиш даврларида истеъмолни тартибга солиш, учинчидан, ваколатли истеъмолчилар томонидан умумий истеъмолни камайтириш ҳисобига, хусусий энергия истеъмоли ва унинг назоратини таҳлил қилишда фаол иштирок этади.

Ақлли ўлчаш мосламалари ва қувват сақлаш тизимлари энергетика соҳаси ривожланишининг Марказий омили бу сектор иштирокчилари томонидан қабул қилинган маълумотлар ҳажми ва сифатининг ўзгаришига олиб келади. Анъанавий электр энергияси истеъмоли, истеъмол қилинаётган энергиянинг умумий миқдорини қайд этадиган ўлчаш мосламалари билан аниқланади, лекин уни истеъмол қилиш вақтини ўлчамайди. Ушбу ҳолат замонавий электрон ўлчаш мосламалари пайдо бўлиши билан ўзгариб бориши мумкин. Бунинг учун қуйидагиларни жорий қилиш лозим:

- энергия истеъмолининг вақтини ҳам, истеъмол қилинган ҳажмини ҳам ёзиб олувчи ўлчаш мосламалари яратиш ва истеъмолчи профилини шакллантириш;

- улар дархол уяли телефон тармоқлари ёки электр тармоғининг симлари орқали маълумот юбориш ва қабул қилиш имкониятига эга бўлиши лозим.


Биргаликда ушбу янгиликлар истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва операторлар учун имкониятлар доирасини сезиларли даражада кенгайтириш имконини беради. Истеъмолчилар реал вақт режимида истеъмол қиладиган электр энергияси миқдори тўғрисида батафсил маълумот олишлари мумкин, бу уларга истеъмол қилиш хусусиятларини таҳлил қилиш ва керак бўлганда уларга тузатишлар киритиш имконини беради. Худди шундай, операторлар ва етказиб берувчилар ўзларининг тармоқлари реал вақтдаги ҳолатларини кўришлари мумкин. Бу уларга режалаштириш ва инвестиция қарорларини аниқ қабул қилиш, электр оқимларини оптималлаштириш ва тарқатилган дискрет ишлаб чиқариш қувватлари билан ишлашга имкон беради. Энг муҳими, ушбу маълумотларнинг кўпайиши янги бизнес моделлари ва инновацион самарали энергия тизимларини ривожлантиришга туртки бериши мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистондаги электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўрнатилган қувватлари (ГВт) [1]

Электр станциясининг тури	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йил 2010 йилга нисбатан %да
Ўзбекистон Республикаси	12,5	12,6	12,5	12,6	13,1	13,0	13,2	14,1	14,4	14,2	15,9	16,6	132,6
шу жумладан электр станция тури													
иссиқлик электр станциялари (ИЭС) ва иссиқлик электр марказлари (ИЭМ)	10,8	10,8	10,8	10,8	11,3	11,2	11,3	12,2	12,5	12,3	14,0	14,6	135,8
Гидроэлектростанция (ГЭС)	1,7	1,8	1,8	1,8	1,8	1,9	1,9	1,9	1,9	1,9	1,9	2,0	112,8

2021 йилнинг якунига кўра, Ўзбекистон жами электр энергиясини ишлаб чиқариш кўрсаткичи қарийб 16,6 ГВтни ташкил қилмоқда. Бу электр энергияни ишлаб чиқаришда Иссиқлик электр станциялари – 14600 МВт, Гидроэлектр станциялари – 1850 МВт ва блок станциялар – 133 МВт дан ортиқ бўлган кўрсаткичларни қайд этмоқда. Бу ишлаб чиқариш қувватларининг улуши қуйидаги расмда келтирилган.



1-расм. Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватларининг бўйича улуши (фоизда) [2]



Мамлакатимизда электр энергиясининг асосий манбалари бу 8 та иссиқлик электр станциялари ва 3 та иссиқлик электр марказлари ҳисобланади. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида ресурстежамкор электр энергиясини ишлаб чиқарувчи қурилмаларининг қуввати қарийб 2800 МВт ёки иссиқлик электр станциялари умумий қувватининг 25,5 %ини ташкил қилмоқда.

2021 йилда республика ҳудудида ишлаб чиқарилган жами электр энергиясининг 84,7 фоизи иссиқлик электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, электр энергетика тизимининг максимал юкламалар соатларида энергоблокларнинг умумий қуввати 8600 МВт ни ташкил қилган.

2-жадвал

Ўзбекистон бўйича иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми (млн.Гкал) [3]

Худудлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2020/ 2010 %
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>27,74</b>	<b>27,11</b>	<b>29,31</b>	<b>27,83</b>	<b>31,94</b>	<b>32,49</b>	<b>30,04</b>	<b>28,91</b>	<b>29,02</b>	<b>31,97</b>	<b>28,29</b>	<b>102,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	0,03	0,03	0,04	0,04	0,04	0,04	0,04	0,06	0,05	0,05	0,05	140,6
Андижон	0,08	0,08	0,08	0,08	0,07	0,12	0,12	0,12	0,11	0,12	0,09	118,7
Бухоро	0,53	0,57	0,55	0,55	1,05	0,84	0,77	0,81	0,93	0,80	0,84	159,8
Жиззах	0,01	0,01	0,05	0,00	-	-	-	0,13	0,14	0,15	0,01	76,8
Қашқадарё	3,83	3,87	4,08	4,23	6,32	6,26	6,12	5,95	5,28	3,37	3,18	82,9
Навоий	4,22	4,43	4,36	4,14	4,12	4,00	3,82	3,69	4,02	4,11	4,02	95,1
Наманган	0,07	0,09	0,08	0,08	0,08	0,07	0,19	0,13	0,11	0,09	0,09	137,8
Самарқанд	0,11	0,10	0,13	0,13	0,12	0,11	0,11	0,08	0,06	0,09	0,09	83,8
Сурхондарё	0,11	0,09	0,07	0,07	0,05	0,07	0,06	0,08	0,08	0,07	0,04	36,7
Сирдарё	0,28	0,27	0,24	0,26	0,23	0,28	0,27	0,20	0,22	0,24	0,28	98,3
Тошкент в.	4,21	4,04	3,93	3,97	4,20	5,60	3,79	3,74	3,82	3,67	4,06	96,5
Фарғона	2,89	3,00	2,83	2,58	2,68	2,38	2,20	2,22	2,15	6,21	1,84	63,6
Хоразм	0,06	0,12	0,11	0,24	0,23	0,27	0,52	0,27	0,18	0,22	0,17	270,5
Тошкент ш.	11,31	10,42	12,75	11,47	12,74	12,45	12,04	11,44	11,87	12,80	13,55	119,8

Ўзбекистон бўйича иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 102%га ўсиб 28,29 млн.Гкални ташкил қилган. Ўзбекистон бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Яъни, республика бўйича 2020 йилда ишлаб чиқарилган иссиқлик энергиясининг 47,9%и Тошкент шаҳрида амалга оширилган. 2020 йилда Тошкент шаҳрида иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш 2019 йилга нисбатан 0,75 млн.Гкалга кўпроқ бўлган ва 2010 йилга нисбатан қарийб 20 %га ортган. Лекин Фарғона вилоятида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 3,4 баробарга пастлаган ва бор йўғи 1,84 млн. Гкални ташкил қилган.

Республика миқёсида иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш бўйича салмоқли ўринларни Фарғона

– 6,4%, Қашқадарё – 11,2%, Навоий – 14,2% ва Тошкент вилояти 14,4% билан эгаллаб келмоқда. Республика бўйича қолган 9 та ҳудудга 5,9% иссиқлик энергияси тўғри келмоқда.

Мамлакатимизда энергетика саноатини ривожлантиришда асосан электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, кўмирни истеъмол учун тайёрлаш, тақсимлаш, узатиш ва уни истеъмолчиларга етказиш, шунингдек нефть ва газни қазниш, уларни қайта ишлаш ва босқич-ма-босқич ташиш, аҳоли ва саноат корхоналарига тарқатиш, сотиш ва улардан оқилона фойдаланиш жараёнларини тартибга солиш самарали амалга оширилмоқда. Бунинг учун энергетика саноати корхоналари олдида қуйидаги вазифалар қўйилган:

- энергетика тармоғидаги корхоналар фаолиятини оптималлаштириш;
- энергетика маҳсулотларининг тақсимооти бўйича шартномалар тузиш ва уларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини тартибга солиш;
- энергия манбаларининг инновацион турларини яратиш, мавжуд табиий ресурсларни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш жараёнларига корхоналар ва хорижий инвесторларнинг хусусий капиталини йўналтириш;
- давлат-хусусий шерикчилиги асосида тармоқнинг кенгайтиши ва ривожланишини таъминлаш;
- рақобатбардош бизнес муҳити учун шароит яратиш, энергия манбаларини ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва маҳсулотлар диверсификациясини амалга ошириш мақсадида нарх сиёсатини тўғри ташкил қилиш;
- энергетика тармоғидаги корхоналарга замонавий корпоратив бошқарув элементларини жорий қилиш, шу жумладан, Халқаро молия институтлари томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ қилишни назарда тутувчи тақлифларни ҳисобга олган ҳолда амалиётга қўллаш.

---

**“Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ-Автоматизированная система контроля и учета электроэнергии)ни жорий этиш” жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.**

**Жумладан, 2021 йилгача 7 миллиондан ортиқ истеъмолчиларга замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари якунланди**

---

2020–2030 йилларда Ўзбекистонда энергетика саноатини ривожлантириш стратегияси ва 2019–2021 йилларда электр энергетикасини комплекс рақамлаштириш дастурини ишлаб чиқиш жараёнлари йўлга қўйилган. Унга кўра энергетика саноатини ривожлантириш механизми сифатида корхоналарнинг ресурсларини режалаштириш жараёнини автоматлаштириш учун (ERP - Enterprise Resource Planning) тизими ва диспетчерлик назорати ва маълумотларни йиғиш (SCADA - Supervisory Control And Data Acquisition) тизимни амалиётга татбиқ қилиш бошланган.

Ўзбекистонда электр энергетика саноатини ривожлантириш механизмларининг асосий кўри-нишларидан бири бу тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилган ҳолда иссиқлик электр станциялари (ИЭС), атом энергетикаси, қайта тикланадиган энергия манбалари (ҚТЭМ), қуёш ва шамол электр станциялари ва бошқа энергия ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳамда инновацион йўллари жорий қилувчи соҳаларда ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ишга тушириш ҳисобланади.

Мамлакатда энергетика тармоғидаги кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида яна бир муҳим механизм ишга туширилди. Бу “Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ-Автоматизированная система контроля и учета электроэнергии)ни жорий этиш” жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Жумладан, 2021 йилгача 7 миллиондан ортиқ истеъмолчиларга замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари якунланди.

Тармоқни ривожлантириш учун яна бир механизм бу давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида бир қатор инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича халқаро тажрибаларга таянган ҳолда иш фаолиятини ташкил этиш бўлмоқда.

Шу билан бирга, Энергетика вазирлиги томонидан иқтисодий-молиявий механизм сифатида энергия тежашни мунтазам равишда рағбатлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва энергия тежашнинг аҳамияти тўғрисида аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ташкил қилинмоқда.

Сўнгги йилларда аҳолини электр энергияси билан таъминлашнинг барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. 2020 –

электр энергияси етказиб бериш ҳажми – 10% га ёки 800 млн. квт.соатдан ошди [5].

Аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш кўрсаткичининг киймати, айниқса қишлоқ аҳолиси учун ўсиш тенденциясига эга бўлади. Энергетика саноатини ривожлантириш дастури доирасида модернизация қилиш ва янги инфратузилма объектларини қуриш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2019-2020 йилларда барқарор энергия таъминотига ишонч ошди – электр энергиясидан фойдаланишда аҳолининг улуши 74% дан 78% гача, табиий газдан фойдаланиш – 62-67% дан ортди. Электр тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли узиллишлар вақти ва авариялар сони камаяди.

Шу билан бирга, аҳоли учун электр энергиясини қайта тақсимлаш ҳажми анча юқори бўлишига қарамай, республика ҳудудларида энергия таъминоти ва талаб мувозанатини камайтириш тенденциялари мавжуд бўла бошлади. Ушбу ҳолат энергия қувватларининг етишмаслиги ва минтақавий даражада талабни таъминлаш бўйича чекловларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлди. Кўрилган чора-тадбирларга қарамай, республика хонадонларида қайта тикландиган энергия қурилмаларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар аста-секин ҳал этилмоқда. Агар 2015-йилда текширилаётган 10 минг хонадондан 26 уй хўжалиги қайта тикланувчи энергия қурилмаларини ўрнатишга тайёр бўлган бўлса, 2018-йилда бу кўрсаткич қарийб 3 баробарга камайди, бу эса уларни ҳудудларда самарали жорий этиш механизми ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия таъминотининг юқори нархи сақланиб қолиши қўлланилган механизмларнинг номукамаллигидан далолат беради [5].

**Арзон ва ишончли энергия таъминотидан барқарор фойдаланиш мақсадига эришишнинг устувор йўналишлар сифатида қуйидагилар намоён бўлади:**

- уй хўжалигида қайта тикланувчи энергия қурилмаларини жорий этиш учун иқтисодий рағбатлантиришнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

- энергия таъминоти соҳасидаги янги имкониятларни очиб берадиган ва кенгайтирадиган, децентрализация ва ривожлантиришни тақсимлайдиган генерацияни ташкил қилиш.

Электр энергияси билан барқарор таъминлашга эришиш учун энергия балансида қайта тикланувчи

энергия манбалари улушининг сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. Бироқ, ушбу мақсадли муаммони ҳал қилиш турли хил масалалар ва чекловларни сақлаб қолган тенденция билан биргаликда амалга оширилади.

**Қабул қилинган чораларга қарамай, ёқилғи - энергетика ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватлари баланси жуда хилма-хил бўлиб қолмоқда:**

- барча электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг деярли 90%и газ ва кўмир ҳисобига ишлаб чиқаришга асосланган;

- замонавий қайта тикланувчи энергия қурилмаларининг улуши камида 20-35% оралиғида бўлиб, шундан 9-10% га яқини гидроэнергетикага тўғри келиши керак.

Электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш захиралари балансининг таркибий параметрларига ҳали таъсир этмайдиган маҳаллий кичик лойиҳаларни амалга ошириш даражасида жуда кам ишлатилади. Масалан, Хитойда электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши 6,3%, Туркияда -8,4% ва Германияда -27% дан ортиқни ташкил қилмоқда [6].

Энергия балансини иложи борича тезроқ диверсификация қилиш мақсадида, 2030 йилгача давлат томонидан электр балансида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 20-25%га етказиш, бу эса минтақавий даражада электр таъминоти ва талаб мувозанатини сезиларли даражада яхшилашга олиб келади ва устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

**Бу мақсадга эришиш учун устувор чора-тадбирларга қуйидагилар қиради:**

- замонавий қайта тикланувчи энергия қурилмаларидан фойдаланган ҳолда юқори самарали технологияларни жорий этиш ҳисобига мамлакатдаги энергетика тизимини модернизация қилиш;

- қайта тикланувчи энергияни ривожлантириш соҳасида замонавий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, маҳаллий қайта тикланувчи энергия манбаларининг энергетика саноатининг йирик ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналарининг тармоғига самарали ҳамда тўсиқсиз уланишини таъминлаш;

- қуёш энергияси ва шамол энергетикасининг истиқболларини ҳисобга олган ҳолда қуёш ва шамол-электрогенераторлари учун бутловчи ва эҳтиёт

қисмларини максимал даражада маҳаллийлаштиришни таъминлаш, шунингдек уларни маҳаллий энергетика тизими билан таъминлаш учун биргаликда фойдаланиш имкониятини ошириш;

- республиканинг олти вилояти: Тошкент, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудида жойлашган умумий қуввати 1000 Мвтни ташкил қилувчи, 10 дан ортик бўлмаган ва ҳар бири 100 Мвт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш;

- қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқаришда қўлланадиган асосий ва ёрдамчи ускуналарни маҳаллийлаштириш даражасини 2025 йилгача 25% га етказиш.

Иқтисодиётда рақамлаштириш жараёнининг ривожланишидаги ижобий ўзгаришлардан бири бу ЯИМ таркибида фойдаланилаётган энергия интенсивлигини камайтириш тенденциясидир. Бу кўрсаткичнинг қиймати ислохотлар амалга оширилган даврга нисбатан 2 баробарга камайди, бу иқтисодиётни ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш омили сифатида намоён бўлмоқда [6].

Шу билан бирга, энергия самарадорлигини ошириш учун ҳали ҳам катта захиралар ва имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон бу жиҳатдан Ғарбий Европа давлатлари учун ўртача кўрсаткичдан - 2,5-3 мартага, АҚШдан - 2,2 мартага, Япония ва Кореядан - 3,5 мартага пастроқ ҳисобланади. ЯИМнинг энергия

интенсивлигининг даражаси МДХ мамлакатларидаги кўрсаткичлар билан таққослаганда, энергия самарадорлиги даражаси анча паст. Лекин, бу мамлакатлар таркибида ҳам Ўзбекистон энг юқори кўрсаткичлардан бирини қайд этиб турибди. Ўзбекистоннинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги энергия интенсивлиги МДХ мамлакатларида ўртача қийматдан 1,7 баробар юқори ҳисобланади [7].

Узоқ муддатли истиқболда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали иқтисодиётнинг энергия интенсивлигини камида 2 баробарга қисқартириш, бу эса ёқилғи-энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг мувозанатини таъминлайди, бу электр энергиясининг ривожланиш барқарорлигини ва республикани ишончли энергия билан таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.





**2030 йилгача белгиланган мақсадларга эришиш ва иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш кўрсаткичини икки баробар кўтариш бўйича муҳим чора – тадбирлар қуйидагилардир:**

- муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг янги ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича инвестицион лойиҳаларни самарали тартибда амалга ошириш;

- энергияни тежаш соҳасида инновацион лойиҳаларни кўпайтириш ва қўллаб-қувватлаш, улар ҳисобига энергия самарадорлигини ошириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш;

- энергия самарадорлиги соҳасида янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари ва қурилмаларини стандартлаштириш ва сертификатлаш бўйича аниқ параметрларни шакллантириш;

- энергетика соҳасида электр энергияси нарҳини харажатларни қоплай олиш даражасига олиб чиқадиган янги тариф сиёсатини амалга ошириш, улардан самарали фойдаланиш жараёнини тезлаштириш кабилар қиради[8].

Республиканинг энергетика инфратузилмасининг ёқилғи-энергетика соҳасидаги кенг қўлмалли ислохотлар таъсири остида ривожланмоқда, бу жараёнда эса инфратузилма объектларини модернизация қилиш ва қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2018-2020 йиллар давомида электр тармоқларининг умумий узунлиги 11 фоиздан кўпроқ ошди ва 70 минг 2 метрдан ортиқ 0,4-10 КВга тенг паст кучланишли тармоқлар қайта таъмирланди [5].

Бунинг натижасида энергия таъминотининг барқарорлигини ошириш тенденцияси кузатилмоқда. Шу билан бирга, амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар бутун энергия таъминоти тизимининг самарадорлигини кескин оширишга замин яратмайди. Электр тармоқлари ва трансформатор пунктларининг амортизация даражаси жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан сезиларли даражада ортда қолмоқда ва электр тармоқларининг 2/3 қисмидан кўпроғи 30 йилдан кўп муддатдан бери хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда электр тармоқларининг умумий узунлигининг 60% дан кўпроғини янгилаш талаб этилади ва трансформатор нуқталарининг ярмидан кўпи ёки 55%ини алмаштириш зарур. Электр тармоқларидаги электр линиялари ва трансформаторларнинг юқори даражада жисмоний эскириши, паст кучланишли узатиш тармоқларининг ҳаддан

ташқари узунлиги ва самарасиз жойлашиши туфайли электр энергиясининг ўртача йўқотилиши 20% га ошди, бу жаҳондаги кўрсаткичларга нисбатан анча юқори ҳисобланади. Таққослаш учун, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 6-8% дан ошмайди [5].

Энергия инфратузилмасида қайта тикланувчи энергия қурилмаларини жорий этиш аста-секин ҳал қилинмоқда, бу минтақавий даражада барқарор энергия таъминотини ривожлантириш ва талаб балансининг пасайиши шароитида энергия билан таъминлаш ишончилиги даражасини пасайтиришда кўшимча омил бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, ижтимоий соҳага энергетикани тақсимлаш ҳажми ортиб бораётганига қарамай, аҳолини газ билан таъминлаш даражаси 2016 йилдаги 65% дан 2018 йилда 60% гача пасаймоқда, қишлоқ ҳудудларда эса бу кўрсаткич 40% дан ошмайди.

**Хулоса ва таклифлар.**

*Республикани электр энергияси билан таъминлашни барқарорлаштириш мақсадида энергетика инфратузилмасини ривожлантиришнинг амалдаги механизмлари бўйича чора-тадбирларини амалга ошириш режаси таъминланган бўлиб, уларга:*

- дастурига мувофиқ эскирган паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизациялашни таъминлаш;

- умумий қуввати 1000 Мвт бўлган қуёш фото-электр станцияларини қуриш бўйича инвестицион лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш, бунда қуввати 50 Мвт дан ошмайдиган 20 та станцияни қуришни таъминлаш;

- Тошкент вилоятидаги Оксарой дарёсида “На-най ГЭС”, Туябуғуз сув омбори қошидаги кичик ГЭС, Фарғона каналида кичик ГЭСлар каскадининг қурилиши учун иншоотларни ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш;

- активларнинг техник ҳолати яхши даражада сақланишини таъминлаш, техник-таъмирлаш хизматини кўрсатиш ва фавқулодда вазиятлар ходимларининг малакасини оширувчи тадбирлар молиялаштирилишини кенгайтириш, бунда умуман энергетика тизимининг ишончилигини муҳим омил сифатида таъминлаш;

- энергия тежамкор технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантириш йўллари, бунда эса ушбу жараёнларни давлат томонидан субсидиялаш;

- аҳолига кўрсатиладиган энергия хизматлари сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган энергетика тизимлари фаолиятининг техник хусусиятларини тартибга солувчи зарур меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш қиради.

### Манба ва адабиётлар

1. Андрианов В.Д. *Российская социально-экономическая система: реалии и векторы развития (2-е издание, переработанное и дополненное): монография / Р.С.Гринберг, М.А.Абрамова, В.Д.Андрианов, Н.Ю.Ахапкин, А.Н.Барковский, В.Н.Бобков, С.Н.Бобылев, Е.М.Бухвальд, В.Г.Варнавский, и др. – Москва: Сер. Научная мысль, 2016.-460 с.*

2. S. Frederiksen, S. Werner. *District heating and cooling, Lund Studentlitteratur, 2019.*

3. Стенников В.А., Пеньковский А.В. *Теплоснабжение потребителей в условиях рынка: современное состояние и тенденции развития // ЭКО. 93, 2019. С. 8-20.*

4. Werner S. *International Review off District Heating and Cooling// Energy.2017. №137. P. 617-637.*

5. *Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги маълумотлари.*

6. <https://yuz.uz/news/yashil-energetika-barqaror-iqtisodiy-taraqqiyot-asosi>.

7. *Добровольный Национальный обзор. О реализации повестки дня до 2030 года в области устойчивого развития. С. 77.*

8. *2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси.*

9. Ахметшина А.Р., Сотов Д.И. *Реализация принципов устойчивого развития в энергетической отрасли Республики Татарстан // ПСЭ. 2018. №4 (68). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/realizatsiya-printsipov-ustoychivogo-razvitiya-v-energeticheskoy-otrasli-respubliki-tatarstan> (дама обращения: 18.04.2022).*

10. [https://www.unido.org/sites/default/files/files/2018-2/SustainableEnergy SolutionsCIS\\_RUS.pdf](https://www.unido.org/sites/default/files/files/2018-2/SustainableEnergy%20SolutionsCIS_RUS.pdf)

11. *Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

12. *Ўзбекистон Республикаси Энергетика Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

13. *“Иссиқлик электр станциялари” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

### Мамлакатимизда энергетика саноатини ривожлантиришнинг амалдаги механизмлари

**Мухаммадхўжа Саиткамоллов,**  
*PhD (иқтисодийёт фанлари бўйича),  
Тошкент давлат техника университети  
тадқиқотчиси*

**Аннотация:** мақолада энергетика соҳасида юз бераётган ўзгаришлар ўз аксини топган. Электроэнергия олишнинг жаҳон миқёсида янги 34 та турининг пайдо бўлганлиги келтириб ўтилган. Энергия балансини диверсификация қилиш бўйича чора тадбирлар кетма-кетлиги илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** энергетика, ривожлантириш, ўзгаришлар, концепция, механизм, самарадорлик.

### Текущие механизмы развития энергетической отрасли нашей страны

**Мухаммадхўжа Саиткамоллов,**  
*PhD (по экономическим наукам),  
исследователь Ташкентского государственного  
технического университета*

**Аннотация:** в статье отражены изменения в энергетике. Отмечается, что в мире производится 34 новых вида электроэнергии. Научно обоснована последовательность мероприятий по диверсификации энергетического баланса.

**Ключевые слова:** энергетика, развитие, изменения, концепция, механизм, эффективность.

### Current development mechanisms of the energy industry of our country

**Mukhammadkhujja Saitkamolov,**  
*PhD (in Economics)  
Researcher of the Tashkent State Technical University*

**Abstract:** the article reflects changes in the energy sector. It is noted that 34 new types of electricity are produced in the world. The sequence of measures to diversify the energy balance is scientifically substantiated.

**Keywords:** energy, development, changes, concept, mechanism, efficiency.

УЎК: 339.564.331(575.1)

**Мираббос МАҲМУДОВ,**  
*PhD (иқтисодий фанлари бўйича),*  
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар*  
*институтининг докторанти*  
**E-mail: makhmudov.ru**

## **Мамлакат минтақалари саноатининг кластерланишини баҳолаш методологияси**

**Кириш.** Сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг жаҳондаги ўзгаришлари жамият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий йўналишларини ўзгартиришнинг асосий ядросидир. Барча иқтисодий жараёнлар янги ривожланиш стратегияларини талаб этади, ўзгарувчан халқаро иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда жамоатчилик онгида ўзгаришлар юз беради. Бу тизим, шунингдек, давлатлар ва минтақалар иқтисодиётини ташкил этувчи иқтисодий соҳаларнинг ўзгаришига олиб келади. Таълимнинг иқтисодий соҳалари орасида халқаро савдонинг иқтисодий шаклланиши ва ривожланишининг муҳим қисми бўлган саноат алоҳида ўрин тутади.

Йилдан-йилга саноат маҳсулотлари экспорти ва импорти ҳажмининг ортиб бориши, рақобатбардошлигининг ошиши давлатларни глобал миқёсда маълум бир ривожланиш даражасига кўяди. Саноат соҳасини оптималлаштириш давлат, минтақани ривожлантириш стратегияларидан биридир, бу эса давлатларни глобал миқёсда маълум ривожланиш даражасига чиқаради. Саноат соҳасини оптималлаштириш давлат, минтақани ривожлантириш стратегияларидан биридир. Муайян минтақанинг саноатини кластерлаш долзарб ҳисобланади. Кластерлаш иқтисодий тизимдаги янги тузилмаларнинг айниқса характерли турларини кўзда тутади ва тадқиқотга алоҳида ёндашувни талаб этади.

Ишнинг мақсади эконометрик моделларни ишлаб чиқиш, минтақавий кластерлар ташкилий ривожланиш даражасининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциацияси ўзгаришига таъсирини фазовий-вақт маълумотларини танлашни таҳлил қилиш усуллари асосида баҳолаш имконини беради.

Шу тарика, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, кластерли ёндашув давлат ҳамда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва рақобатбардошлигини ошириш йўлларида бири эканлиги маълум бўлади.

Адабиётлар таҳлили. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари ва хўжалик фаолияти ортиб бораётгани сари кластерни ривожлантириш йўналишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Кўплаб олимлар янги тузилмаларнинг асосий йўналиши, муайян минтақанинг иқтисодий ривожланишини яхшилаш стратегияси ҳисобланган мазкур соҳани ўрганмоқдалар. Саноат кластерининг моҳиятини тушуниш учун маҳаллий З.Ҳақимов [19], Г.Зоҳидов [20] ва Jihong Chen, Yijie Fei [3], Juan Pineda-Jaramillo [5], Markus Grillitscha [9], Nazan Yelkikalan [11], Weidong Liu [15], Wen Tiana, Weihong Lib [16] сингари хорижлик олимлар томонидан берилган “кластер” тушунчасининг асосий ғояларини ўрганамиз. Масалан, саноат кластерининг аҳамияти Е.В.Козоногова, Д.С.Курушина, Ю.В.Дубровский томонидан белгиланган [7].

Кластерли ёндашувни муаллифлар саноат кластерларини идентификациялаш вазифасини визуаллаш асосида белгилайдилар, бу келажакда айнан мазкур фаолият соҳасини прогнозлаш имконини беради [7]. О.Л.Ксенофонтова, М.А.Хайдарова [17] кластер тушунчасини алоҳида минтақа худудида жойлашган саноат корхоналари комплекси сифатида тушуниб, О.Л.Ксенофонтова кластерли ёндашув концепциясини қуйидагича ифода этади: “Кўпгина мамлакатлар тажрибаси кўрсатганидек, кластерли ёндашув нафақат минтақаларнинг рақобат курашида мақсадларга эришиш воситаси сифатида хизмат қилади, балки инновацион йўналишини

кучайтиради, бандлик, иш ҳақи, турли даражадаги бюджетларга ажратмалар, минтақа саноатининг самарадорлиги ва барқарорлигини оширишга таъсир этувчи кучли восита ҳисобланиб, бу минтақа ривожига кўмаклашади. Унинг фикрича, кластерлар минтақавий ҳокимият органларига минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини бошқариш имконини беради.

Ю.А.Соликов, С.В.Вандышева, Л.В.Смарчкова, Е.А.Чудакованинг фикрича, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш учун минтақа стратегияси, минтақавий саноат секторини модернизациялаш энг самарали йўналиш бўлиб, кластерли ёндашув кенг миқёсда муваффақиятга эга бўлади ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликка ижобий таъсир кўрсатади. Бундай ёндашув минтақанинг инновацион ривожланишига ҳам, минтақа саноат комплексининг илмий-техник ва такрор ишлаб чиқариш фаолиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатади [13].

Г.Я.Белякова, Д.В.Безрукихларнинг фикрича, кластерли ёндашув минтақавий иқтисодий тизимни тузилмалаштиришнинг асоси ҳисобланади. М.А.Ҳайдарова кластерли ёндашувнинг моҳияти сифатида минтақаларнинг бюджет самарадорлигини оширишни таъкидлайди, унинг фикрича, энг муҳим вазифа “уларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қийинчиликларга ойдинлик киритишдир” [21].

К.В.Писаренконинг фикрича, айнан минтақаларни кластерлаш рақобат ва кооперациянинг ўзаро таъсири иқтисодий ривожланишига ёрдам беради. Бу шуни англатадики, кластерлаш минтақаларнинг иқтисодий барқарорлиги, корхоналар даромади, ишлаб чиқариш фаолияти ва минтақавий рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради [12].

Д.Е.Морковкин, В.А.Никогосян, О.И.Донцова, шунингдек, К.В.Писаренко минтақаларнинг юқори рақобатбардошлигини ривожлантириш, аҳоли иш ҳақини ошириш, саноат корхоналари рентабеллигини ошириш, капитал қўйилмаларни жалб этиш ва минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат кластерли ёндашувнинг ижобий томонларини қайд этди [10].

Э.А.Бахшяннинг кластер ёндашувини изоҳлаши кизиқиш уйғотади, у саноат корхоналарини кластерлашни кластернинг ўзига хос хусусиятлари алгоритми асосида минтақаларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асоси сифатида белгилайди. Кластерларнинг шаклланиши ва ри-

вожланишининг асосий рағбатлантирувчи механизмлари, муаллифнинг фикрича, субсидиялар, солиқ имтиёзларини тақдим этишга асосланган давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳисобланади. Муаллифлар Philip McCann, Tomokazu Aritанинг фикри жуда қизик бўлиб, улар кўпгина штатларда кластерлашиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишига айланганлигини таъкидлайдилар [14].

*JijRG MEYER-STAMER* кластерли ёндашув компанияларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартириши, улар жамоавий самарадорликка асосланган иқтисодий муносабатларни яратишдан келиб чиқади [4]. Markus Grillitscha, Josephine V. Rekersb, Franz Tödtlingснинг фикрича, минтақавий кластерлар шаклланиши маълум минтақанинг ресурс компоненти, фойдаланувчилари ва институтларидан иборат бўлиб, кластерни ривожлантиришнинг асосий йўналиши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади, буни ҳам маъқуллаш мумкин.

Р.В.Костригин фикри ҳам қизикarli, у кластерни корхона – минтақа иқтисодий ривожланишининг ядроси сифатида белгилайди. Унинг фикрича, айнан асосий корхона минтақанинг саноат салоҳиятини ривожлантиришнинг энг муҳим иқтисодий механизми ҳисобланади. “Кластер корхона – ядро сифатида инновацион ривожланишнинг асосидир” [8].

**Асосий қисм.** Хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг назарий ва амалий тадқиқотлари асосида минтақаларда саноатни кластерлашни баҳолашнинг айрим усулларини таҳлил қиламиз. В.В. Ильиннинг саноатда кластерни шакллантириш усулларини баҳолашга ёндашуви жуда қизик [2].

Бундай ёндашув муаллифи самарадорлик омили асосида кластер ривожланишининг тузилмавий таснифини белгилайди. Бу усулнинг мақсади технологик занжирларни оптималлаштириш, маркетинг, таъминот ва молиявий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, “ҳаражат-чиқариш” ишлаб чиқариш функциясининг маълум таъсирини акс эттиради. Усул иқтисодий самарани акс эттирувчи мезонлар тўпламини ҳисоблашга асосланади: Биринчи кўрсаткич – ишлаб чиқариш ҳажми ошиши:

$$\Delta Y_k = Y_k - Y_0, \quad (1)$$

бу ерда:  $\Delta Y_k$  – минтақадаги саноатнинг асосий тузилмаси билан солиштирганда кластер аъзолари томонидан ишлаб чиқариш ҳажми ошиши;



$U_k$  – кластер доирасидаги корхоналар томонидан солиштирма нархларда ифодаланган маҳсулотларнинг умумий ишлаб чиқарилиши;

$U_b$  – кластердан ташқарида фаолият юритувчи корхоналар томонидан (тармоқнинг асосий таркибидан) маҳсулотнинг солиштирма нархларда ифодаланган умумий маҳсулоти.

**Иккинчи кўрсаткич** – бирлик харажатларини камайтириш:

$$U_k - U_b < 0, \quad (2)$$

бу ерда:  $U_k$  – кластер доирасида ишлаб чиқариш ва сотиш (корхоналар қиймати бўйича) бир сўм ҳисобида харажатлар, коп.;

$U_b$  – саноатнинг асосий тузилмасида ишлаб чиқариш ва сотишнинг бир сўми учун харажатлар (корхоналар қиймати бўйича), коп.

**Учинчи кўрсаткич** – рентабелликнинг ортиш даражаси билан белгиланувчи кластерлашнинг таъсири:

$$P_k - P_b > 0, \quad (3)$$

бу ерда:  $P_k$  ва  $P_b$  – кластер ичида ва асосий тузилмада мос равишда фоизларда ифодаланган ишлаб чиқариш рентабеллиги.

**Тўртинчи кўрсаткич** – кластерлаш самараси. Муаллиф томонидан кластерлаш самараси меҳнат унумдорлиги мезони бўйича аниқланган:

$$ПТ_k / ПТ_b > 1, \quad (4)$$

бу ерда:  $ПТ_k$  ва  $ПТ_b$  – кластер доирасида ва асосий тузилмада мос равишда ходимнинг меҳнат унумдорлиги (пул кўринишида).

Бундай мезонлар асосида кластерлашнинг комплекс таъсири ўлчанади. Бу усулнинг афзаллиги унинг кутилаётган самарадорлиги, кластерни шакллантиришнинг устуворлиги ҳисобланади. В.В.Ильиннинг қайд этишича, дастлабки босқичда иқтисодиётни янада замонавий технологик тузилмалар сари етакловчи инновацион кластерларни шакллантириш зарур [6]. Кейинги қизиқарли ёндашувни Е.В. Карпичев баён этади: саноат кластерлари субъектларининг шартнома базасига асосланади. Муаллиф бундай ёндашувнинг асосига “буюртмачи-ижрочи” инновацион жараёни босқичларига кўра муносабатлар мезонларини қўяди [6]. Е.В. Карпичев томонидан хўжалик юритувчи субъектларни бирлаштирган 4 та асосий танқидий жараён – “амалий ИТИ; СКИ(СНИ); ишга тушириш ишлари; логистика” белгиланган. Бундай жараёнлар кластердаги инновацион кооперациянинг асоси ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, “радикал инновациялар саноат кластерларининг инновацион кооперацияси самарадорлигини бошқаришнинг асосий йўналишидир”. Бундай методологиянинг афзаллиги шундаки, саноат корхоналарининг инновацион кооперациялари самарадорлигини бошқариш имконини берувчи радикал инновациялар инновацион даврининг муҳим босқичлари белгиланади. Инновацион давр саноат кластерини бошқариш объекти ҳисобланади.

М.В. Завьялов баҳолаш кўрсаткичларини танлашда саноат объектларининг барқарор ривожланишининг барча таркибий қисмларини қамраб олувчи барқарор ривожланиш кўрсаткичларининг кўп босқичли тизимига асосланган кластер ёндашувини баҳолашнинг ўзига хос методологиясини таклиф қилади [1]. Барқарор ривожланиш кўрсаткичларининг кўп даражали тизимига асосланган кластерли ёндашувни баҳолаш модели қуйидаги кўринишга эга:

$$I_{ур.пр.} = \prod_{N=1}^F (I_{ур.пр.N}), \quad (1)$$

бу ерда:  $F$  – саноат комплексидаги корхоналар сони;

$I_{ур.пр.N}$  – минтақавий саноат комплексининг алоҳида  $N$  - корхонаси барқарор ривожланишининг комплекс индекси.  $I_{ур.пр.N}$  минтақаларнинг комплекс ижтимоий ривожланиш, экологик, институционал, иқтисодий ривожланишини кўрсатувчи индекслар асосида ҳисобланади:

$$I_{ур.пр.N} = \sqrt[4]{I_{эф.N} * I_{экол.N} * I_{соц.N} * I_{инст.N}}, \quad (2)$$

**Моделнинг афзаллиги** – баҳолаш мезонлари чекланганлиги, турли даражалар ва баҳолаш объектларида таққосланувчанлиги, ягона интеграциялашган кўрсаткични яратиш имконияти, барқарор ривожланиш ва мавжуд ахборот ресурсларини баҳолаш учун чегараларни белгилашдан иборат. Шундай қилиб, кластерли ёндашувни баҳолаш усуллари ўрганиш маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларда фаркланади, аммо ҳар бир киши иқтисодий субъект, минтақа, мамлакатнинг ривожланиш иқтисодиёти асосида кластерлашнинг самарасини белгиловчи умумий фикрга эга.

Кўпгина муаллифларнинг фикрича, кластерлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ошириш йўналиши бўлиб, у минтақаларнинг рақобатбардошлик даражасини белгилайди, ишлаб чиқариш жараёнлари, кадрлар тизимини оптималлаштириш

йўналиши ҳисобланади, шунинг учун бу кластер ёндашуви яқинда минтақаларнинг янада кучли иқтисодий ривожланиши учун долзарб бўлиб қолди.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади минтақавий кластерларнинг ташкилий ривожланиш даражасининг минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциацияси ўзгаришига таъсирини муҳит-вақт танловини таҳлил қилиш усуллари асосида баҳолаш имконини берувчи эконометрик моделни яратишдан иборат. Шундай қилиб, максимум усули ва С.Заманскийнинг “харажат-чиқариш” симметрик жадвали маълумотлари (ХЧСЖ) асосидаги усули асос сифатида олинган.

Моделлаштириш жараёнида биз минтақавий кластерларнинг ташкилий ривожланиш даражасининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциацияси ўзгаришига таъсирини кўрсатиш имконини берувчи ўз мезонларимизни киритамиз. Модель натижалари компонентнинг коэффициент усулига асосланган омил кўрсаткичларига боғлиқлигини баҳолашни ўз ичига олади [7].

С.Заманский методида саноат тармоғининг соф тармоқлари ҳақида маълумот берилади, бунда ҳар бир тармоқда фақат ўзига хос турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарувчилар тармоқлари қаторлар бўйича, истеъмолчилар эса устунлар бўйича жойлаштирилади. Қаторлар ва устунлар кесишиши учун мезонлар аниқланади, биз уларни моделда кейинроқ қайд этамиз.

ХЧСЖ маълумотлари кластерларни аниқлашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Минтақавий кластерларнинг ташкилий ривожланиш даражаси минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциацияси ўзгаришига таъсири бўйича ўз мезонларимизни қўллаймиз. Минтақавий кластерларнинг ташкилий ривожланиш даражасига қуйидаги омиллар: ресурс компоненти; минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши; истеъмолчи компоненти; институционал компонент таъсир кўрсатади. Моделни синовдан ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг биринчи кластери (7) ва Ўзбекистон Республикасининг иккинчи кластери (6) минтақаларини ҳисоблаб чиқамиз. Дастлаб С.Заманский [7] методи асосида эконометрик моделни тузиш алгоритмининг босқичма-босқич ўрганиб чиқамиз.

**Биринчи босқич X ва Y матрицаларини шакллантиришни ўз ичига олади. Уларнинг мезонлари қуйидагига тенг:**

$$y_{ii} = a_{ii} / \sum_{k=1}^n a_{ki}, \quad (3)$$

$$y_{ij} = a_{ij} / \sum_{k=1}^n a_{kj}, \quad (4)$$

бу ерда:  $a_{ij}$  –  $j$  саноат тармоғининг маълум ораликдаги  $i$  саноат тармоғининг ишлаб чиқариш ҳажмлари (“харажатлар-чиқариш” симметрик жадвалининг элементи);

$x_{ij}$  – саноат маҳсулотларининг умумий харидига мутаносиб равишда  $j$  тармоқнинг  $i$  тармоқдан оралик харидлари (иқтисодий ўсиш даражаси юқори бўлган минтақалар);

$y_{ij}$  –  $j$  тармоқнинг  $i$  тармоғидан саноат тармоғининг умумий сотиш ҳажмига (аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш) мутаносиб равишда истеъмол ҳажми.

$n$  – Ўзбекистон Республикасидаги вилоятлар сони (13).

Бу вариантда  $X$  ва  $Y$  матрицаси тузилганини қайд этиш мумкин, бу ерда  $X$  – саноат тармоғи маҳсулотларини сотиб олиш,  $Y$  – саноат маҳсулотларини сотиш.

*Иккинчи босқич* –  $i$  тармоқнинг  $j$  тармоғи билан оралик харидлари ўртасидаги саноат маҳсулотларини харид қилиш умумий ҳажмига мутаносиб равишда боғланишни белгилаш (иқтисодий ўсиш суръати юқори бўлган минтақалар) ва саноат тармоғининг умумий сотиш ҳажмига мутаносиб равишда  $j$  тармоқнинг  $i$  тармоғидан истеъмол қилиш (аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш).

Юқорида кўриб чиқилган жуфтликларнинг ўхшашлигини аниқлайлик.  $XX$  матрицаси, унинг кўрсаткичлари  $r(xl, xm)$  саноат маҳсулотларини  $l$  ва  $m$  оралик харидларининг ўхшашлик даражасини ўлчайди;

$YY$  матрицаси, унинг кўрсаткичлари  $r(yl, ym)$  саноат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажмлари ўртасидаги  $l$  ва  $m$  ўхшашлик даражаси ўлчанади;  $XY$  матрицаси, унинг кўрсаткичлари  $r(xl, ym)$   $l$  саноат маҳсулотларини харид қилиш намуналари ва сотиш ҳажмлари  $m$  ўртасидаги ўхшашлик даражасини кўрсатади;

$YX$  матрицаси, унинг кўрсаткичлари  $r(yl, xm)$  саноат маҳсулотлари  $m$  ни сотиб олиш намуналари ва сотиш ҳажми  $l$ , ўртасидаги ўхшашлик даражасини кўрсатади, бу вариант саноат маҳсулоти истеъмолчиларининг саноат тармоғининг умумий ҳажмида иштирок этиш даражасини кўрсатади.

Учинчи босқич – симметрик  $Lv$  матрицасини тузиш. Матрица кўрсаткичлари  $lv_{ij} = \max(x_{xij}, y_{yij}, x_{yij}, u_{xij})$ , агар корреляция коэффициенти муҳим бўлса, яъни  $p\text{-value} < 0.05$ .

Тўртинчи босқич Ўзбекистон Республикаси саноат секторининг асосий компонентлари (РСА) усулидан фойдаланган ҳолда кластерларини ташкил этишни белгилаб беради. Бу усулнинг мақсади омилларнинг асл сонини камайтиришдир. Асосий компонентларни қидириш алгоритми дастлабки кўрсаткичларни стандартлаштиришдан иборат; ковариация матрицаси ва корреляция матрицасининг ўз векторлари ва ўз мезонларини олиш; камайиш даражасига кўра мезонларни ажратиш ва  $k$  ўз векторларини танлаш; танланган  $k$  ўз векторларидан ташкил топган  $W$  матрицасини тузиш;  $k$  ўлчовли функционал кичик фазони олиш учун  $X$  хос мезонларини  $W$  га ўзгартириш.

Бешинчи босқич кейинги бўғинлар  $S$  матрицасини тузишдан иборат. Бу тузиш вариантида аҳоли жон бошига истеъмол ва саноат ишлаб чиқариш ҳажминини ҳисоблаш “максимум усул” бўйича амалга оширилади. “Максимум усул” асосчилари М. Монтфорта ва Д. Дьютелли ҳисобланади. Бу усул тармоқдаги алоқаларни ҳисобга олмаган ҳолда қиймат занжирига белгилайди, СТЗВ нинг асосий диагонали нолга тенг. Бу вариантда  $k$  ( $ckl$ ) саноат тармоғининг истеъмолчиси  $l$  қуйидагича ҳисобланади (9):

$$c_{кл} = \max_{кж} a_{кж}, \quad (5)$$

$a_{kk} = 0, j = 1, \dots, n, a_{ij}$ , яъни  $n \times n$ . ўлчамли матрица элементлари ҳисобга олинади. Натижада истеъмолчига саноат маҳсулотларини сотиш ҳажмининг аҳамияти умумий ҳажмдаги сотиш улушини (ЯММ) эмпирик чегара қиймати ( $\lambda$ ) билан солиштириш орқали текширилади. Кейинги ҳаволаларнинг иккилик матрицаси тузилади –  $S(10)$ , унда кўрсаткич, агар бу муносабат муҳим бўлса, 1 га тенг бўлади, яъни қуйидагилар бажарилади:

$$\begin{cases} c_{иж} = 1, \text{ иф } \frac{c_{кл}}{\sum_{ж} a_{кл}} > \lambda \\ c_{иж} = 0, \text{ иф } \frac{c_{кл}}{\sum_{ж} a_{кл}} \leq \lambda \end{cases} \quad (6)$$

Олтинчи босқич – аввалги  $S$  боғланиш матрицасини тузиш. Бу босқичда иқтисодий ўсишнинг юқори даражасига эга минтақа “аввалги боғланиш” нинг иккилик  $S$  матрицасини тузиш учун белгиланади, у “кейинги боғланиш” матрицасини

тузишга ўхшайди.  $l$  саноат тармоғининг  $k$  иқтисодий ўсиши юқори бўлган минтақаси (11) формула бўйича ҳисобланади:

$$c_{кл} = \max_{ил} a_{ил} \quad (7)$$

Унинг давоми саноат тармоғининг муҳим минтақалари-истеъмолчилар бинар матрица  $S$  (12) ни тўлдиришдан иборат:

$$\begin{cases} c_{иж} = 1, \text{ иф } \frac{c_{кл}}{\sum_{ж} a_{кл}} > \lambda \\ c_{иж} = 0, \text{ иф } \frac{c_{кл}}{\sum_{ж} a_{кл}} \leq \lambda \end{cases} \quad (8)$$

Еттинчи босқич – истеъмолчига саноат маҳсулотларини сотиш ҳажми ва  $CS$  минтақасидаги иқтисодий ўсиш даражаси ўртасидаги боғлиқлик матрицасини яратиш. Матрицанинг қиймати қуйидаги шаклга эга (13):

$$cc_{иж} = c_{иж} + c_{иж} \quad (9)$$

Натижада,  $CS$  матрицаси мезонлари ҳисоблаб чиқилади, бу саноат маҳсулотларини истеъмолчига сотиш ҳажми ва минтақадаги иқтисодий ўсиш даражаси ўртасидаги сезиларли боғлиқликни исботлайди.

Ҳисобланган коэффициентга асосланиб, юқорида муҳокама қилинган муҳим  $CS$  боғланишлари қиймати ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини жорий этиш орқали минтақавий кластерларда ташкилий ривожланиш даражасининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциациясини ўзгартиришга таъсирини баҳолаш модели ҳосил қилинади. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси қуйидаги коэффициентлар усули орқали ҳисобланади:

$Knp$  - минтақада меҳнатни ривожлантириш коэффициенти (меҳнатга лаёқатли ёшдаги доимий аҳоли даражаси; бандлик даражаси; ишсизлик даражаси);

$Kэр$  - минтақанинг иқтисодий ривожланиш коэффициенти (ЯММ ҳажми; асосий капиталга инвестициялар ҳажми; ташқи савдо айланмаси даражаси; маҳсулот ҳажмининг ортиш даражаси; уй-жой фондининг умумий майдони (микдорий маълумотлар таннарх кўрсаткичларига айлантирилса);

$Kинфр$  - инновацион ривожланиш коэффициенти (шахсий компьютерга эга корхоналар улуши;

Интернет тармоғига кириш имконияти мавжуд корхоналар улуши; маҳаллий тармоққа эга корхоналар улуши);

$K_{ср}$  - ижтимоий ривожланиш коэффициенти (туғилиш даражаси, ўлим даражаси, аҳоли жон бошига реал умумий даромад).

Алгоритмга киритилган коэффициентларни топиш учун ушбу мезонларнинг Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича ўртача қийматини ҳисоблаймиз (10).

$$K_n = \frac{\sum_k^n K}{n} \quad (10)$$

бу ерда:  $K_n$  – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш коэффициентлари;

$\sum_k^n K$  – ҳар бир минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси;

$n$  – ҳар бир минтақа учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қийматлари йиғиндиси.

Энди (11) формула бўйича минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш коэффициентларининг комплекс кўрсаткичини ҳисоблаш таклиф этилади [18].

$$U_{с-э.р.} = \sqrt[n]{K_{пр} * K_{эр} * K_{инфр} * K_{ср}} \quad (11)$$

Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бундай даражаси минтақавий кластерлар

ташкилий ривожланиш даражасининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциацияси ўзгаришига таъсирини баҳолашнинг кейинги ҳисоб-китобларида қўлланилади. Бунинг учун қуйидаги формула ишлаб чиқилади (12):

$$OB_{эф} = \frac{CC}{U_{с-э.р.}} \quad (12)$$

Бу ерда:  $OB_{эф}$  – минтақавий кластерлар ташкилий ривожланиш даражасининг минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциацияси ўзгаришига таъсири самарадорлиги (%). Шундай қилиб, бу моделдан минтақавий кластерлар ташкилий ривожланиш даражасининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциацияси ўзгаришига таъсирини баҳолашни ҳисоблашда фойдаланиш мумкин. Бу модель қайси минтақа (кластер аъзоси) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш кластер ўзаро таъсирида иштирок этиш орқали хўжалик юритувчи субъектнинг фойдасини максимал даражада оширишини кўрсатади. Моделнинг камчилиги шундаки, ҳамма минтақалар бўйича барча коэффициентларни ҳисоблаш,  $CC$  муҳим боғланишларни ҳисоблаш кўп вақт талаб этади. Бу моделнинг иккинчи камчилиги шундан иборатки, ҳисоб-китоб учун катта ахборот базаси талаб этилади.

Энди кластер иштирокчисининг иқтисодий ҳолати даражасини киритиш керак (1-жадвал)

1-жадвал

**Минтақанинг иқтисодий аҳволи даражасини баҳолаш мезонлари (кластер аъзоси)**

Даража	Баҳолаш	Изоҳ
0,1 дан 0,3 гача	Қуйи даража (натижали ва омилли мезонлар ўртасида сезиларсиз ўзаро боғлиқлик)	Минтақадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг қуйи иқтисодий кўрсаткичлари, хўжалик юритиш даражаси самарадорлигининг салбий ёки қуйи даражаси, салбий самарадорлик
0,4 дан 0,7 гача	Ўрта даража	Минтақадаги (кластер иштирокчисидоги) хўжалик юритиш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари барқарор, динамик шаклланиш ва ривожланиш
0,8 дан 1,0 гача	Юқори даража	Минтақадаги (кластер иштирокчисидоги) юқори иқтисодий кўрсаткичлар: товар айланмаси, инвестиция қўйилмалари, ижтимоий ривожланиш юқори даражада

**Моделнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:**

Бу моделда корхона даражасида саноат комплексининг барча муаммоли соҳаларини аниқланади, бунда омил кўрсаткичлари ҳисобга олинади, самарали ва омил хусусиятлари ўртасидаги коэффициенти

қанчалик паст бўлса, муаммоли минтақаларни бартараф этиш учун бу аниқ кўрсаткичга кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

Моделда самарали мезон ва омил кўрсаткичлари ўртасидаги муносабат ўрнатилади, шу билан бирга мезон даражалари аниқланади. Моделда мин-



такавий кластерларнинг ривожланиш даражасини кўрсатилади, кластер иштирокчиси аниқланади, у билан ўзаро ҳамкорлик кластерли ўзаро таъсирда иштирок этиш орқали хўжалик юритувчи субъектнинг фойдасини максимал даражада оширади. Кейинчалик бу модель Ўзбекистон Республикаси мисолида синаб кўрилади.

**Хулоса.** Мазкур мақолада кластерли ёндашув бўйича хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг тадқиқотлари ва кластерлашни баҳолаш усулларининг назарий таҳлили келтирилган. Мақолада кластерли ёндашувнинг баъзи усуллари кўриб чиқилди, афзаллик ва камчиликлари аниқланди. Ишда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциациясини ўзгартириш учун минтақавий кластерларнинг ташкилий ривожланиш даражасини баҳолаш модели ишлаб чиқилди.

Моделлаштириш жараёнида минтақавий кластерлар ташкилий ривожланиш даражасининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциацияси ўзгаришига таъсирини кўрсатиш имконини берувчи ўз мезонларимизни жорий этдик. Ишлаб чиқилган модель саноат кластерларининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир даражасини кўрсатди. Моделда кўплаб омиллар: минтақаларнинг иқтисодий ривожланиши омиллари ҳамда ижтимоий ривожланиш омиллари ҳисобга олинади, бу таъсир самарадорлигини баҳолашни олдиндан белгилаб беради.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Завьялов М.В. *Управление реализацией государственной политики по обеспечению устойчивого развития кластера: диссертация ... кандидата экономических наук: 08.00.05 / Завьялов М.В. – Москва, 2020. – 173 с.*

2. Ильин В.В. *Методы формирования кластеров в промышленности: диссертация ... кандидата экономических наук: 08.00.05 / Ильин В.В. – Санкт-Петербург, 2010. – 136 с.*

3. Jihong Chen, Yijie Fei, Zheng Wan, Zaili Yang b, Haobo Li a, Kyoung–Suk Choi c, Xiaoke Xie. *Allometric relationship and development potential comparison of ports in a regional cluster: A case study of ports in the Pearl River Delta in China// Transport Policy 85 (2020) 80–90.*

4. JijRG MEYER–STAMER. *Path Dependence in Regional Development: Persistence and Change in*

*Three Industrial Clusters in Santa Catarina, Brazil / WORLD DEVELOPMENT. 1495–1510.*

5. Juan Pineda–Jaramillo, 'Oscar Arbel'aez–Arenas. *Modelling road traffic collisions using clustered zones based on Foursquare data in Medellin / Case Studies on Transport Policy 9 (2021) 958–964.*

6. Карпичев А.В. *Механизмы управления инновационной кооперацией субъектов промышленных кластеров: диссертация ... кандидата экономических наук: 08.00.05 / Карпичев А.В. – Санкт-Петербург, 2019. – 123 с.*

7. Козоногова Е.В., Курушин Д.С., Дубровская Ю.В. *Компьютерная визуализация задачи идентификации промышленных кластеров с помощью ГВ–Man. // Научная визуализация, 2019, – № 5, – С.126 – 141,*

8. Костригин Р.В. *Методы оценки экономического развития и инструментарий выбора стратегий промышленных кластеров: диссертация ... кандидата экономических наук: 08.00.05 / Корчагина И.В. – Нижний Новгород, 2020. – 140 с.*

9. Markus Grillitscha, Josephine V. Rekersb, Franz Tödtlingc. *When drivers of clusters shift scale from local towards global: What remains for regional innovation policy? / Geoforum 102 (2019) 57–68.*

10. Морковкин Д.Е., Никогосян В.А., Донцова О.И. *Кластерный подход в управлении инновационно–технологическим развитием национальной экономики (на примере Великобритании) // Вопросы инновационной экономики. – 2020. – Том 10. – № 4. – С. 1911–1928.*

11. Nazan Yelkikalan, Melike Altun. *Clustering Approach As a Regional Development Tool / Nazan Yelkikalan et al. // Procedia – Social and Behavioral Sciences 58 (2012) 503 – 513.*

12. Писаренко К.В. *Тенденции и перспективы развития региональной инновационно–промышленной кластерной политики. // Научно–образовательный журнал для студентов и преподавателей «СтудНет». – 2020 г. – №7. – С. 521–527.*

13. Саликов Ю.А., Вандышева С.В., Смачкова Л.В., Чудакова Е.А. *Использование кластерного подхода в развитии промышленности региона. // Вестник ВГУИТ. 2018. Т. 80. № 4. – С. 493–498.*

14. Philip McCann, Tomokazu Arita. *Clusters and regional development: Some cautionary observations from the semiconductor industry / Information Economics and Policy 18 (2006) 157–180.*

15. Weidong Liu, Xiaohua Jiang b, Shaoshuai

Li, Ji Luo, Gen Wen. Photovoltaic module regional clustering in mainland China and application based on factors influencing field reliability / *Renewable and Sustainable Energy Reviews* 133 (2020) 110339.

16. Wen Tiana, Weihong Lib, Hongfang Songa, Haodi Yue. Analysis on the difference of regional high-quality development in Beijing–Tianjin–Hebei city cluster // *Wen Tian et al. / Procedia Computer Science* 199 (2022) 1184–1191.

17. Хайдарова М.А. Кластерный подход как приоритетное направление формирования промышленной политики региона. // *Концепт*. – 2014. – №04. – С.1–6.

18. Юдин С. В. Математика и экономико-математические модели. Учебник / С.В. Юдин. – М.: Инфра–М, РИОР, 2016. – 376 с.

19. Хакимов З. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари. Монография, Т.Иқтисод-2017.

20. Захидов Г. Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташиқил этиши ва бошқариш самарадорлиги: иқт. фан. фал. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2017

21. Белякова Г.Я., Безруких Д.В. Кластерный подход к организации промышленного производства: история становления и современные особенности. // *Фундаментальные исследования*. – 2015. – №9. – С.536-540.

#### Мамлакат минтақалари саноатининг кластерланишини баҳолаш методологияси

**Мираббос Махмудов,**

PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),  
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти докторанти

**Аннотация:** мақолада кластер ёндашувининг усуллари кўриб чиқилади. Ишининг мақсади минтақалар кластерларнинг ташиқил ривожланиш даражасининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари дифференциациясининг ўзгаришига таъсирини фазовий-вақт маълумотларини танлашни таҳлил қилиш усуллари асосида баҳолаш имконини берувчи эконометрик моделни ишлаб чиқишдан иборат.

**Калит сўзлар:** кластерли ёндашув, кластерлаш, минтақавий кластерлар, саноат, ташиқил ривожланиш, визуаллаш, рақобатбардошлик, корхоналар.

#### Методология оценки промышленности региональной промышленности

**Мираббос Махмудов,**

PhD (по экономическим наукам),  
докторант Института прогнозирования и макроэкономических исследований

**Аннотация:** в статье рассматриваются методы кластерного подхода. Целью данной работы является разработка эконометрической модели, позволяющей оценивать влияние уровня организационного развития региональных кластеров на изменение дифференциации социально-экономических показателей регионов на основе методов анализа пространственно-временной выборки данных.

**Ключевые слова:** кластерный подход, кластеризация, региональные кластеры, промышленность, организационное развитие, визуализация, конкурентоспособность, предприятия.

#### Methodology of assessment of industrial regional industry clasting

**Mirabbos Makhmudov,**

PhD (in Economics),  
doctoral student of the Institute of Forecasting and Macroeconomic Research

**Abstract:** in the paper have been discussed the methods of the cluster approach. The purpose of this work is to develop an econometric model that allows assessing the impact of the level of organizational development of regional clusters on the change in the differentiation of socio-economic indicators of regions based on methods for analyzing spatio-temporal data sampling.

**Keywords:** cluster approach, clusterization, regional clusters, industry, organizational development, visualization, competitiveness, and enterprises.

Хизмат кўрсатиш, логистика ва инфратузилма / Сервис, логистика и инфраструктура /  
Service, logistics and infrastructure

УЎК: 336.71

**Нилуфар ШАРИПОВА,**  
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*  
*Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти,*  
**E-mail: shani\_80@mail.ru**

## Банкларда тўлов тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида тўлов хизматлари бозорини янада либераллаштириш, бу борадаги чекловларни кескин қисқартириб, кўшимча имкониятларни киритиш ва нақд пулсиз тўлов хизматлари турларини кенгайтиришни ҳамда тўлов воситаларининг ривожлантирилиши аҳолининг барча қатламлари учун мос равишда нарх, қулайлик, ҳимояланганлик ва бошқа кўрсаткичлар юзасидан энг мақбул ечимларни юзага келтиради. Пировард натижада нақд пулсиз тўловларнинг, айниқса, замонавий турлари ва воситаларининг ривожланишига эришилади, “рақамли молиявий хизматларнинг кенг тарқалиши натижасида амалга ошадиган молиявий интеграция ялпи иқтисодий ўсиш суръатларини ошириши мумкин”<sup>1</sup>.

Мамлакат тўлов тизимининг кўрсаткичлари асосида ўтказилган тадқиқотга кўра, тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сонининг бир донага ошиши ЯИМнинг 24,92 млн. сўмга ошишига олиб келса, тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммасини 1 млрд. сўмга оширилиши ЯИМнинг 3,43 млрд. сўмга ошишига олиб келади<sup>2</sup>.

**Асосий қисм.** Тўлов тизимлари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг кенгайтириши давлатнинг ягона пул-кредит сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Марказий банкда тўлов тизимининг барқарорлигини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги кунда тўлов хизматлар бозорида Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими, Ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўловлар тизими фаолият юритиб келяпти.

Айни пайтда тижорат банклари томонидан UZCARD ҳамда HUMO тўлов тизимларининг миллий валютадаги банк карталари муомалага чиқарилиб, уларнинг инфратузилмаси кенгайтириб борилмоқда.

---

**Марказий банкда тўлов тизимининг барқарорлигини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги кунда тўлов хизматлар бозорида Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими, Ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўловлар тизими фаолият юритиб келяпти.**

---

1 Пурва Кхера, Сумико Огава, Ратна Сахаи и Ульрик Эрикссен фон Алльмен: “Цифровая финансовая интеграция во времена COVID”, Международный Валютный Фонд, 1 июля 2020 года.

2 Шарипова Н.Х.: “Тўлов тизимлари кўрсаткичларининг макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсирининг эконометрик таҳлили”; ТМИ, “Ўзбекистонда статистика тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами, 2021 йил, 397-бет.

Аҳолининг чакана тўловлари сегментида (савдо нуқталари ҳамда электрон тижоратда) банк пластик карталари асосий нақд пулсиз тўлов инструменти бўлиб ҳисобланади. Ушбу тўлов инструменти жисмоний шахслар орасидаги пул ўтказмалари (P2P ўтказмалари)да ҳам фаол қўлланилади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банклари пластик карталар эмитенти бўлиб ҳисобланади. Қуйидаги 1-жадвалда биз Ўзбекистонда тўлов тизимлари кўрсаткичларининг макроиктисодий кўрсаткичлар билан боғлиқ динамикасини келтирдик.

## 1-жадвал

**Тўлов тизимлари кўрсаткичларининг макроиктисодий кўрсаткичлар билан боғлиқ кўрсаткичлари динамикаси**

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Муомаладаги банк карталари сони, минг дона	19 523	19 226	17 686	20 547	25 776
Аҳоли жон бошига банк карталари сони, дона	0,60	0,59	0,53	0,60	0,75
Аҳоли жон бошига терминаллар орқали транзакциялар суммаси, млн.сўм	1,65	1,62	1,92	2,38	2,62
Терминаллар орқали тўловларнинг аҳоли умумий даромадидаги улуши,%	26,8	22,4	21,2	22,0	21,5
Нақд пулларнинг М2 даги улуши, %	26,3	27,5	27,6	26,6	23,2
Нақд пулларнинг ЯИМдаги улуши, %	5,1	6,3	5,2	4,6	4,1

*Манба: Сбу.uz ҳамда stat.uz сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.*

Жадвал маълумотларидан муомаладаги банк карталари сонининг охириги беш йилда 19 523 минг донадан 25 776 минг донага ошганини, аҳоли жон бошига карталар сони 0.60 дан 0.75га ортганини кузатиш мумкин. Аммо ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига 5-6 тани ташкил қилишини ҳисобга олиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган қатор ишлар мавжудлигини кўриш мумкин. Терминаллар орқали тўловларнинг аҳоли умумий даромадидаги улуши 26,8%дан 21,5%га тушганини охириги беш йилда электрон ҳамёнлар, мобил иловаларнинг ҳамда QR-код орқали тўловларнинг аҳоли орасида оммалашгани би-

лан изоҳлаш мумкин. Нақд пулнинг М2даги улуши охириги беш йилда 26,3%дан 23,2%га тушгани ижобий кўрсаткич бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепциясида тўлов тизимларида рақамли технологиялар орқали кескин ўзгаришлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, пул массасида нақд пул улуши 2017 йилдаги 27% дан 2035 йилда 5% га туширилиши белгиланган. Хужжатга биноан, банк тизимини янада ривожлантиришга рақамли меҳнат соҳасидаги инновациялар, маълумотларни таҳлил қилиш ва масофадан хизмат кўрсатиш асосида эришилади.

	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Жами масофадан банк хизматини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони</b>					
<i>Юридик шахслар ва ЯТТлар, минг нафар</i>	135,6	227,9	359,8	691	822,5
<i>Жисмоний шахслар, минг нафар</i>	1 906,5	4 225,4	7 599,3	9 462,5	13 748,6

**1-расм. Масофадан банк хизматларидан фойдаланувчилар сони**

*Манба: Сбу.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди.*

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, масофадан банк хизматларидан фойдаланувчилар сони охириги беш йилда юридик шахслар кесимида 135,6 мингдан 822,5 мингга ошган бўлса, жисмо-

ний шахслар кесимида 1906,5 мингдан 13748,6 мингга ортган. Юқорида келтирганимиздек, мамлакат тўлов тизими кўрсаткичлари асосида эконометрик таҳлилларимиз асосида Ўзбекистонда ма-



софадан банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг 1 донага ортиши ЯИМни 24,92 млн. сўмга ошишига олиб келиши асосланди. Шундан келиб чиқиб, ушбу масалада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар талай.

**Тўлов муносабатларининг ривожланишида жаҳон тенденцияларини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон учун тўлов тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Сўнгги йилларда нақд пулсиз тўлов айланмасини оширишда тўлов тизимларини такомиллаштириш бўйича дунё мамлакатларида қатор тенденциялар кузатилмоқда. Булардан асосийлари қуйидагилар:**

- Тўлов инфратузилмаси, давлат ва жамият рақамли трансформацияси, янги иштирокчилар, финтех ва ИТ компанияларининг тўлов тизимларида фаол иштироки;

- Очiq архитектура;

- Рақамли идентификациянинг жорий қилиниши;

- Марказий банкнинг рақамли валютаси жорий қилиниши;

- Молиявий хизматларнинг ISO 20022 стандартига ўтилиши;

- QR-кодларини оммалаштириш;

- Банклараро инфратизимни такомиллаштириш.

Очiq архитектура. Рақамли трансформация, мобил алоқанинг ҳамда интернетнинг аҳолининг барча қатламлари ҳаёт тарзига кириб келиши дунё мамлакатларида финтех компанияларининг молиявий хизматлар соҳасида турли инновацион ечимлари, стартаплари пайдо бўлишига олиб келди.

Ташқи ташкилотларнинг технологик имкониятлари ёрдамида рақобатни кучайтириш ва молиявий хизматларни кенгайтириш мақсадида алоҳида мамлакатлар финтех компанияларига банклар билан интеграцияни амалга оширишлари ҳамда банкларнинг мижозларига ўз хизматларини кўрсатишлари учун ҳуқуқий майдон яратиб бермоқдалар. 2018 йилнинг январиди кучга кирган Европа Иттифоқининг Иккинчи Директиваси (Payment Services Directive, PSD2) янги шаклдаги тўлов институтларининг устидан назорат, ҳамкорликнинг янги моделини ҳамда чакана молиявий хизматлар очiq архитектурасига талабларни шакллантирди.

Молиявий хизматларнинг очiq архитектураси молиявий ташкилотлар томонидан мижоз маълумотларига (масалан, API - application programming interface) ни ишлатиш орқали иловалар ўртасида

ҳамкорлик учун умумий дастурий инструментларни) тўлов хизматлари етказиб берувчилари ҳисобланган учинчи томонларга маълумот олиш учун (молиявий маълумотларни агрегацияси хизмати) ва тўловларни ўтказиш учун маълумот тақдим этишини англатади. Бунинг учун фақатгина банк ҳисобрақами эгасининг розилиги талаб қилинади.

Очiq банкинг бўйича ташаббус Буюк Британияда ҳам киритилган бўлиб (Open Banking Standard), ҳозирги пайтда Австралияда амалга оширилмоқда.

Рақамли идентификация. Рақамли хизматларнинг кейинчалик ривожланиши ва кенгайиши мижознинг масофадан идентификация қилиниши, томонларнинг маълумот алмашинувида боғлиқ. Масалан, Швецияда BankID лойиҳаси мижозларнинг электрон идентификация тизими йўлга қўйилган бўлиб, компаниялар ва давлат ташкилотларига мижозни масофадан идентификация қилишга, шунингдек, интернет тармоғи орқали масофадан шартнома тузишга имкон беради. Тизим, аввало, банк мижозларини масофадан идентификация қилиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик, давлат ташкилотлари ва бошқа компаниялар ҳам бу тизимдан фойдалана бошлаган. Ҳозирги пайтда BankID бу электрон идентификацион ҳужжат бўлиб, нафақат паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномасига тенглаштирилган, шунингдек электрон рақамли имзо ҳам бўлиб ҳисобланади. Бошқа мисол, Ҳиндистондаги Aadhaar фуқаролар идентификацияси миллий тизими бўлиб, 1,2 млрд.дан ортиқ аҳолининг биометрик маълумотлари базаси бўлиб, молиявий ва давлат хизматларини масофадан амалга оширишга ёрдам беради.

Марказий банкнинг рақамли валютаси. Криптовалюталарнинг пайдо бўлиши ва жуда кенг тарқалиши ҳамда уларнинг асосидаги блокчейн технологияси марказий банкларнинг ўз рақамли валюталарини (МБРВ) чиқариш имконияти ва унинг қанчалик мақсадга мувофиқлигини ўрганиш масаласини қўймоқда. Бунга турли омилар туртки бўлмоқда, булар блокчейн технологиясини амалиётда, шунингдек, трансчегаравий тўловларда қўллаш, нақд пул ҳажмининг барқарор камайиши натижасида молиявий ва тўлов барқарорлигини ошириш, шунингдек, молия соҳасида ўриндош тўлов механизмларини қидириш каби омилардир.

Ҳозирги пайтда Хитой ва Швеция ўз рақамли валютасини чиқариш арафасида турибди. Хитой Халқ банкнинг рақамли валютаси 2019 йил декабрда Хитой Халқ Республикаси Кенгаши томони-

дан тасдиқланган. МБРВ нинг биринчи чиқарилиши 2020 йилнинг май ойидан бошланган. Рақамли валютанинг чиқарилиши сабаби Марказий банк валютасининг тўлов функциясини оптималлаштириш, унинг мавқеини яхшилаш, пул кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш деб кўрсатилган.

Хитой рақамли валютаси тахминан универсал мобил илова орқали (ягона рақамли ҳамён) ёки бошқа тижорат тўлов платформаларининг махсус интерфейси орқали ишлатилиши мумкин бўлади. Пилот режими доирасида рақамли валютани товар ва хизматларга тўловларни амалга ошириш, шунингдек, ички банклараро тўловларни ўтказишда фойдаланиши режалаштирилган.

Молиявий хизматларнинг ISO 20022 стандартига ўтилиши. ISO 20022 “Молиявий хизматлар. Молия индустриясининг маълумотлар универсал схемаси” стандарти молия бозорининг турли автоматлашган иштирокчилари ҳамкорлиги учун ишлаб чиқилган.

ISO 20022 стандарти молия индустриясининг алоҳида сектори эмас, балки барча иштирокчилари қулайлиги учун ишлаб чиқилган, шунингдек, асосий жараёнларни тушунишга имкон берувчи маълумотларни қамраб олади. Бу эса маълумотларни ISO 20022 стандартига мос форматга ўтказишни ва янги молиявий хабарларни яратишни осонлаштиради. Шунингдек, ISO 20022 стандартининг ишлатилиши фойдаланувчиларнинг географик жойлашувидан ва фойдаланаётган тўлов платформасидан қатъи назар, ахборотларни тўғри интерпретация қилишларига ёрдам беради. ISO 20022 стандартининг жорий қилиниши тўловларни қайта ишлаш ва хавфсизлигининг самарадорлигини оширади, тўловлар занжирида ички ва глобал мосликни таъминловчи инновацияларни йўлга қўйишга имкон беради.

Халқаро SWIFT компанияси ISO 20022 стандартини рўйхатга олиш ва юритиш бўйича масъул бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ушбу стандарт дунё бўйлаб етакчи молия ташкилотлари томонидан босқичма босқич жорий қилинмоқда. 2022 йилда Европа банклари, АҚШ банклари ISO 20022 стандартини жорий қилиши режалаштирилмоқда. CLS ва Euroclear каби халқаро тизимлар ISO 20022 стандартига асосланган ахборотлар алмашинувини йўлга қўйган, фойдаланувчиларни ушбу стандарт бўйича ахборот алмашинувини рағбатлантиради. Кўплаб давлатлар электрон ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тўлов тизимларининг такомиллаштирилиши бўйича стратегик

ҳужжатларида ISO 20022 халқаро стандарти жорий қилинишини назарда тутган. Келгусида ушбу стандартнинг жорий қилиниши миллий ва халқаро тўлов тизимларининг ҳамкорлигини тушунарли ва умум қабул қилинган халқаро стандартлар орқали соддалаштиради.

QR-кодлари. Сўнгги йилларда дунёда QR-кодлари ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар улуши кенгайиб бормоқда. АҚШда Walmart Pay, Starbucks Pay, Apple маҳсулотлари - Easy Pay каби тўлов маҳсулотлари кенг ишлатилмоқда. Visa ва Mastercard халқаро тўлов тизимлари бу каби тўловларни кенгайтормоқда. QR-кодлари ёрдамида тўловлар хавфсизлиги, тўловнинг қулай ва тезлиги, махсус қурилманинг талаб қилинмаслиги бундай тўловларни оптимал тўлов усулига айлантормоқда. QR-код орқали тўловлар тўлов жараёнининг соддалашуви ва арзонлашувини таъминдайди.

QR-код орқали тўловлар савдо нуқталарида, интернет орқали, шунингдек, турли хизматлар учун тўловлар (етказиб бериш хизмати, такси) учун ишлатилади. POS-терминалларни ишлатиш бозор расталари савдоларида иктисодий самарадорлик жиҳатдан ўзини оқламаслиги мумкин, аммо QR-код орқали тўловлар бундай тўловларни муваффақият билан амалга оширади. QR-код орқали тўловлар энг кўп Хитойда омалашган. Хитой QR-код орқали тўловларни жорий қилиш бўйича лидер бўлиб ҳисобланади. Tencent ва Alibaba каби йирик тўлов ташкилотлари QR-кодни жорий қилиш бўйича драйвер бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, турли тўлов тизимлари ўз QR-кодларига эга бўлиб, бу тадбиркорлар ва истеъмолчилар учун самарали эмас. QR-кодни қабул қилувчи барча тўлов тизимлари учун ягона форматдаги QR-код стандартини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Тўловлар соҳасида QR-кодлар стандарти учун энг кўп қўлланиладиган стандарт EMVCo стандартидир. Гонконг, Сингапур, Индонезия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Миср QR тўловлар учун миллий стандартларини ишлаб чиқиб, ягоналаштирилган QR-кодларни амалда қўлламоқдалар.

Банклараро инфратизими. Европа Иттифоқида Европа тўлов кенгаши ва Европа марказий банки билан биргаликда деярли барча европа банклари иштирокида чакана тўловларнинг ягона инфратизими – SEPA ташкил қилинган. Ҳозирги пайтда кредит тўловлари, тўғридан тўғри дебет, карталар орқали транзакциялар тўловлари амалга оширилмоқда.

**Хулоса.** Юкоридагилардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда тўлов тизимлари зарур даражада такомиллаштирилмоқда. **Шундай бўлса ҳам олдинда турган бажарилиши лозим бўлган қатор вазифалар мавжуд, булар:**

- Чакана тўлов тизимлари соҳасида аҳолининг нақд пулсиз тўловлардан кенг фойдаланишини рағбатлантириш, бунинг учун карталардан фойдаланишни янада оммалаштириш, QR-код орқали тўловларни оммалаштириш, универсал QR-код ечимларини жорий қилиш лозим бўлади;

- Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сонини ошириш, рақамли идентификация ва очик-банк архитектураси ечимларини такомиллаштириш муҳим бўлиб ҳисобланади;

- Шунингдек, Марказий банкнинг рақамли валюталарини жорий қилиш ҳамда тўлов тизимларида блокчейн технологияларининг қўлланилиши чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим;

- Молиявий хизматларнинг ISO 20022 стандартига ўтилиши ҳамда молия бозори инфратузилмаси учун белгиланган халқаро принципларга иш фаолиятининг мослиги бўйича ўзини-ўзи баҳолаши учун қоидаларни ишлаб чиқиш лозим.

### **Манба ва адабиётлар**

1. “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги 578-сонли ЎзР Қонуни - 1 ноябр 2019 йил.

2. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси.

3. <https://cbi.uz>.

4. *Повышение финансовой компетентности и финансовой доступности в Узбекистане*”, Оценка со стороны спроса Узбекистан, июнь 2020 г, InternationalFinanceCorporation 2020, 29-бет.

5. <https://teknospire.com/agent-banking-creating-social-entrepreneurs-contributing-financial-inclusion/>

### **Банкларда тўлов тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари**

**Нилуфар Шарипова,**

*Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти*

**Аннотация:** тўлов тизимлари давлат молиясининг барқарорлигига асос бўлиб ҳисобланади, иқтисодийдаги операцион харажатларни камайтиради, молиявий ва бошқа ресурсларнинг самарали ишлатилишини оширади. Дунё иқтисодийтида рақамли технологияларнинг кенг ривожланиб бораётганлиги

тўлов тизимлари фаолиятида такомиллашувга олиб келди. Мақолада мамлакатимизда тўлов тизимлари кўрсаткичлари ҳамда халқаро тенденциялар таҳлил қилиниб, бу борадаги қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** тўловлар, масофадан банк хизматидан фойдаланувчилар, QR-код, очик архитектура, Марказий банкнинг рақамли пуллари, тўлов терминаллари.

### **Приоритетные направления совершенствования платежной системы в банках**

**Нилуфар Шарипова,**

*базовый докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** платежные системы являются основой стабильности государственных финансов, снижают операционные издержки в экономике, повышают эффективность использования финансовых и других ресурсов. Широкое развитие цифровых технологий в мировой экономике привело к улучшению функционирования платежных систем. В статье анализируются показатели платежных систем в нашей стране и международные тенденции и формируются выводы по вопросам, которые следует предпринять в этой связи.

**Ключевые слова:** платежи, пользователи дистанционных банковских услуг, QR-код, открытая архитектура, цифровые деньги центрального банка, платежные терминалы.

### **Priority directions for improvement of the payment system in banks**

**Nilufar Sharipova,**

*doctoral student Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** payment systems are the basis for the stability of public finances, reduce transaction costs in the economy, increase the efficiency of the use of financial and other resources. The extensive development of digital technologies in the global economy has led to an improvement in the functioning of payment systems. The article analyzes the indicators of payment systems in our country and global trends and makes conclusions on the issues that should be taken in this connection.

**Keywords:** payments, users of remote banking services, QR code, open architecture, central bank digital currency, payment terminals.

УЎК: 658.012.1

**Шахло МАХКАМОВА,**  
кандидат экономических наук,  
начальник отдела Института Бюджетно-налоговых исследований  
при Министерстве Финансов Республики Узбекистан,  
E-mail: [shmahkamova@mail.ru](mailto:shmahkamova@mail.ru)

## Оценка качества услуг медицинских учреждений

**Введение.** Здоровье один из наиболее важнейших факторов обеспечения благосостояния населения страны. Поэтому государство на первое место ставит финансирование здоровья населения, так как здоровье обеспечивает реализацию всех других целей. В условиях либерализации экономики вопросы оценки качества медицинских услуг приобретает все большее значение.

Поэтому в рамках задач по обеспечению здоровья населения, в Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы [1] определены приоритетные направления по улучшению здоровья населения. В частности, во втором приложении данного Указа, в Государственной программе, по направлению «IV. Проведение справедливой социальной политики, развитие человеческого капитала» в цели 59 “Повышение качества оказания населению квалифицированных услуг, увеличение средств, выделяемых на сферу первичной медико-санитарной службы” пунктом 229 на Министерство финансов возложена задача “Дальнейшее улучшение обеспечения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения первичной медико-санитарной службы” путем реализации механизма “Обеспечение увеличения средств, выделяемых из Государственного бюджета на лекарственные средства и изделия медицинского назначения, в три раза. При этом уделение основного внимания усилению подворовой медицинской профилактики и принятие мер по проведению «целевого» скрининга”.

Наряду с принятыми нормативно-правовыми документами выделяются финансовые средства для совершенствования системы здравоохранения

Республики Узбекистан. За 2017-2020гг. расходы на здравоохранения в стране увеличились в 3 раза. Исследование эффективности проводимых реформ является объективной необходимостью для определения их целесообразности и задач следующих этапов.

Указом Президента Республики Узбекистан от 5 мая 2021 года № УП-6221 “О последовательном продолжении осуществляемых в системе здравоохранения реформ и создании необходимых условий для повышения потенциала медицинских работников” [2] поручено: организовать в Министерстве здравоохранения Фонд поддержки и привлечения в медицинские учреждения одаренных и квалифицированных медицинских специалистов (далее – Фонд). Определить источниками финансирования Фонда: средства Государственного бюджета; внебюджетные средства Министерства здравоохранения; ассигнования, направляемые Фонду государственными учреждениями здравоохранения; грантовые средства международных финансовых организаций; другие источники, не запрещенные законодательством. Министерству финансов выделить Фонду средства в размере до 50 миллиардов сумов в 2021 году на основании запроса Министерства здравоохранения, с 2022 года предусмотреть необходимые средства в параметрах Государственного бюджета.

Исходя из этого вытекает практическая необходимость исследования медицинских учреждений и оценить качества услуг для дальнейшего развития системы здравоохранения.

**Целью** исследования является разработка практических рекомендаций по повышению эффективности медицинского учреждения.



**Исходя из поставленной цели представлены следующие задачи:**

- исследование методологии оценки повышения эффективности деятельности медицинского учреждения;
- подбор специалистов экспертной группы из медицинских, финансовых, социологических направлений;
- разработка анкеты для оценки эффективности деятельности медицинского учреждения экспертами;
- разработка инструкций по заполнению анкет специалистами и экспертами;
- разработка анкеты для заполнения больными – пациентами;
- оценка качества функционирования Мирабадской семейной поликлиники №1 г. Ташкента экспертами;
- оценка качества функционирования Мирабадской семейной поликлиники больными, пациентами, посетителями медицинского учреждения;
- проведение опроса (оффлайн/онлайн) и обобщение результатов;
- разработка практических предложений по повышению эффективности деятельности медицинского учреждения.

**Обзор литературы.** Основной целью модернизации системы здравоохранения является повышение доступности и качества услуг здравоохранения. Согласно определениям исследователей, в этой области качество медицинской помощи (КМП) – это совокупность характеристик медицинской помощи, отражающих ее способность удовлетворять потребности пациентов с учетом стандартов здравоохранения, соответствующих современному уровню медицинской науки, а доступность медицинской помощи – это реальная возможность получения населением необходимой медицинской помощи вне зависимости от социального статуса, уровня благосостояния и места проживания [3].

**Целевые показатели деятельности здравоохранения укладываются в классическую методологическую схему оценки качества в здравоохранении, предложенную А. Донабедианом в 1988 году. Согласно его схеме, принято выделять три основных составляющих качества медицинской помощи:**

- 1) качество структуры организации лечения;
- 2) качество процесса оказания медицинской помощи;
- 3) качество результатов.

А. Донабедиан [4] предположил, что между индикаторами качества медицинских услуг существует однонаправленная взаимосвязь: качество структуры обеспечивает качество процесса оказания услуг, которые в свою очередь способствует качеству результата лечения [5]. Расширение модели Донабедиана с учетом динамики взаимодействия между компонентами модели предложено Mitchell и др. [6]. По мнению критиков, модель не учитывает влияние внешних факторов. Carayon и др. при разработке дизайна модели управления безопасностью пациента предлагают дополнить категорию «структура» такими элементами как больничная среда, организационная культура, человеческий фактор и пр. Coyle и др. [7] предлагают включить в модель такие antecedенты медицинской помощи как социально-демографические характеристики пациента и факторы среды обитания.

**М.И. Ликстанов предлагает в своей работе следующий расчет [8]. Исходя из содержания экономического анализа деятельности лечебного учреждения, целесообразно выделить основные его задачи:**

1. Выявление потребности населения в медицинских услугах.
2. Изучение полноты удовлетворения потребностей населения в услугах учреждения и проверка соблюдения установленных нормативов.
3. Оценка эффективности использования ресурсов.
4. Выявление и измерение факторов отклонения фактических показателей хозяйственной деятельности учреждения от нормативных и определение резервов.
5. Контроль соблюдения принципов финансирования бюджетного учреждения. Решение данной задачи позволяет выявить полноту их использования в ходе хозяйственной деятельности коллективов подразделений, обеспечения сочетания общественных, коллективных и личных интересов специалистов как необходимого условия соблюдения требований экономических законов.
6. Подготовка аналитической информации для выбора оптимальных управленческих решений. Она состоит в сборе данных о работе медицинского учреждения, аналитической обработке и обобщении результатов анализа. В ходе анализа формируются предложения об устранении недостатков и улучшении работы учреждения.

**Для совершенствования деятельности по обеспечению качества медицинских услуг необходимо:**

- создать соответствующую законодательную и нормативно-правовую базу по регулированию механизмов обеспечения качества медицинских услуг;
- привести в соответствие с нормативно-правовой базой структуры и ресурсы (кадровые, финансовые, материальные и информационные);
- создать соответствующие технологические стандарты и стандарты на результаты и эффективнее контролировать выполнение медицинских технологий.

М.Ю. Сурмач в своей работе предлагает медико-социологическую методику оценки социальной эффективности здравоохранения в сфере охраны репродуктивного здоровья молодёжи, включающая: [9,10] оценку степени удовлетворённости потребителей медицинской помощью; оценку «качества» рождений; оценку взаимодействия потребителя и производителя медицинских услуг.

Для комплексного анализа качества медицинских услуг нами предлагается дополнить концептуальную схему, предложенную А. Донабедиа-ном, составление анкет исследования экспертов и пациентов. В данном случае у нас будет возможность сопоставить результаты ответов экспертов и пациентов и выявить проблемы, которых необходимо устранить для совершенствования деятельности медицинских учреждений.

**Основная часть.** В связи с этим приобретает все большой интерес проведенное исследование с 2021 года со стороны рабочей группы Института бюджетно-налоговых исследований на тему «Оценка качества услуг медицинских учреждений» среди сотрудников медицины с целью оценки медицинских услуг семейных поликлиник в Республике Узбекистан. Исследование по оценке качества услуг медицинских учреждений проводилось с согласием МинФина РУз и Минздрава РУз., рабочей группой инициаторов в сотрудничестве с экспертами (сотрудниками медицинских учреждений). Для экспериментальной оценки выбрана семейная поликлиника №1 Мирабадского района г. Ташкента.

Опросник состоит из паспортной, основной и заключительной части. Основной раздел опросника состоит из 3 компонентов: структура (с весом 0,3), процесс (с весом 0,5) и результат (с весом 0,2). Опрос проводился по пятибалльной шкале.

Компонент «Структура» включает такие показатели как: технические ресурсы; клинико-технологические ресурсы; человеческие ресурсы. Результаты ответов компонента «Структура» семейной поликлиники показали следующие показатели: Технические ресурсы респондентами оценены на уровне - 68,6%. Столь невысокий результат технических ресурсов в большей части связан с автоматизацией. Клинико-технологические ресурсы оценены на 85,6%, что является не плохим показателем. Человеческие ресурсы оценены относительно низко (74,3%). Это главным образом связано с недостаточной численностью квалифицированных и опытных специалистов.

В части анкеты под названием «Процесс» оценены такие показатели как: профессионализм; взаимодействие; реактивность; управление. По результатам опроса выявлено, неудовлетворительное состояние процесса управления в семейной поликлинике, причиной которого являются такие факторы, как сложность записи на приём врача и запоздалый приём пациента. В ходе опроса были приняты предложения экспертов по совершенствованию процесса управления.

Взаимодействие и реактивность находятся на хорошем уровне. В компоненте «Результат» 16% составляют оценки от 0 до 2. Сюда относятся следующие проблемные критерии: отсутствие возможности полной реабилитации в данных учреждениях; неполный охват вакцинацией девочек - подростков в возрасте 9-12 лет от вируса папилломы человека, в результате не достаточной информированности населения о преимуществе, необходимости вакцинации; недостаточное обеспечение онкологических больных лекарственными средствами.

Для решения вышеуказанных проблем были собраны индивидуальные предложения и комментарии от экспертов: 90% - «постройка новых типовых зданий поликлиник»; 80% - «обновить технические оборудования (особенно рентгенологию и лаборатории)»; «привлечение врачей узких специальностей включая инфекционистов и эндокринологов»; «организация стажировки врачей в зарубежных странах с развитой медициной на повышение квалификации каждые 5 лет»; «формирование регистратуры по махаллям; ведение журналов в процедурных кабинетах» соответствующим образом по 15% экспертов. Согласно ответам экспертов, в данной поликлинике есть проблемы в технических

ресурсах, а именно компьютеризированность на низком уровне.

Учитывая все недостатки поликлиники и комментарии экспертов рекомендуется уделить необходимый бюджет для постройки новых типовых зданий поликлиник и капитальной реконструкции существующих поликлиник. Необходимо приобрести современные высокотехнологичные медицинские оборудования. Также стоит регулярно повышать квалификацию врачей, привлечь к работе в поликлинике узконаправленных специалистов и, при возможности, отправлять их зарубеж, в основном в те страны, у которых развита медицина, на основе обменной повышении квалификации.

Таким образом, опрос среди экспертов и высказанные ими предложения являются немаловажным моментом развития и совершенствования медицинских услуг в семейной поликлинике и формирования типовой модели семейной поликлиники по всей стране. А также бюджетирование в системе здравоохранения на основе предложений группы экспертов и специалистов являются научно-обоснованными, эффективными, которое ориентировано на результат. Поэтому, целесообразно будет проводить бюджетирование здравоохранения с учётом предложений экспертов и специалистов, так как они тоже являются участниками процесса оказания медицинских услуг и близко ознакомлены с его проблемами.

Самым распространенным методом получения первичной информации является опрос общественности, который широко используется в различных областях медицины, а также в социологических, социально-психологических, экономических, демографических и других исследованиях для обоснования принимаемых решений. Особенность проведенного исследования – сочетание количественных и качественных методов сбора информации. Проведено анкетирование с населением, а информация от экспертов получена посредством полуструктурированного интервью.

Были опрошены 32 пациента - больные 1-семейной поликлиники Мирабадского района города Ташкента, из различных социально-демографических групп населения. Выборка случайная. Деятельность данной поликлиники балльной оценкой оценена экспертами-медиками. Опрос экспертов осуществлен в августе-сентябре 2021 г. Формирование выборочной совокупности проводилось

методом «снежного кома». Метод «снежного кома» (например, исследования элит) один из не вероятностных выборок [11, 12]. Опрошены 10 экспертов (руководители, высококвалифицированные сотрудники здравоохранения). Сравнение результатов исследования со статистическими данными, характеризующими состояние здоровья населения и деятельность медицинского учреждения, позволило выявить совпадающие и противоречивые тенденции.

Общая балльная оценка экспертов приравнена к 100%, и распределение выглядело следующим образом: самую меньшую оценку получил компонент «результат» - 4,3%, удельный вес компонента «структура» составлял 35,8% и высокий балл поставлен компоненту «процесс» - 59,9%.

Как видно из рисунка самый большой удельный вес неудовлетворенности больных-пациентов приходится к «структуре» - 65,5%, затем к «процессу»-25,1%, потом «результату» - 9,4%. Из возможных ста процентов удовлетворенности по «структуре» составляет – 34,5%, по «процессу»- 74,9% и по компоненту «результат» - 90,6%

Исходя из вышеизложенного нами комплексно оценена деятельность семейной поликлиники №1 Мирабадского района г. Ташкента объединив оценки экспертов и больных пациентов. Таким образом, обе методики дали одинаковый результат, требующий улучшения структуру семейной поликлиники.

Как видно из комплексной оценки для улучшения качества услуг исследуемой поликлиники необходимо уделять большее внимание на компонент «структура» (35,2%), за тем на «результат» (47,5%) и наконец на «процесс» (67,4%) (табл., рис.).

Балльная оценка экспертами, оценка удовлетворенности больных отличаются друг от друга. Если в балльной оценке экспертов низкий балл получил компонент “результат” – 4,3% , а в оценке больных на первом месте остро стоит необходимость улучшения компонента “структура” с низким баллом – 34,5%. Среднестатистическая величина этих оценок дана в комплексной оценке, и проведено необходимое сглаживание.

Таблица 1

Распределение компонентов комплексной оценки семейной поликлиники №1 Мирабадского района г.Ташкента (результаты опроса ИБНИ, 2021г.) %

Триада	ВЕСЫ-	Удельный вес оценок экспертов, %	Удельный вес оценок больных, %	Комплексная оценка, %
Структура	0,3	35,8	34,5	35,2
Процесс	0,5	59,9	74,9	67,4
Результат	0,2	4,3	90,6	47,5
<b>ИТОГО</b>		<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>




Рис.1. Распределение компонентов балльных оценок экспертов, больных и комплексной оценки деятельности семейной поликлиники №1 Мирабадского района г.Ташкента, (результаты опроса ИБНИ, 2021г.) %

Можно сделать вывод, что комплексная оценка деятельности семейной поликлиники показывает необходимость улучшения компонента “Результат”.

Далее стоит вопрос совершенствования компонента “Структура”, где нужно обновить технические оборудования, привлечь врачей узких специальностей, регулярно повышать квалификацию врачей (желательно в зарубежных странах, где наиболее развито направление по которому необходимо повысить квалификацию). В целом все три компонента тесно связаны и не могут дать соответствующий эффект при несоблюдении гармонии. Если структура и процесс будет нормальным, то результат тоже будет таким же.

**В соответствии с вышеизложенными сформулированы следующие выводы и рекомендации:**

1. Состояние здоровья населения является интегральным показателем социальной ориентированности государства, отражающим степень его ответственности перед своими гражданами. В связи с этим необходим постоянный мониторинг показателей, оценивающих эффективность, качество и доступность медицинских услуг, осуществляемый по разработанной нами следующей методологии:

- разработана методика оценки медицинского учреждения экспертами на базе модификации триады Донабедиана, адаптируя к местным условиям;
- разработана методика оценки медицинского учреждения больными - пациентами на базе модификации триады Донабедиана, адаптируя к местным условиям;
- разработана комплексная методика оценки ме-



дицинского учреждения экспертами и больными - пациентами на базе модификации триады Донабедиана, адаптируя к местным условиям

2. Обозначенные и проанализированные проблемы качества предоставления медицинских услуг со стороны пациента нужно решать в такой последовательности «структура–процесс–результат», а в понимании экспертов в последовательности «результат–структура–процесс». Важнейшим резервом повышения качества предоставления медицинских услуг является повышение качества принимаемых решений, которое достигается путем совершенствования процесса принятия решений.

3. Используя в качестве методов принятия решений метод соединения альтернатив, а именно интегральная оценка с учетом всех рекомендаций и учитывая вес каждой, можно сделать вывод, что наилучшим образом проблему качества предоставления медицинских услуг следует решать в последовательности «структура» (35,2%), затем «результат» (47,5%) и «процесс» (67,4%).

Для улучшения эффективности деятельности медицинских учреждений важен вопрос финансирования. В данном случае, в медицинском учреждении существует ряд проблем, которых необходимо решить непосредственно с помощью инвестиций. Первой необходимостью является оснащение заведения новыми медицинскими оборудованьями. Далее стоит вопрос новых типовых зданий, также привлечение узкоспециализированных врачей и регулярное повышение их квалификаций.

Для своевременного достижения данных целей необходимо поликлинике ориентироваться на результативность расходования бюджетных средств, основываясь на оценки достижения её количественных и качественных показателей исполнения.

**По результатам исследования наиболее существенным для повышения качества медицинских услуг рекомендуются:**

- для поликлиники:
- расширение медицинского учреждения, обеспечение глобальной сетью;
- построение специальных зданий для поликлиник или капитальная реконструкция существующих зданий;
- совершенствование и расширение дневных стационаров в поликлинике;
- создание всех условий для полной реабилита-

ции, своевременное обеспечение вакцинами и лекарственными средствами и др.;

- обучение населения о необходимости вакцинации;

**для составления стратегических планов:**

- актуализация коммуникации между медицинскими учреждениями, сотрудничество с медицинскими университетами, техникумами; организация обучения сотрудников поликлиник, также осуществить повышение квалификации врачей, именно в хорошо оснащенных поликлиниках и объявить эталоном эту поликлинику для всех поликлиник республики.

Реализация предложенных рекомендаций зависит от личностных и профессиональных компетенций руководителя и команды поликлиники, так как на уровне государственных поликлиник возможно оказание платных услуг.

### **Источники и литература**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли фармони.* Lex.uz
2. *Указ Президента Республики Узбекистан «О последовательном продолжении осуществляемых в системе здравоохранения реформ и создании необходимых условий для повышения потенциала медицинских работников»/ принят от 5 мая 2021 года за № УП-6221 <https://lex.uz/ru/docs/5411138>*
3. *Вестник науки Сибири. 2017. № 4 (27) <http://sjs.tpu.ru> Гуманитарные науки [16.04.2022]*
4. *Разработка и анализ имитационной модели комплексной оценки качества скорой медицинской помощи <https://www.anylogic.ru/upload/iblock/ae8/ae814f9b9a1f241a6711dd7201c1efd7.pdf> [16.01.2022]*
5. *Carayon P., Schoofs Hundt A., Karsh B.-T., Gurses A.P., Alvarado C.J., Smith M. & Flatley Brennan P. (2006). Work system design for patient safety: the SEIPS model. Quality and Safety in Health Care, [www.ccsenet.org/gjhs](http://www.ccsenet.org/gjhs) Global Journal of Health Science Vol. 6, No. 4; 2014 19 15(suppl 1), i50-8. [19.12.2021]*
6. *National Highway Traffic Safety Administration. Configurations of EMS Systems: a Pilot Study. Ann Emerg Med 52:453, 2008. [22.03.2022]*
7. *Coyle Y.M. & Battles J.B. (1999). Using antecedents of medical care to develop valid quality of care measures. International journal for quality*

*in health care: journal of the International Society for Quality in Health Care/ISQua*, 11(1), 5-12. [01.04.2022]

8. Сравнительный анализ методик оценки эффективности системы здравоохранения [https://interactive-plus.ru/ru/article/16707/discussion\\_platform](https://interactive-plus.ru/ru/article/16707/discussion_platform) [18.01.2022]

9. [https://interactive-plus.ru/ru/article/16707/discussion\\_platform](https://interactive-plus.ru/ru/article/16707/discussion_platform)

10. <https://www.anylogic.ru/upload/iblock/ae8/ae814f9b9a1f241a6711dd7201c1efd7.pdf> [06.03.2022]

11. 25/02.Лекция7. <https://www.hse.ru/data/2012/02/28/1265798144/%D0%9B%D0%B5%D0%BA%D1%86%D0%B8%D1%8F7%200%A8%D0%BA%D0%B0%D0%BB%D1%8B,%20%D0%B2%D1%8B%D0%B1%D0%BE%D1%80%D0%BA%D0%B0.pdf>[18.01.2022]

12. Donabedian's structure-process-outcome quality of care model: Validation in an integrated trauma system. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26151519/>

### Оценка качества услуг медицинских учреждений

**Шахло Махкамова,**

кандидат экономических наук,  
начальник отдела Института Бюджетно-налоговых исследований при Министерстве Финансов Республики Узбекистан

**Аннотация:** адаптирована к местным условиям классическая Донабедианская триада оценок медицинских учреждений, основанная на баллах по усовершенствованной экспертной анкете и комплексной оценке деятельности медицинского учреждения в результате опроса пациентов-клиентов, посещающих выбранную семейную клинику. В целях повышения эффективности работы медицинского учреждения в ходе работы была изучена его структура, а также выявлено и определено, какие показатели необходимо учитывать. Разработаны необходимые рекомендации для семейной поликлиники и местных медицинских учреждений.

**Ключевые слова:** анализ, метод, эффективность, медицина, специалисты, финансирование, рекомендация, лечебное учреждение.

### Тиббиёт муассасалари хизматлари сифатини баҳолаш

**Шахло Махкамова,**

иқтисодиёт фанлари номзоди,  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти бўлим бошлиги

**Аннотация:** тиббиёт муассасаларини баҳолашнинг “классик Донабедиан триадаси” маҳаллий шароитга мослаштирилиб, такомиллаштирилиб тузилган экспертлар анкетасидаги баллар асосида ва танлаб олинган оилавий поликлиникага қатновчи бемор - мижозлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижасида тиббиёт муассасаси фаолиятига комплекс баҳо берилган. Тиббиёт муассасасининг натижавий кўрсаткичларини яхшилаш учун унинг тузилмаси иш жараёнида ўрганилиб, алоҳида эътиборга лойиқ кўрсаткичларни аниқлаш асосида оилавий поликлиникалар ва маҳаллий тиббиёт муассасалари учун зарур таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** таҳлил, усул, самарадорлик, тиббиёт, мутахассислар, молиялаштириш, тавсия, даволаш муассасаси.

### Assessment of the quality of services of medical institutions

**Shahlo Makhkamova,**

PhD in Economics, Head of Department,  
Institute for Fiscal Study under the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan

**Abstract:** the classic Donabedian triad of assessments of medical institutions was adapted to local conditions, based on scores on an improved expert questionnaire and a comprehensive assessment of the activities of a medical institution as a result of a survey of client patients attending a selected family clinic. In order to improve the efficiency of the medical institution in the course of the work, its structure was studied, and it was also identified and determined what indicators should be taken into account. The necessary recommendations for the family polyclinic and local medical institutions have been developed.

**Keywords:** analysis, method, efficiency, medicine, specialists, financing, recommendation, medical institution.

Инвестиция, рақамли ва инновацион технологиялар / Инвестиции, цифровые и инновационные технологии / Investment, Digital and Innovative Technologies

УЎК: 334.722.8

**Махмуд СУЛТАНОВ,**  
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*  
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти,*  
**E-mail: makhmud.sultanov@bk.ru,**  
**Орынбай НАЗАРБАЕВ**  
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*  
*Қорақалпоқ давлат университети профессори*

## Инвестиция фондларида дивиденд сиёсати ва солиққа тортиш масалалари

**Кириш.** Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда асосий урғу иқтисодиётнинг молия секторини ривожлантиришга қаратилиб, иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш учун давлат улушини камайтириш назарда тутилган. Давлат улуши эса асосан фонд бозори орқали амалга оширилишини инобатга олсак, мамлакатимизда ушбу бозорнинг фаоллашуви долзарб муаммолар каторидан ўрин олган. Фонд бозорининг ривожланишида асосий вазифалардан бири сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармонида «мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш ва Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш» ва фонд бозорига таълуқли бошқа тадбирларни амалга ошириш орқали «иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш» [1] муҳим аҳамият касб этади.

Инвестор (асосан аҳоли) томонидан инвестиция фондларини танлашда дивидендлар миқдори ва давлат томонидан юритилаётган солиқ сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли, давлат томонидан

инвестиция фондлари фаолиятининг самарали ишлаши учун инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида қатор қулай солиқ имтиёзлари ва преференциялар (иқтисодий платформаси) таклиф қилиниб, маблағлар жалб қилинишига рағбатлантирувчи замин яратиш зарур. Республикаимизда бундай имтиёзлар, фақат тўғридан - тўғри ҳорижий инвестиция олиб кираётган инвесторларга нисбатан қўлланади. Бир қатор давлатларда эса инвестиция фондларига ҳам солиқ имтиёзларидан фойдаланишга рухсат берилган. Шундай экан, кўплаб давлатлар катори Ўзбекистон фонд бозорида институционал инвесторлар сифатида фаолият юритаётган инвестиция фондларини солиққа тортиш масалалари ва дивиденд ажратиш сиёсати бўйича тадқиқотлар олиб бориш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (шарҳи).** Инвестиция фондларида дивиденд сиёсати ва солиққа тортиш масалалари хусусида жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга иқтисодчи олимлардан У.Шарп пул ва акция кўринишидаги дивидендлар, ҳамда АҚШ компанияларида инвестициялаш объектларига қўлланадиган солиқлар юзасидан олиб борган тадқиқотлари натижасида бир ва кўп омилли моделлар қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан [5]. П.Штольте эса, Германия қимматли қоғозлар бозорининг ташкилий моделларига хос инвестор томонидан капитал қўйилмаларининг хавфсизлиги, унинг ўсиши ва дивиденд шаклида даромад олиш орқали капитални жойлаштириш билан боғлиқ “сеҳрли учбурчак”[6] тушунчасини яратган.

Россиялик олимлардан А. Абрамов, хусусий-лаштиришнинг илк даврида тузилган чекли инвестиция фондларида портфелни диверсификациялаш ва дивиденд сиёсатига оид [7] илмий тадқиқотлар олиб борган. А.Д. Радигин Россия қимматли қоғозлар бозори ривожланишининг кейинги босқичларида фаолият юритаётган пай (улуш)ли инвестиция фондларида портфелли инвестициялаш ва инвестиция фондларида солиқ сиёсатини қўллаш [8] масалалари юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиққан.

Ўзбекистонда ҳам инвестиция фондларида дивиденд сиёсати ва солиқ бўйича имтиёзларни қўллаш масалалари юзасидан тадқиқотлар олиб берилмоқда. Жумладан, Д.Р. Курбанов Ўзбекистон амалиётида дивидендларга солиқ солиш тизими меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларига мувофиқ равишда турлича эканлиги ва уларнинг тушунчалари аниқ белгиланмаганлиги сабабли солиқ солиш объектлари ва базасини аниқлашда тушунмовчиликлар келиб чиқиши оқибатида айрим ҳолларда икки ёқлама солиққа тортилиш муаммоларига эътибор қаратган [11]. С.З.Аброров исломий қимматли қоғоз ҳисобланадиган сукукни қўллаш, шу орқали шерикчиликка, яъни фойда-зарарни бўлишга асосланган ёки бошқача айтганда маънавий асосга эга бўлган ислом молия механизмларини жорий этиш [9] бўйича тавсиялар берган.

**Асосий қисм.** Таҳлил ва натижалар. Фонд бозорида қимматли қоғозларнинг котировка қилиниши

**«Акциядорлик жамияти ва  
акциядорларнинг ҳуқуқларини  
химоя қилиш тўғрисидаги»**

**Қонуннинг 55 - моддасида  
«акцияларнинг ҳар бир тури  
бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар  
бир чораги, ярим йиллиги,  
йил якуни бўйича) тўлаш,  
дивиденднинг миқдори ҳамда уни  
тўлаш шакли тўғрисидаги қарор  
жамият кузатув кенгашининг  
тавсияси асосида акциядорлар умумий  
йиғилиши томонидан  
қабул қилинади»**

натижасида ҳар бир акциядорга тўғри келадиган мулк қиймати тўғрисида маълумот бериб борилди. Бунда акциядор ўз акциясига мос дивиденд ёки унинг қиймати кўтарилганда сотиш орқали курслар ўртасидаги фарқи сифатида даромад олиши мумкин. Шунинг учун ҳам, акциядорларнинг умумий йиғилиши йил якунига кўра олинган соф фойдасининг бир қисмини инвестициялаш объектларига жойлаштириши орқали инвестиция портфели ҳажмини кўпайтиришади, натижада соф активлар қиймати ошишига эришилади. Республикамизда эса бундай амалиёт мукамал ишламаётганлиги туфайли акциядорлар фақат дивидендлар билан чекланиб қолмоқдалар.

**Дивиденд сиёсати.** Республикамизда мавжуд акциядорлик жамиятлари томонидан муомалага чиқарилган акцияларга талаб даражасида дивиденд берилмаётгани ёки умуман ажратилмаётгани, уларнинг акциядорларидан ҳисобланадиган инвестиция фондлари учун ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. «Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги» Қонуннинг 55-моддасида «акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йил якуни бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади» [2] - дейилиб, акциядорларнинг дивиденд олиш ёки олмаслиги жамият кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорига боғлаб қўйилган. Халқаро тажрибада эса, тўланаётган дивидендлар миқдори, одатда, банклардаги омонатларнинг ўртача фоизидан кам бўлмайди. Ўзбекистонда эса, аксарият акциядорлик жамиятлари томонидан тўланадиган дивидендлар фоизи қайта молиялаштириш ставкасида пастлиги республикамиздаги инвестиция фондларининг рақобатбардош эмаслигини ва уларда эркин бозор механизмнинг ишламаётганлигини кўрсатади. Ўз навбатида, инвестиция фондлари ҳам акциядорлик жамияти сифатида фаолият юритаётганини ҳисобга олсак, бу ерда ҳам дивиденд тўлаш тақсимотининг мукамал эмаслигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга инвестиция фондлари одадий акциядорлик жамиятидан фарқли равишда, соф фойдасининг аксарият қисмини дивиденд тўловига ёки соф активларни кўпайтириш учун реинвестиция қилиши имкониятига эга (1-жадвал).



1-жадвал

Ўзбекистон инвестиция фондлари томонидан 2017-2021 йиллар давомида ҳар бир оддий акция эгасига тўланган дивидендлар миқдори

т/р	Инвестиция фондлари	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
		сўмда	%да	сўмда	%да	сўмда	%а	сўмда	%да	сўмда	%да
1	“Daromad Plus” АЖ ИФ	50	10%	50	10%	100	20%	100	20%	0	0%
2	“Камалак” АЖ ИФ	-	-	400	15%	500	19%	500	19%	0	0%
3	“Baraka” АЖ ИФ	3	3%	8,4211	8%	15	15%	17,02	17%	0	0%
4	“SEMURG” АЖ ИФ	-	-	-	-	-	-	-	-	100	100%

Манба: <http://www.openinfo.uz/ru/>

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики «Daromad Plus» ИФ АЖ томонидан 2017-2020 йиллар давомида тўланган дивидендлар куйидаги тартибда амалга оширилган: 2017 йил якуни бўйича «Daromad Plus» ИФ АЖнинг 574 089 900 сўмлик соф фойдасининг 11 фоизи, яъни 63 190 400 сўми дивиденд учун тўланган бўлиб, ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 10 фоизи ёки 50 сўмдан дивиденд тўланган. Соф фойданинг қолган 89 фоизи, яъни 510 899 500 сўми тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган. 2018 йилда «Daromad Plus» ИФ АЖнинг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 8 баробарга пасайган ва 71 677 300 сўми ташкил қилган. Бу ўз навбатида соф фойданинг тақсимланиш жараёнига ҳам таъсир қилиб, акциядорларга ажратиладиган дивиденднинг ўтган йилги миқдорларини сақлаб қолиш учун, жорий йилда соф фойданинг 88,15 фоизи ёки 63 190 400 сўми дивиденд учун тўланиб, қолган 11,85 фоизи ёки 8 486 900 сўми тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган. Яъни ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 10 фоизи ёки 50 сўмдан дивиденд тўланган. 2019 йилда акциядорларнинг умумий йиғилиши, фонд акциядорларига ажратиладиган дивиденд миқдорини кўпайтиришга қарор қилиб, олинган 402 915 540 сўмлик соф фойданинг 31,37 фоизи ёки 126 380 800 сўмини дивиденд тўлаш учун ажратган. Натижада, «Даромад плюс» ИФ АЖ ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 20 фоизи ёки 100 сўмдан дивиденд тўланган. Соф фойданинг қолган қисми, яъни 68,63 фоизи ёки 276 534 740 сўми тақсимланмаган

фойда ҳисобига ўтказилган. 2020 йилда соф фойданинг ўтган йилга нисбатан 2 баробардан кўпроққа ошиши, унинг дивидендга ажратиладиган улушини камайтирган ҳолда, фонд ҳар бир акцияга тўғри келадиган дивиденд суммасини 2019 йил даражасида сақлаб қолган. Бунда, «Daromad Plus» ИФ АЖнинг соф фойдаси 888 295 147 сўм бўлгани ҳолда, унинг 14,23 фоизи ёки 126 380 800 сўми дивиденд тўлашга, яъни ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 20 фоизи ёки 100 сўмдан дивиденд тўланган. Соф фойданинг қолган 85,77 фоизи ёки 761 914 347 сўми тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилиб, фонд фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун сарфланган.

«Камалак» ИФ АЖ томонидан 2017-2020 йиллар давомида тўланган дивидендларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йил якуни бўйича ушбу фонд 57 225 124 сўмлик соф фойдасининг 95 фоизи, яъни 54 363 867 сўми айланма маблағларни тўлдиришга ажратилган бўлса, қолган 5 фоизи ёки 2 861 256 сўми резерв фондини шакллантиришга йўналтирилган. Ушбу йилда дивиденд фондига маблағ ажратилмаган, ўз навбатида оддий акция эгаларига дивиденд тўланмаган. 2018 йилда «Камалак» ИФ АЖнинг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан камайиб, 48 484 516 сўми ташкил қилган. Шундан 46 060 290 сўми ёки соф фойданинг 95 фоизи дивиденд фондига шунингдек, дивидендга қўшимча ўтган йиллар тақсимланмаган фойда ҳисобидан яна 45 548 109 сўм ажаратилган. Натижада ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 14,8 фоизи ёки 400 сўмдан дивиденд тўланган. Соф фойданинг 5

фоизи ёки 2 424 225 сўми резерв фонди ҳисобига ўтказилган. 2019 йилда акциядорларнинг умумий йиғилиши, фонд акциядорларига ажратиладиган дивиденд миқдорини кўпайтиришга қарор қилиб, олинган 195 881 882 сўмлик соф фойданинг 58,46 фоизи ёки 114 510 500 сўмини дивиденд тўлаш учун ажратган. Шу билан бирга, дивиденд фондига кўшимча ўтган йиллар тақсимланмаган фойда ҳисобидан 45 548 109 сўм ажратиб, «Камалак» ИФ АЖ ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 18,5 фоизи ёки 500 сўмдан дивиденд тўланган. Соф фойданинг қолган қисми, яъни 5 фоизи ёки 9 794 094 сўми резерв фондига, ҳамда 36,54 фоизи ёки 71 577 228 сўми фонднинг айланма маблағларини тўлдиришга ажратилган. 2020 йилда соф фойданинг миқдори ўтган йилга нисбатан 2 баробарга қисқарган бўлсада, унинг асосий қисмини дивидендга ажратиб, ҳар бир эгаси ёзилган акцияга тўғри келадиган дивиденд суммасини 2019 йил даражасида сақлаб қолинган. Яъни, «Камалак» ИФ АЖнинг соф фойдаси 77 930 727 сўмни ташкил қилган бўлса, унинг 95,0 фоизи ёки 74 034 190 сўми дивиденд тўлашга, ҳамда дивиденд фондига кўшимча ўтган йиллар тақсимланмаган фойда ҳисобидан 40 476 310 сўм ажратиб, фонд ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 18,5 фоизи ёки 500 сўмдан дивиденд тўланган. Соф фойданинг қолган 5 фоизи ёки 3 896 536 сўми резерв фонди ҳисобига ўтказилган.

2017-2020 йиллар давомида «Baraka» ИФ АЖ томонидан тўланган дивидендларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда «Baraka» ИФ АЖнинг 27 121 350 сўмлик соф фойдасининг 74,22 фоизи, яъни 20 129 808 сўми дивиденд фондига ажратилиб, ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 3 фоизи ёки 3 сўмдан дивиденд тўланган. Соф фойданинг қолган 25,78 фоизи ёки 6 991 568 сўми резерв фондиди шакллантиришга йўналтирилган. 2018 йилда «Baraka» ИФ АЖнинг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 4 баробаргача кўпайиб, 109 861 650 сўмни ташкил қилган. Шундан 56 504 724 сўми ёки соф фойданинг 50,48 фоизи дивиденд фондига ажратилган. Натижада ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 8,4211 фоизи ёки 8,4211 сўмдан дивиденд тўланган. Соф фойданинг қолган 49,58 фоизи ёки 53 356 931 сўми резерв фонди ҳисобига ўтказилган. 2019 йилда соф фойда ўтган йилга нисбатан 2,65 баробарга ортиб, 290 061 390 сўмни ташкил этди. Унинг 37,4

фоизи ёки 100 649 040 сўмини дивиденд фондига ажратилиб, «Baraka» ИФ АЖ ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 15,0 фоизи ёки 15 сўмдан дивиденд тўлаган. Соф фойданинг қолган қисми, яъни 5 фоизи ёки 14 503 069 сўми резерв фондига, ҳамда 60,3 фоизи ёки 174 909 280 сўми фонднинг капитализациясига ажратилган. 2020 йилда соф фойда ўтган йилга нисбатан 1/3 га қисқарган бўлсада, акциядорларнинг умумий йиғилиши, фонд акциядорларига ажратиладиган дивиденд миқдорини кўпайтиришга қарор қилиб, унинг асосий қисмини дивидендга ажратган ва ҳар бир эгаси ёзилган акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдорини 2019 йилга қараганда оширишга эришган. Яъни, «Baraka» ИФ АЖнинг соф фойдаси 190 291 000 сўмни ташкил қилган бўлса, унинг 60,0 фоизи ёки 114 174 600 сўми дивиденд тўлашга ажратиб, «Baraka» ИФ АЖ томонидан ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 17,02 фоизи ёки 17,02 сўмдан дивиденд тўланган. Соф фойданинг қолган 3,9 фоизи ёки 7 528 329 сўми резерв фонди ҳисобига, ҳамда 36,1 фоизи ёки 68 588 071 сўми капитализацияга ўтказилган.

«SEMURG» ИФ АЖ томонидан 2017-2020 йиллар давомида олиб борган дивиденд сиёсати олдинги инвестиция фондларидан тубдан фарқ қилади. Ушбу давр мобайнида «SEMURG» ИФ АЖ томонидан тўланган дивидендларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда «SEMURG» ИФ АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига кўра 50 254 423 сўмлик соф фойданинг 100 фоизи, фондни ривожлантиришга йўналтирилган. 2018–2020 йилларда ҳам шундай дивиденд сиёсатининг олиб борилиши натижасида, «SEMURG» ИФ АЖ 2018 йилдаги 62 078 965 соф фойдасининг 100 фоизини, 2019 йилда 31 718 505 сўмлик соф фойданинг 100 фоизини ва 2020 йилдаги 36 900 512 соф фойдасининг ҳаммаси фондни ривожлантиришга йўналтирилган. «SEMURG» ИФ АЖнинг бошқа фондлардан фарқли жиҳати шундаки, 2021 йил учун олинган 5 722 460 сўм соф фойдасини тўлалигича дивиденд тўлашга ажратиб, фонд томонидан ҳар бир эгаси ёзилган оддий акцияга номинал қийматнинг 100 фоизи ёки 100 сўмдан дивиденд тўланган. Бундан кўришиб турибдики, ҳар бир ИФ АЖ ўз дивиденд сиёсатини мустақил юритиш, олинган соф фойдани мос равишда дивиденд фондига, резерв фонди, фондни ривожлантириш ёки капитализацияга ажратиши мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, SEMURG» ИФ АЖдан ташқари барча инвестиция фондларида 2022 йилда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаганлиги сабабли, 2021 йил учун дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган. Шунингдек, акциядорлик кўринишидаги инвестиция фондлари (SEMURG» ИФ АЖдан ташқари) 2020 йилга келиб акциядорларига тўланадиган дивидендларини 17-20 фоиз оралиғида тўлашга эришган.

Дунё тажрибасида оддий акциядорлик жамиятларидан фарқли равишда, инвестиция фондларида соф фойдасидан дивиденд фондига ажратишнинг ягона услубияти ишлаб чиқилмаган. Инвестиция фонди соф фойдасидан дивидендга қанча фоиз ажратиши ёки уларни янги объектларга йўналтириш тўғрисидаги қарорларни акциядорларнинг умумий йиғилиши қабул қилади. Хорижий тажрибада бундай қарор қабул қилишга зарурат йўқ. Чунки фонд сиёсатидан келиб чиқиб, соф фойданинг бир қисмини дивиденд тўлашга ажратиши ёки тўлалигича реинвестиция қилиши мумкин.

**Солиққа тортиш масалалари:** Жаҳон тажрибасида инвестициялашнинг кепра варианты деганда, минимал солиқ ставкасини қўллаш ёки солиқларсиз ҳудуд (оффшор зоналар) тушуниб, икки ёқлама солиққа тортишни бартараф этиш (қўплаб мамлакатлар ҳукумати солиққа тортиш бўйича ўз меъёрий ҳужжатларини жаҳон стандартларига мослаштиришга улгурмаганлиги сабабли) мақсадида - мамлакатлар ўртасидаги тузиладиган битимлардир. Шунингдек, ушбу давлат инвестиция фондига келиб тушадиган маблағлар одатда солиққа тортиш объектига киритилмайди, ёки унинг ставкаси Европа Иттифоқи (ЕИ) ташкилоти кўрсатмаларига ва икки ёқлама солиққа тортишни бартараф қилиш ҳақидаги битим шартларига мувофиқ минимал ставкада белгиланади.

Шу билан бирга, 1940 йилдаги АҚШнинг “инвестиция компаниялари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, инвестиция фондларининг фойдаси 100% ўз акциядорлари ўртасида тақсимланганда, солиққа тортишдан тўлиқ озод этилган. Аслини олганда, америкаликлар инвестиция фондларини солиқлардан тўлиқ озод қилмайди. Гап шундаки, юқоридаги қонуннинг «М эслатма»сига мос келадиган инвестиция фондларигина дивидендларни икки марта солиққа тортишдан озод қилинади. Фондлар фойдаси акциядорлар ўртасида тақсимлангандан кейингина дивидендга айланади ва солиқлардан озод қилина-

ди. Аксинча, акциядорлар ўртасида тақсимланмаган фойданинг ҳар қандай қисми дивиденд ҳисобланмайди, шу сабабли у солиқлардан озод этилмайди.

Ўзбекистон амалиётида дивидендларга солиқ солиш тизими меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларига мувофиқ равишда турлича эканлиги ва уларнинг тушунчалари аниқ белгиланмаганлиги сабабли, солиқ солиш объектлари ва базасини аниқлашда тушунмовчиликлар келиб чиқиши оқибатида, айрим ҳолларда икки ёқлама солиққа тортилишига сабаб бўлган. Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг янги таҳририда дивидендларга оид алоҳида модда киритилиши муносабати билан солиқ солишда амалиётда юзага келатган бу каби тушунмовчиликларга барҳам беришга эришилди [10].

Ўзбекистон банкларида аҳоли томонидан кўйилган омонатлардан олинмаган даромадлар солиққа тортилмайди. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, аксарият оддий акциядорлик жамиятлари, жумладан акциядорлик жамияти кўринишидаги инвестиция фондларининг дивидентлари, банк омонатларининг йиллик фоизидан юқори эмас. Республикада қимматли қоғозлар бозори ривожланишининг илк босқичида эканлиги ҳамда бозор қонуниятларининг талаб даражасида шаклланмаганлигини ҳисобга олиб, аҳоли учун акцияларнинг жозибдорлигини ошириш мақсадида, фонд бозори фаоллашиб, акцияларнинг дивиденд фоизи банк омонатлари фоизидан маълум даражада ошиб, рақобат муҳити шаклланмагунча, Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун дивидендлар тарзидаги даромадларига 5% миқдорда солиқ[3]ни вақтинча бекор қилиш зарурлиги долзарб муаммолар қаторида ўрин эгаллаган эди. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 2020 йилдаги янги таҳрири нормаларининг мониторинги ва таҳлили натижаларининг муаллиф томонидан ўрганилиши шуни тасдиқладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилинган аналитик ишланма тавсиялари натижалари бўйича, ушбу солиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 январь 2022 йилдаги “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–90–сонли Қарорига мувофиқ [4], “2022 йил 1 апрелдан 2024 йил 31 декабргача Ўзбекистон резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг акциялардан олган дивидендлари да-

ромад солиғидан озод қилинганлиги” тадбирининг жорий этилганлиги муҳим ижобий ҳолат деб баҳолансада, бизнинг фикримизча, “қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид қўйилган мақсадга эришишни ушбу имтиёз орқали мамлакатимизда 2024 йил 31 декабргача муддат ичида тўлиқ ҳал этиш” ўта мушкул масала ҳисобланганлиги боис “мазкур солиқ имтиёзи акциялардан дивидендларнинг рақобатбардош, муқобил, барқарор ва аҳоли учун мақбул даромад топиш манбаига айланишидек дастурли вазифа ижроси таъминланишига эришиш муддатигача тайинланиши лозим”.

**Хулоса ва таклифлар.** Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ҳолати шундан далолат берадики, инвестиция фондлари акциядорлари киритилган маблағдан узоқ муддатда фонд капитализацияси ҳисобига акциясининг бозор ўсишини кутмасдан, инфляция ва бошқа молиявий рискларни ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатда дивиденд олишдан манфаатдор бўлмоқдалар. Ўз навбатида, инвестиция фонди ҳам акциядорлик жамиятлари томонидан ўз акцияларига талаб даражасида дивиденд бермаётгани ёки умуман ажратмаётгани сабабли, мазкур фондлар ҳам ўз акциядорларига нафақат тўлақонли дивидендлар ажратиши, балки фаолияти натижаси сифатида соф фойда олиш имконияти чекланмоқда. Дунё тажрибасида оддий акциядорлик жамиятларидан фарқли равишда, инвестиция фондларида соф фойдасидан дивиденд фондига ажратишнинг ягона услубияти ишлаб чиқилмаган. Инвестиция фонди соф фойдасидан дивидендга қанча фоиз ажратиши ёки уларни янги объектларга йўналтириш тўғрисидаги қарорларни акциядорларнинг умумий йиғилиши қабул қилади. Шу билан бирга, инвестиция фондларининг дивиденд сиёсати ишончли бошқарувчилари томонидан олиб борилаётган стратегик ҳаракатларга ҳам боғлиқ.

**Ўзбекистонда инвестиция фондлари дивиденд сиёсатини такомиллаштириш ва солиққа тортиш масалаларини оптималлаштиришда қуйидаги таклифлар ўринли деб ҳисоблаймиз:**

1. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда акциядорларга мунтазам дивиденд ажратиши ёки акцияларининг ликвидлигини таъминлаш мақсадида, инвестиция фондлари фонд бозори савдоларида қатнашиши лозим. Бу ўз навбатида инвестиция фондлари соф активлар қийматининг кўпайишига таъсир кўрсатиб, унинг жозибadorлигининг ошишига хизмат қилади.

2. Ҳорижий давлатларда инвесторлар бўш пул маблағларини инвестиция фондларининг акцияларини сотиб олишга йўналтиришдан мақсад, банк омонатларига қўйишдан кўра юқори даромад олиш имкониятининг мавжудлигидадир. Шу сабабли, одатий акциядорлик жамиятлари томонидан ажратилаётган дивидендлар миқдори молия бозорида рақобат даражасига етмагунча ёхуд акциялардан дивидендларнинг рақобатбардош, муқобил, барқарор ва аҳоли учун мақбул даромад топиш манбаига айланишидек дастурли вазифа ижроси таъминланишига эришиш муддатига қадар Ўзбекистон резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг акциялардан оладиган дивидендларини даромад солиғидан озод қилиш керак.

3. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори ривожланиб, одатий акциядорлик жамиятлари акциядорларига ажратиладиган дивидендлари миқдори банк омонатлари фоиз ставкасидан юқори бўлиб, рақобат муҳити шаклланмагунча, инвестиция фондлари соф фойдасидан капитализация учун ажратадиган қисмини солиқдан озод қилиш керак.

4. Фондлар ўз акциядорларига, «SEMURG» ИФ АЖ каби, маълум муддат дивиденд талаб қилмай, соф фойдасини капитализацияга жалб қилиш орқали фонднинг соф активлар қийматини ошириш имконияти мавжудлиги, бунда акцияларининг бозор қийматини ошириш, ҳамда жорий дивидендга қараганда юқори самарага эришиш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар бериб бориши керак.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон фармони 1-иловаси.*

2. *Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 24 апрелдаги №223-сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни. Янги таҳрири. 2014 йил 6 май ЎРҚ-370-сон Қонуни билан тасдиқланган.*

3. *Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 381-382 моддалар. <https://lex.uz/>. 2019 йил 30 декабрь.*

4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-90-сон қарори.*



5. Шарп У., Александре Г., Бэйли Дж. *Инвестиции: Пер. с англ.*—М.: ИНФРА-М, 1999. - XII, 1025 с.

6. Штольте П. *Инвестиционные фонды: Пер. с нем.*—М.: Финстатинформ: интерэксперт, 1996. -168 с.

7. *Экономика инвестиционных фондов: Монография* А. Е. Абрамов, К. С. Акиенцева, М. И. Чернова, Д. А. Логинова, Д. В. Новиков, А. Д. Радыгин, Ю. В. Сивай; под общ. ред. А. Д. Радыгина.—М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС, 2015.

8. Под ред. А. Д. Радыгина. *Институциональные инвесторы в мире. Особенности деятельности и политика развития. В 2 кн. Кн/1.. М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС, 2014.*

9. Аброров Сирожиддин Зухриддин ўгли. *Ислом молияси: Ўзбекистон учун янги имкониятлар. Иқтисодиёт ва таълим. 2021 йил, 4-сон. 146-159 бб.*

10. Курбанов Д.Р. *Инвестиция фондлари фаолиятида солиқ имтиёзларини қўллаш имкониятлари. Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришида инвестиция фондларининг жозибадорлигини ошириши Республика илмий-амалий конференция мақола ва тезислар тўплами. ТДИУ. 2020 йил 29 апрель. 245-246 бб.*

#### **Инвестиция фондларида дивиденд сиёсати ва солиққа тортиш масалалари**

**Махмуд Султанов,**

*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти,*

**Орынбай Назарбаев,**

*иқтисодиёт фанлари номзоди,*

*Қорақалпоқ давлат университети профессори*

**Аннотация:** мақолада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидан ўрин олган фонд бозори айланмасини кўпайтириши мақсадида мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириши масалалари, ҳамда инвестиция фондларида дивиденд сиёсати ва солиққа тортиши масалаларини ўрганиши давр талаби эканлигини асослашга ҳаракат қилинган. Шунингдек, мақолада инвестиция фондларида дивиденд тўлаш тартиби таҳлил қилиниб, солиққа тортишидаги ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** тараққиёт стратегияси, ишончли бошқарувчи, фонд бозори, оддий акция, акциядорлик жамияти, соф фойда, тақсимланмаган фойда, инвестиция фондлари, солиққа тортиши, резерв фонди, дивиденд тўлови, банк омонатлари, диверсификация, инвестиция портфели, соф активлар қиймати.

#### **Дивидендная политика и вопросы налогообложения в инвестиционных фондах**

**Махмуд Султанов,**

*PhD (по экономическим наукам),  
доцент Ташкентского государственного  
экономического университета,*

**Орынбай Назарбаев,**

*кандидат экономических наук,  
профессор Каракалпакский государственный  
университет*

**Аннотация:** в статье обосновано исследование увеличения оборота фондового рынка путём осуществления поэтапной либерализации движения капитала, предусмотренного в стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы, раскрытие необходимости изучения дивидендной политики и вопросы налогообложения в инвестиционных фондах. В статье также акцентируется внимание на анализ порядка оплаты дивидендов и изменения налогообложения в инвестиционных фондах.

**Ключевые слова:** стратегия развития, доверительный управляющий, фондовый рынок, простая акция, акционерное общество, чистая прибыль, нераспределенная прибыль, инвестиционные фонды, налогообложение, резервный фонд, дивиденд, банковские вклады, диверсификация, инвестиционный портфель, стоимость чистых активов.

#### **Dividend policy and taxation issues in investment funds**

**Mahmud Sultanov,**

*PhD (in Economics),*

*Associate Professor of the Tashkent State  
University of Economics,*

**Orinbay Nazarbayev,**

*PhD (in Economics),*

*Professor of the Karakalpak State University*

**Abstract:** the article substantiates the study of increasing the turnover of the stock market through the implementation of a phased liberalization of the movement of capital, provided for in the development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026, disclosure of the need to study dividend policy and taxation issues in investment funds. The article also focuses on the analysis of dividend payment procedures and taxation changes in investment funds.

**Keywords:** development strategy, trust manager, stock market, common share, joint-stock company, net profit, retained earnings, investment funds, taxation, reserve fund, dividend, bank deposits, diversification, investment portfolio, net asset value.

YŹK: 369.330.322(575)

**Nargiza SHAISLAMOVA,**  
*Toʻshkent molia instituti “Baholash ishi va investitsiyalar”*  
*kafedrasi katta oʻqituvchisi,*  
E-mail: shaislamovan2002@gmail.com

## Sugʻurta – investitsiya risklarini boshqarishning samarali vositasi


**Kirish.** Mamlakatimiz taraqqiyotining ustuvor yoʻnalishlari va rivojlanish dasturlarini belgilashda albatta, asosiy eʼtibor yanada qulay investitsiya muhitini yaratishga va xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilishga qaratilayotganligini taʼkidlash kerak. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev: “Investitsiya – bu iqtisodiyot drayveri, oʻzbekcha aytganda, iqtisodiyotning harakatlantiruvchi yuragi, desak, mubolagʻa boʻlmaydi. Investitsiya bilan birga turli soha va tarmoqlarga, hududlarga yangi texnologiyalar, ilgʻor tajribalar, yuksak malakali mutaxassislar kirib keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi”[1,2] deb qayd etgani eʼtiborga molikdir. Chunki faol va samarali investitsiya siyosatini amalga oshirilishi va investitsiya muhitining investorlar uchun yanada qulay boʻlishiga erishish – mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyotiga ijobiy taʼsir koʻrsatadi.

Koronavirus pandemiyasi xalqaro kapital oqimiga sezilarli taʼsir koʻrsatayotgan sharoitda milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish uchun mamlakatimiz investitsiya salohiyatini har tomonlama namoyon etish zaruriyati yuzaga chiqmoqda. Investorlar uchun koronavirus inqirozi sharoitida sarmoya kiritishdan oldin investitsiya loyihalariga taʼsir qilishi mumkin boʻlgan risklarni tahlil qilish, risklarni baholash va samarali boshqarish, loyihaga salbiy taʼsir etuvchi omillarni oʻz vaqtida aniqlash va ularning salbiy taʼsirini pasaytirish yuzasidan kerakli chora-tadbirlarni ishlab chiqish masalasi yanada muhim vazifalar qatoridan joy oldi. Yuqoridagilardan kelib chiqib, zamonaviy va ilgʻor

tajribalar asosida investitsiya loyihalari risklarini samarali boshqarishda va risklarning salbiy taʼsirini pasaytirishda sugʻurtalash usulidan keng foydalanish hozirgi dolzarb vazifalardan biriga aylandi, deb taʼkidlash mumkin.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Maqolani yozish jarayonida investitsiya loyihasi risklarini samarali boshqarishda sugʻurta kompaniyalarning oʻrni hamda ularning raqobatbardoshligi va investitsion salohiyatiga taʼsir etuvchi omillarni tadqiq qilish, tahlil qilish va oʻrganish uchun quyidagi usullar qoʻllanildi, yaʼni statistik, monografik, iqtisodiy va matematik usullar qoʻllanildi.

Oʻzbekiston sharoitida investitsiya loyihalarini amalga oshirishda risklarni yuzaga keltiruvchi omillarni aniqlash, ularni sifat va miqdor jihatdan baholash, risklarni pasaytirish yoʻllarini aniqlash hamda samarali boshqarish eng muhim vazifalardan hisoblanadi. Umuman olganda, risklarni boshqarish – kompaniyaning foyda olish maqsadlariga taʼsir etuvchi risklarni va ularning oqibatlarini aniqlash, baholash, hisoblash, nazorat qilish (monitoring) va kamaytirish maqsadida mazkur kompaniyada doimiy olib boriladigan tuzilmaviy jarayon hisoblanadi. Risklarni boshqarish va baholashdan maqsad, investorga investitsiya loyihasini amalga oshirishda qatnashishning maqsadga muvofiqligi toʻgʻrisidagi qarorlarni qabul qilish va mumkin boʻlgan moliyaviy yoʻqotishlardan himoyalash boʻyicha chora-tadbirlar ishlab chiqish uchun kerakli maʼlumotlarni taqdim qilishdan iborat. Bizningcha, risklarni boshqarishning asosiy bosqichlarini quyidagicha ifodalash mumkin (1-rasm).



1-rasm. Investitsiya risklarini boshqarish bosqichlari

Manba: muallif tomonidan iqtisodiy adabiyotlarni o'rganish asosida tuzildi.

Rasm ma'lumotlaridan shuni xulosa qilish mumkin: investitsiya risklarini boshqarish 6 ta bosqichdan iborat bo'lib, bu bosqichlar izchil ketma-ketlikda amalga oshirilishi lozim. Investor tomonidan risklarni tahlil qilish va baholash amalga oshirilgandan so'ng, uning oldida risklarni boshqarish usullarini tanlash va qo'llash masalasi paydo bo'ladi. Bunda eng afzal va ko'p qo'llaniladigan usul bo'lib sug'urtalash namoyon bo'ladi.

Yuqorida keltirilgan tadqiqotlarga tayangan holda, quyidagi ilmiy muammo mazkur tadqiqotning maqsadi sifatida talqin qilinishi muhimdir. Sug'urta munosabatlarining rivojlanishi bo'sh turgan pul mablag'larining jamlanishi va ulardan nafaqat sug'urtalash maqsadida, balki ularni iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlari va sohalariga investitsion resurslar sifatida safarbar etilishi mexanizmini tizimli holda tadqiq etilishi lozim. Buning uchun, avvalambor, hozirda shakllangan sug'urta bozorining miqdor va sifat ko'rsatkichlari tizimli yoritilishidan boshlanishi kerak. Olingan tahlil natijalari asosida sug'urta kompaniyalarining investitsion potentsiali to'g'risidagi ma'lumotga ega bo'linadi. Shuningdek, sug'urta kompaniyalarining investitsiya potentsialiga ta'sir etuvchi omillar tahlili amalga oshiriladi va mazkur ma'lumotlarga tayangan holda sug'urta kompaniyalarining investitsion faoliyati va uni rivojlantirish istiqbollari haqida va eng asosiysi, investitsiya risklarini sug'urta orqali boshqarish mexanizmlari to'g'risida ilmiy va amaliy xulosa qilish mumkin bo'ladi. Sug'urta kompaniyalarining investitsion jarayonlarda keng ishtirok etishlari orqali ularning investitsion resurslarining ortishiga va bu esa o'z navbatida, turli investitsiya risklarini sug'urta qilish imkoniyatlarining ortishiga, qolaversa, ular

tomonidan ko'rsatilayotgan moliyaviy xizmatlarning kengayishiga va rivojlanishiga erishiladi.


**Tahlil va natijalar.** Investitsiya loyihalarini amalga oshirishda sug'urtalash asosan, mulkni sug'urtalash hamda baxtsiz hodisalardan sug'urtalash shaklida amalga oshiriladi. Mulkiy sug'urtalashning quyidagi shakllari mavjud:

- moddiy yo'qotishlar va zararlardan himoya qilish maqsadida pudrat qurilishlarini sug'urta qilish;
- moddiy yo'qotishlar va zararlardan himoya qilish maqsadida dengiz yoki havo transportlari orqali tashilayotgan yuklarni sug'urta qilish;
- moddiy yo'qotishlar va zararlardan himoya qilish maqsadida pudrat va subpudrat tashkilotlarining asbob-uskunalarini sug'urta qilish.

**Baxtsiz hodisalardan sug'urta qilishning quyidagi shakllari mavjud:**

- qurilish qatnashchilari tana jarohatlari, shaxsiy zarar yoki mulkiy zarar ko'rganlarida bosh pudrat tashkilotlari faoliyatini himoya qilish maqsadida umumiy fuqorolik javobgarligidan sug'urta qilish;
- loyihalashtirish jarayonida arxitektorlik va texnik nuqtai nazardan xatolarga yo'l qo'yilganda loyihalarni boshqarishda kamchiliklar kelib chiqqanda bosh pudrat tashkilotini moddiy javobgarlikdan sug'urta qilish.

O'zbekistonda sug'urta ikkita sohaga bo'linadi: hayotni sug'urtalash va umumiy sug'urta. Ushbu sug'urta turlari barcha sug'urta kompaniyalari tomonidan muvaffaqiyatli amalga oshirilib, 2021 yilning 31 dekabr holatiga respublikada 42 nafar sug'urtalovchi (kompaniya) mavjudligi, ulardan 34 tasi umumiy sug'urta sohasida, 8 tasi esa hayotni sug'urtalash sohasida faoliyat yuritayotganligi ma'lumdir.




2-rasm. O'zbekistonda sug'urta bozorining hozirgi holati [3]



2021 yil 31 dekabr holatiga sug'urta tashkilotlarining umumiy ustav kapitali 1545784 million so'mga teng bo'lib, o'tgan 2020 yilga nisbatan 7,4 foizga (yoki 106591 million so'mga) o'sganligi aniqlangan [3].

Barcha rivojlangan mamlakatlarda sug'urta sektori iqtisodiyotning deyarli barcha sohalarida investitsiya jarayonlarini rivojlantirishda yetakchi rol o'ynaydi. Sug'urta kompaniyalarining investitsiya jarayonlarida ishtirok etish imkoniyatlari ularning investitsion potentsiali bilan, ya'ni vaqtincha sug'urta majburiyatlaridan ozod bo'lgan va daromad olish maqsadida investitsiyalashga yo'naltirilgan pul mablag'lari yig'indisi bilan belgilanadi. Sug'urta kompaniyalari ikki xil investitsion potentsialga ega: o'z mablag'lari (ustav kapitali, o'z kapitali va taqsimlanmagan foyda) va jalb qilingan mablag'lar (sug'urta hodisalari ro'y berganda to'lanadigan, sug'urta mukofotlaridan shakllantirilgan sug'urta zahiralari).


Statistik ma'lumotlarga e'tibor bersak, 2021 yilning 31 dekabr holatiga respublika bo'yicha sug'urtalovchilarning jami aktivlari hajmi 1,546 trln. so'mni tashkil etib, bu 2020 yilga nisbatan 7,4 foizga o'sganligini ko'rish mumkin (3-rasm).



**3-rasm. Sug'urta tashkilotlarining jami ustav kapitali miqdori, (trln. so'm) [3]**


2021 yilda jami sug'urta mukofotlari 3,7 trln. so'mni tashkil etdi, yoki 2020 yilga nisbatan 68 foizga ko'p demakdir, bu asosan hayotni sug'urtalash bo'yicha mukofotlarning sezilarli darajada ko'payishi hisobiga o'zgargan.

2021 yilda jami yig'ilgan mukofotlarning qariyb 81 foizi umumiy sug'urta bo'yicha bo'lsa, 19 foizi hayot sug'urtasiga to'g'ri kelgan. 2021 yilda mukofotlarning asosiy qismi (87 foizi) ixtiyoriy sug'urta turiga to'g'ri kelgan, majburiy sug'urta mukofotlari jami sug'urta mukofotlarining tarkibida o'tgan yilgi 15 foizdan 13 foizga qadar pasaygan (4-rasm).



**4-rasm. Sug'urta mukofotlarining tarkibi, foizda [3]**

Jami sug'urta to'lovlari 2020 yildagi 0,7 trln. so'mdan 2021 yilga kelib 1,2 trln. so'mga ortgan, buning asosiy sababi hayotni sug'urtalash bo'yicha sug'urta to'lovlari hajmi o'tgan yilga nisbatan ortgan. 2021 yilda sug'urta to'lovlarning asosiy qismi (85 foizi) ixtiyoriy sug'urta turiga to'g'ri kelgan (5-rasm).



**5-rasm. Sug'urta to'lovlarning tarkibi, foizda [3].**

2021 yil oxiriga kelib respublika sug'urtalovchilarning jami investitsiyalari 3,746 trln. so'mga teng bo'lib, bu o'tgan yilga nisbatan 10,8 foizga oshgan (1-jadval). 2021 yilda sug'urta kompaniyalari investitsiyalarining eng katta qismi 58,9 foizi yoki 2,208 trln. so'm bank depozitlariga qo'yilgan bo'lib, undan keyingi o'rinni turli qimmatli qog'ozlarga kiritilgan investitsiyalar egallagan (29,3 foiz yoki 1,096 trln. so'm). Ammo, ko'chmas mulkni sotib olishga va korxonalar ustav fondida qatnashish uchun yo'naltirilgan investitsiyalar 2020 yilga nisbatan mos ravishda 13,3 foizga va 47,7 foizga kamayib, sug'urta kompaniyalar amalga oshirgan jami investitsiyalari tarkibida mos ravishda 1,8 va 4,2 foiz punktga kamaygan.



## 1-jadval

## Sug'urtalovchilarning investitsiya portfeli tarkibi, mln. so'mda [3]

Ko'rsatkichlar	31.12.2020		31.12.2021		O'zgarishi, % da
	mln. so'mda	jamiga nisbatan % da	mln. so'mda	jamiga nisbatan % da	
Jami investitsiyalar, sh.j.	3 382 685	100%	3 746 665	100%	+10,8%
Depozit qo'yilmalar	1 818 925	53,8%	2 208 573	58,9%	+21,4%
Qimmatli qog'ozlar	958 552	28,3%	1 095 976	29,3%	+14,3%
Qarzlilar	42 054	1,2%	47 453	1,3%	+12,8%
Ko'chmas mulk	285 320	8,4%	247 340	6,6%	-13,3%
Korxonalar ustav fondida qatnashish	272 143	8,0%	142 203	3,8%	-47,7%
Boshqalar	5 691	0,2%	5 120	0,1%	-10,0%

**Xulosa qilib, hozirda shakllangan sug'urta bozorining miqdor va sifat ko'rsatkichlari tizimli yoritilishi natijasida quyidagilarni qayd etish mumkin:**

1) Bugungi kunda O'zbekistondagi sug'urta bozori sug'urta sohasida olib borilayotgan islohotlar va bozor kon'yunkturasini hisobga olgan holda investitsiyalash maqsadlarini amalga oshirish uchun yetarli darajada jozibador bo'lib qolmoqda, deb hisoblash mumkin. So'nggi 10 yil ichida aholi jon boshiga to'g'ri keladigan jami sug'urta mukofotlari 28,8 foizga o'sganligini va sug'urta mukofotlarining YaIMga nisbati 2010 yildagi 0,22 foizdan 2020 yilda 0,37 foizgacha oshganligini kuzatish mumkin bo'ldi. Ushbu ko'rsatkich Qozog'istondagi (0,82 foiz) va Rossiyadagi (1,44 foiz) ko'rsatkichlar bilan taqqoslanganda hamon past bo'lsada, ammo xorijiy ekspertlar tomonidan yaxshi o'sish salohiyatiga ega, deb baholanmoqda.[4]

2) Sug'urta mukofotlarining tarkibi tahlil qilinganda, 2021 yilda o'tgan yilga nisbatan majburiy sug'urta 17,4 foizga, umumiy sug'urta esa 21,6 foizga oshgan bo'lsada, hayotni sug'urtalash xuddi shu davrda 61,0 foizga oshganligining guvohi bo'lamiz[3]. Albatta koronavirus pandemiyasi davrida inson salomatligi birinchi o'rindagi masala bo'lganligi sababli bunday o'zgarishlarga sabab bo'ldi. Ammo, bugungi kunda yer yuzida yuz berayotgan geosiyosiy inqirozlar, rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlar o'rtasida vujudga kelayotgan siyosiy keskinliklar, iqtisodiy va ijtimoiy nobarqarorliklar umumiy sug'urta sohasiga ham ko'proq e'tibor berishni talab etmoqda.

3) Sug'urtalovchilarning investitsiya portfeli tarkibi tahlil qilinganda, 2021 yilda ham, 2020 yilda ham sug'urta kompaniyalari o'z investitsiya resurslarining aksariyat qismini (58,9 va 53,8 foizini)

bank depozitiga yo'naltirganliklarini va shu asnoda konservativ investitsiya strategiyasini tanlaganliklarini guvohi bo'lmoqdamiz. O'z tabiatiga ko'ra sug'urta iqtisodiyotni barqarorlashtirishga, mamlakatda iqtisodiy o'sishga va jamiyatdagi ijtimoiy keskinlikni pasaytirishga hissa qo'shishini hisobga oladigan bo'lsak, sug'urta kompaniyalarining investitsiya jarayonlarida yanada faol ishtiroklarini ta'minlash zarurligi yaqqol ko'rinadi.

Bundan tashqari, shakllanish manbalaridan qat'iy nazar, sug'urta tashkilotining sug'urta va qarz majburiyatlaridan xoli bo'lgan hamda qo'shimcha daromad olish maqsadida investitsiya operatsiyalarini amalga oshirish uchun mo'ljallangan moliyaviy resurslari sug'urta kompaniyalarining investitsion potentsiali deb tushuniladi, uni aks ettiruvchi ko'rsatkichlarga bevosita (to'g'ridan-to'g'ri) va bilvosita (egri) omillar ta'sir qiladi. Bunday omillar tasnifi quyidagi 2-3-jadvallarda berilgan.

**So'nggi 10 yil ichida aholi jon boshiga to'g'ri keladigan jami sug'urta mukofotlari**

**28,8 foizga o'sganligini va sug'urta mukofotlarining**

**YaIMga nisbati 2010 yildagi**

**0,22 foizdan 2020 yilda**

**0,37 foizgacha oshganligini kuzatish mumkin bo'ldi.**

2-jadval

**Sug'urta kompaniyalarining investitsion potensialini aks ettiruvchi ko'rsatkichlarga bevosita (to'g'ridan-to'g'ri) ta'sir etuvchi omillar [5]**

Investitsion potensialni aks ettiruvchi ko'rsatkichlar	Ko'rsatkichlarga ta'sir etuvchi omillar	
	Tashqi omillar	Ichki omillar
Sug'urta zahiralari	1. Zahirani tashkil etish shartlari; 2. Tabiiy, texnogen halokatlar	1. Tashkilot ko'lami; 2. Kelib tushgan mukofotlar hajmi; 3. To'langan sug'urta summalari; 4. Investitsion faoliyat.
O'z mablag'lari	1. Kompaniyaning minimal ustav kapitali hajmi; 2. Soliq yuki.	1. Kompaniyaning ustav kapitali hajmi; 2. Sug'urtalovchining moliyaviy holati.
Sug'urta mukofotlarining ko'lami	1. Sug'urtalanuvchining faoliyati va o'zini tutishi; 2. Sug'urtalanuvchiga mos keluvchi sug'urta tarifi ko'lami; 3. Yuridik va jismoniy shaxslarning to'lovga qobilligi.	1. Yuqori malakali mutaxassislar; 2. Sug'urtalanuvchiga mos keluvchi sug'urta tarifini qo'llash.
Sug'urta shartnomalari bo'yicha sug'urta to'lovlarining ko'lami	1. Ko'zda tutilmagan holatlar; 2. Shartnomaning kriminogen tarkibiy bo'limlari.	1. Sug'urta mahsulotlarining zararlilik darajasi; 2. Sug'urta portfeli va uning tarkibi; 3. Zararlarni kamaytirish bo'yicha tadbirlar.
Sug'urta portfeli tarkibi	1. Sug'urta bozorida sug'urta mahsulotlariga talab; 2. Aholining turmush darajasi, demografik sharoit; 3. Iqtisodiy tarmoqlar daromadlilik darajasi; 4. Sug'urtalovchi uchun sug'urta xizmatlari reklamasining samaradorligi.	1. Sug'urtalovchining ixtisoslashuv yo'nalishi; 2. Sug'urta shartnomasi ko'lami; 3. Sug'urtaning alohida turlari bo'yicha daromadlilik.
Sug'urta shartnomasi muddati	1. Iqtisodiy barqarorlik; 2. Jismoniy shaxslarning psixologik xatti-harakati.	1. Sug'urta portfeli va uning tarkibi; 2. Jismoniy shaxslarning psixologik xatti-harakati; 3. Sug'urta xizmatlarini ko'rsatish tizimi.
Debitor qarzdorlik ko'lami	1. Sug'urtalanuvchi tomonidan to'lov muddatining kechiktirilishi.	1. Shartnoma tuzish siyosati; 2. Hisob-kitoblarda mablag'larning aylanish ko'rsatkichi.
Kapitalning yetarlilik darajasi	1. Aksiyadorlar qarzlarning ko'lami; 2. Muddati o'tgan debitor qarzdorlik.	1. Sug'urtalovchining o'z mablag'lari; 2. Sug'urtalovchining nomoddiy aktivlari ko'lami.
Kapital rentabelligi	1. Qimmatli qog'ozlar daromadlilik darajasi; 2. Inflyatsiya darajasi.	1. Sug'urtalovchining o'z mablag'lari; 2. Sug'urta kompaniyasi investitsiya faoliyati; 3. Zararlarni kamaytirish bo'yicha tadbirlar.

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, sug'urta kompaniyalarining investitsion potensialini va kompaniya raqobatbardoshligini aks ettiruvchi ko'rsatkichlarga quyidagilar kiradi: kompaniya aktivlari, ustav kapitali, sug'urta to'lovlari, sug'urta zahiralari, sug'urta mahsulotlarining turli-tumanligi, sug'urta mukofoti, hududiy bo'limlarning mavjudligi. Quyidagi 3-jadvalda esa, sug'urta kompaniyalarining investitsion potensialini aks ettiruvchi ko'rsatkichlarga bilvosita ta'sir etuvchi omillar ifodalangan.

## 3-jadval

## Sug'urta kompaniyalarining investitsion potensialini aks ettiruvchi ko'rsatkichlarga bilvosita ta'sir etuvchi omillar [5]

Investitsion potensialni aks ettiruvchi ko'rsatkichlar	Ko'rsatkichlarga ta'sir etuvchi omillar	
	Tashqi omillar	Ichki omillar
Tuzilgan sug'urta shartnomalari ko'lami	1. Sug'urta bozorida raqobat kurashining holati; 2. Sug'urtalovchi xizmatlariga talab darajasi; 3. Reklama samaradorligi va sug'urtalovchi reytingi; 4. Hududdagi va umuman mamlakatdagi iqtisodiy holat; 5. Aholi daromadlari darajasi.	1. Sug'urtalovchi tomonidan tariflarni shakllantirish siyosati; 2. Sug'urta shartnomalari bo'yicha foydali taklif; 3. Sug'urtalovchi kompaniyasi ko'lami; 4. Xizmatlar ko'rsatish tizimi; 5. Sug'urtalovchi filiallarining soni va joylashgan joyi.
Tuzilgan sug'urta shartnomalari bo'yicha sug'urta summasi ko'lami	1. Sug'urtalangan obyekt fizik holati; 2. Sug'urtalovchi istagan sug'urta yo'nalishlari.	1. Sug'urta turi; 2. Sug'urta qiymatini aniqlash usullari va tamoyillari.
Sug'urtalovchilar filiallari soni	1. Sug'urta bozorida raqobat kurashi; 2. Hududda aholining to'planganligi; 3. Mamlakatda demografik sharoit.	1. Sug'urtalovchining kompaniyasi ko'lami; 2. Sug'urtalovchining moliyaviy holati; 3. Boshqaruvning malaka darajasi.
Sug'urtalovchi reytingi	1. Sug'urtalovchining obro'si, imiji, gudvill; 2. Reyting baholash uslubiyoti.	1. Sug'urtalovchining kompaniyasi ko'lami; 2. O'z mablag'lari va ustav kapitali hajmi; 3. Sug'urtalovchining moliyaviy barqarorligi darajasi.
Soliq yuki darajasi	1. Soliq stavkasi; 2. Soliqqa tortiladigan bazani aniqlash usullari.	1. Moliyaviy hisob va uning elementlari; 2. Sug'urta kompaniyasi faoliyati samaradorligi; 3. Aktivlar summasi.
Moliya bozorining daromad stavkalari	1. Makroiqtisodiy barqarorlik; 2. Inflyatsiya; 3. Pul muomalasi.	—
Iqtisodiyot tarmoqlari samaradorligi	Davlatning iqtisodiy siyosati.	Ishlab chiqarish jarayoni va uni tashkil etish.
Aholining turmush darajasi	1. Mamlakatdagi iqtisodiy holat; 2. Davlatning ijtimoiy siyosati.	1. Iqtisodiyot sohalarida aholining faolligi; 2. Professional daraja.
Investitsiyalardan sof daromad	1. Qayta moliyalashtirish stavkasi qiymati; 2. Sug'urtalovchi o'z mablag'larini sarflagan aktivlar daromadliligi darajasi.	1. Sug'urtalovchining investitsion siyosati yo'nalishlari; 2. Investitsiyalar ko'lami.

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, sug'urta kompaniyalarining investitsion potensialini aks ettiruvchi ko'rsatkichlariga, ya'ni sug'urta shartnomalari ko'lami, sug'urtalovchilar filiallari soni, sug'urtalovchi reytingi, soliq yuki darajasi, moliya bozorining daromad stavkalari, iqtisodiyot tarmoqlari samaradorligi, aholining turmush darajasi, investitsiyalardan sof daromad kabilarga bilvosita ta'sir etuvchi omillarni sug'urta tashkilotlari tez-tez tahlil qilib borishlari va bu borada kerakli xulosalarni chiqarishlari kerak bo'ladi.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan sug'urta bozorining kapitallashuvini oshirish milliy sug'urta bozorida sug'urtalovchilarning investitsiya faoliyatida faol qatnashishlariga va ko'proq risklarni sug'urta qilish imkoniyatini beradi, degan xulosaga kelish mumkin. Rivojlangan, zamonaviy va raqobat mavjud bo'lgan sug'urta bozorini shakllantirish respublika iqtisodiyotining barqaror o'sishini kafolati va mamlakat aholisining sug'urta madaniyatini oshirishga xizmat qiladi.





**Xulosa va takliflar.** *Umuman olganda, sug'urtalashdan investitsiya risklarini boshqarish mexanizmi sifatida foydalanishning quyidagi afzalliklari mavjud:*

1. Sug'urta risklarni samarali boshqarish vositasi hisoblanib, riskni aniqlash (identifikatsiya qilish), tahlil qilish va baholash, shuningdek, risk natijasida yetkazilgan zararining o'rnini qoplash kabi asosiy bosqichlarni amalga oshirishga imkon beradi;

2. Boshqa risklarni boshqarish usullariga nisbatan sug'urtaning arzonligi va qulayligi;

3. Agar sug'urta kompaniyalarining sug'urta bo'yicha katta risklarni qabul qilish imkoniyatlari cheklangan bo'lsa, u holda sug'urta bozorining boshqa ishtirokchilari o'rtasida tegishli zararni qoplash uchun javobgarlikni qayta taqsimlashning maxsus yondashuvi bilan bartaraf etish imkoniyatining mavjudligi;

4. Sug'urta operatsiyalari bo'yicha ko'pincha soliq imtiyozlari beriladi;

5. Investitsiya risklarini baholash va boshqarish uchun sug'urta kompaniyalarining ekspertlari bilimlari, malakalari va tajribalaridan foydalanish orqali risklarni boshqarishga sarflanadigan ortiqcha xarajatlarning oldini olish imkonini beradi;

6. Sug'urta kompaniyalarining investitsion potensialini aks ettiruvchi ko'rsatkichlarga ta'sir etuvchi bevosita va bilvosita omillarni tahlil qilish orqali sug'urta kompaniyalarining raqobatbardoshligi

aniqlanadi. Investor uchun ham, sug'urtalanuvchi uchun ham birday qiziq bo'lgan savollarga to'g'ri javob olish, xususan, bozorda ishonchli sherik sifatida qaysi sug'urta kompaniyasini tanlashga doir to'g'ri qarorni qabul qilish imkonini beradi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, milliy iqtisodiyotda sug'urta munosabatlarini yanada rivojlantirish masalasi hozirgi dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi, chunki sug'urta munosabatlarining rivojlanishi bo'sh turgan pul mablag'larining jamlanishiga va ulardan nafaqat sug'urtalash maqsadida, balki ularni iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlari va sohalariga investitsion resurslar sifatida safarbar etilishiga, pirovardida bu tarmoqlar va sohalarning rivojlanishiga sabab bo'ladi.

### **Manba va adabiyotlar**

1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Toshkent. 28-dekabr, 2018-yil. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz).*

2. *Investitsiya faoliyati va strategik rivojlanish borasidagi ustuvor vazifalar muhokama qilindi. O'zbekiston Respublikasi Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi huzuridagi xorijiy investitsiyalarni jalb etish agentligi sayti ma'lumoti. <https://invest.gov.uz/uz/mediacenter/news/priority-tasks-of-investment-activity-and-strategic-development-were-discussed/>.*

3. Moliya vazirligi sayti ma'lumotlari (Сводные показатели страхового рынка Республики Узбекистан за 2021 год) <https://imda.uz/wp-content/uploads/2022/03/Itogoviy-pokazatel-2021.pdf>.

4. Insurance market: Results and Trends of 2020 and 1Q2021. <https://avestagroup.com/en/2021/07/02/ryнок-страхования-итоги-и-тенденции-2020/>.

5. Тургаева А.А. Инвестиционный потенциал страховых компаний и оценка их конкурентоспособности. / Finance and Credit, 2017, volume 23, issue 2, pages 89–109 . <https://cyberleninka.ru/article/n/investitsionnyy-potentsial-strahovyh-kompaniy-i-otsenka-ih-konkurentosposobnosti>.

### Sug'urta – investitsiya risklarini boshqarishning samarali vositasi

**Nargiza Shaislamova,**

Тошкент молия институту  
“Baholash ishi va investitsiyalar”  
kafedrasi katta o'qituvchisi

**Annotatsiya:** maqolada milliy iqtisodiyotda investitsiya risklarini samarali boshqarishda sug'urtalash usulining o'rnini bayon etilgan. Hozirda shakllangan sug'urta bozorining miqdori va sifat ko'rsatkichlari tizimli yoritilgan va sug'urta kompaniyasining raqobatbardoshligiga va investitsion potentsialiga ta'sir etuvchi omillar tahlili ko'rib o'tilgan. Mazkur ma'lumotlarga tayangan holda sug'urta kompaniyalarining investitsion faoliyati haqida shuningdek, investitsiya risklarini sug'urta orqali boshqarish mexanizmlari to'g'risida ilmiy va amaliy xulosalar shakllantirilgan.

**Kalit so'zlar:** sug'urta, investitsiya, investitsion faoliyat, risklarni boshqarish, investitsiya risklari, hayotni sug'urtalash, umumiy sug'urta, sug'urta mukofotlari, sug'urta to'lovlari, sug'urta kompaniyasi, investitsion potentsial, investitsiya loyihalarini baholash va tahlil qilish.

### Страхование – эффективный инструмент управления инвестиционными рисками

**Наргиза Шаисламова,**

старший преподаватель кафедры  
«Оценочное дело и инвестиции»  
Ташкентского финансового института

**Аннотация:** в статье описывается роль страхования в эффективном управлении инвестиционными рисками в национальной экономике. Систематически освещаются количественные и качественные показатели современного страхового рынка и рассмотрен анализ факторов, влияющих на конкурентоспособность и инвестиционный потенциал страховой компании. На основании этих данных сделаны научные и практические выводы об инвестиционной деятельности страховых компаний, а также о механизмах управления инвестиционными рисками посредством страхования.

**Ключевые слова:** страхование, инвестиции, инвестиционная деятельность, управление рисками, инвестиционный риск, страхование жизни, общее страхование, страховые взносы, страховые премии, страховая компания, инвестиционный потенциал, оценка и анализ инвестиционных проектов.

### Insurance is an effective instrument for investment risk management

**Nargiza Shaislamova,**

Senior teacher of the Department  
Valuation and Investments, Tashkent Institute Finance

**Abstract:** the article describes the role of insurance in the effective management of investment risks in the national economy. It systematically outlines the quantitative and qualitative indicators of the modern insurance market, and it is considered the analysis of factors influencing the competitiveness and investment potential of an insurance company. Based on these data, scientific and practical conclusions about the investment activities of insurance companies, as well as about the mechanisms for managing investment risks through insurance were made in this article.

**Keywords:** insurance, investments, investment activity, risk management, investment risk, life insurance, general insurance, insurance fee, insurance premiums, insurance company, investment potential, assessment and analysis of investment projects.

**Ижтимоий масалалар, фан, таълим ва камбағалликни қисқартириш /  
Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /  
Science, education poverty reduction, and Social issues**

УЎК: 334.7:330.322

**Жасурбек КУРБОНОВ,**  
*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар  
институтини таянч докторанти,*  
E-mail: jasurbekkurbonov0033@gmail.com

## **Кичик бизнесда инвестиция омилининг ишчи кучидан фойдаланишга таъсири**

**Кириш.** Бугунги кунда иқтисодиётда инновацияларни жадаллаштириш, халқаро бозорда рақобатдош маҳсулотларни яратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мамлакат ва унинг минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Бунда, ривожланишнинг асосий мезонлари сифатида ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ), иш билан бандлик даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келган даромадлар ҳисобланади. Бу ўринда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мазкур кўрсаткичлардаги юқори улушга эгаллиги соҳанинг муҳимлигини ифодалайди.

Кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар натижасида аҳоли даромадлари ортиб, иш билан бандлик даражаси ўсмокда. Шунингдек, ишлаб чиқариш кўлами ва товар ҳамда хизматларнинг тури кенгаймоқда. Миллий бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товар ва хизматлари улуши кенгаймоқда.

**Асосий қисм.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиёт ривожланишининг асосий омили бўлиб, мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий масалаларни самарали ечиш имконини беради. Мазкур соҳани кенгайтириш аҳоли даромадлари ўсишигина эмас, балки мамлакат ва минтақаларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий салоҳияти ўсишини ҳам таъминлаб беради. Қатор хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича кичик бизнеснинг ривожланишига оид мезонлар иқтисодиётда асосий улушларга эга.

Жумладан, Европа мамлакатларида кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улуши 60 фоиздан, иш билан бандлардаги улуши 65-70 фоиздан ҳамда кў-

шилган кийматдаги улуши 50 фоиздан юқори. Шунингдек, Хитойда 4,3 млн. та кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда 27,9 миллионга яқка тартибдаги тадбиркорлик мавжуд бўлиб, шаҳар аҳолисининг 75 фоизи бандлигини таъминлайди.[1,2]

Кичик бизнес иқтисодиётда кам капитал талаб этиши билан устуворликка эга. Яъни, мазкур соҳада капитал жамғариш даражаси нисбатан паст бўлиб, меҳнат омилидан юқори даражада фойдаланиш хусусиятига эга ҳисобланади. Инвестиция даражаси паст бўлсада, ижтимоий жиҳатдан қатор ижобий хусусиятларни акс эттиради. Жумладан, иш билан бандликни таъминловчи муҳим бўғин ҳам кичик бизнес ҳисобланади. Хусусан, Андижон вилоятида яратилган янги иш ўринларининг 70 фоизи мазкур соҳага тегишли. Шунингдек, иш билан бандларнинг қарийб 85 фоизи ушбу соҳада фаолият юритмокда. Бу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, соҳанинг меҳнат бозоридаги ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Одатда, иш ўринларини яратиш ва ташкил қилиш кўшимча маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Мазкур маблағлар асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳисобига шаклланади. Демак, инвестициянинг меҳнат бозоридаги конъюнктурага таъсирини ўрганиш муҳимдир. Бу борада кичик бизнесга киритилган инвестицияларнинг янги иш ўринлари яратиш кўрсаткичини баҳолаймиз. Шундай бўлсада, меҳнат бозорининг барқарор конъюктураси учун самарали иш билан бандликни ҳам тадқиқ этиш лозим. Бунда янги яратилган иш ўринларигина эмас, балки, аввалги мавжуд иш ўринларининг барқарорлигини ҳам тадқиқ этамиз.

Бу жараёни одатда, ташкил этилган кичик бизнес субъектлари билан фаолияти тугатилган кичик бизнес субъектлари ишчи-ходимлари сони ўртасидаги фарқ билан аниқлаймиз. Лекин, умумий ҳолда мазкур узвийлик учун ҳам инвестициялар даражасига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Инвестициялар одатда асосий капиталнинг ўсишини таъминлаш билан ишлаб чиқариш кенгайишига олиб келади. Шунингдек, мазкур жараён янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли даромадларининг ўсишига сабаб бўлади. Ушбу узвийлик иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида бирдек амал қилади. Лекин, уларнинг турига қараб, янгитдан яратилган иш ўринлари қиймати фарқланади. Қурилиш ва хизматлар соҳасига нисбатан саноат ҳамда қишлоқ хўжалигидаги иш ўринларининг қиймати юқори ҳисобланади.

Шундай бўлсада, кичик бизнесда инвестициялар билан боғлиқ жараён ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, кичик бизнеснинг капитал сифими паст

бўлиб, нисбатан арзон ҳолда янги иш ўрни яратилади. Иккинчидан, кичик бизнесга йўналтирилган инвестицияларнинг асосий қисми кредитлардан ташкил топади ва бу ўрта ҳамда қисқа муддатлар учун мўлжалланган бўлиб, айланма маблағларнинг асосий манбаини ташкил қилади. Учинчидан, асосий капитални шакллантириш кўп ҳолларда тадбиркорнинг шахсий маблағлари ҳисобига амалга ошади. Юқоридаги соҳага оид хусусиятлар кичик бизнесга киритилган инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръатларини баҳолашни талаб этмоқда.

Кичик бизнесга киритилган инвестицияларнинг 2010-2020 йиллардаги ўртача ўсиш суръати 122,4 фоизга тенг бўлган. Ушбу катталиқ тебранувчи тенденцияга эга бўлиб, энг юқори қийматлари 2010 йилда 183,6 фоиз ва 2019 йилда 178,0 фоизга тўғри келган бўлса, паст кўрсаткич 2017 йилда кузатилган (1-жадвал). Умумий ҳолда, кичик бизнесга киритилган инвестицияларнинг таққослама нархлар асосидаги ҳажми 3,5 баробарга ортган.

#### 1-жадвал

#### Андижон вилоятида кичик бизнесга киритилган инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръати [3] (таққослама баҳоларда)

Кўрсаткич номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Тадқиқот даври бўйича ўртача ўсиш
Кичик бизнесда капитал ҳажми (млрд.сўм)	1446,1	1580,4	1646,8	2003,0	2194,5	2218,5	2612,9	2616,8	3099,3	5517,0	5690,8	2784,2
Кичик бизнесда капиталнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан фоизда)	183,6	109,3	104,2	121,6	109,6	101,1	117,8	100,2	118,4	178,0	103,2	122,4

Инвестицияларнинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш учун унинг ўсиши ва ўзгариши етарли ҳисобланмайди. Балки, унинг ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокини ҳам таҳлил этамиз. Жумладан, кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш ҳажми ҳам барқарор суръатларда ўсган. Шунингдек, инвестицияларга мутаносиб равишда янги иш ўринлари ҳамда кичик бизнес субъектлари сони ҳам ўзгарган. Тадқиқот даврининг алоҳида йиллар давомида инвестицияларнинг таъсирини баҳолашда эса, улардан фойдаланишни ҳам тадқиқ этамиз.

Шунингдек, иқтисодиётда инвестицияларнинг умумий ишлаб чиқаришга нисбатан ўзгариши ҳамда

улардан фойдаланишини баҳолаш учун капитал қайтимини тадқиқ қиламиз. Кичик бизнесда капитал қайтими кўрсаткичи 2010-2020 йилларда ўртача 7,6 бирликни ташкил этган бўлиб, тадқиқот даври давомида пасайиш тенденциясига эга. Яъни, 2010 йилдаги 7,3 бирликдан 2020 йилда 4,8 бирликгача қисқарган. Шундай бўлсада, умумий иқтисодиётдаги мазкур кўрсаткичга нисбатан юқори ҳолатга эга бўлмоқда. Яъни, умумий иқтисодиётдаги капитал қайтими катталиги 2010-2020 йилларда ўртача 6,0 бирлик бўлиб, кичик бизнесга нисбатан 1,3 бирлик кичик бўлган. Бу ҳолат кичик бизнесда юқорида таъкидлаганимиздек, кам инвестиция ҳисобига янги иш



ўринлари яратилиши ва ишлаб чиқариш кенгайтиришнинг юқорилиги билан асосланади (2-жадвал).

Капитал қайтимининг кичик бизнесдаги ҳолатини таққослашда йирик бизнесни ҳам алоҳида тадқиқ қилдик. Жумладан, мазкур соҳада капитал қайтими 2010 йилдаги 6,2 бирликдан 2020 йилда

3,5 бирликка қадар пасайган. Бу кўрсаткич кичик бизнесга нисбатан ўртача қийматлари солиштирилганда 1,5 марта паст бўлган. Бунга сабаб, йирик бизнесда юқори капитал жамғарилган бўлиб, маънавий ҳамда жисмоний эскирган асосий фондлар қиймати ҳам юқоридир.

## 2-жадвал

### Андижон вилоятида кичик бизнеснинг капитал қайтими [3] (бирликда)

Кўрсаткич номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Капитал қайтими, бирлик (иктисодиётда)	6,7	5,8	6,1	6,4	6,6	6,5	6,4	6,4	6,0	4,5	4,3
Капитал қайтими, бирлик (кичик бизнесда)	7,3	7,7	8,1	7,4	7,5	7,8	7,3	8,5	8,2	4,8	4,8
Капитал қайтими, бирлик (йирик бизнесда)	6,2	4,5	4,5	5,4	5,6	5,3	5,2	3,9	3,5	3,9	3,5

Шу билан бирга, кичик бизнесда капитал қайтимининг 2010 йилги 7,3 бирликдан умумий ҳолда 2020 йилдаги 4,8 бирликка қадар пасайишини соҳада капитал жамғаришнинг ўсиб бораётганлиги билан асослаймиз. Бундан ташқари, инвестицияларнинг таркибий тузилишида ҳам сифат жиҳатдан ўзгаришлар юз берган. Жумладан, 2010 йилда киритилган инвестицияларнинг 63 фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 80 фоизга етди.

Юқоридагилар натижасида соҳада иш билан банд бўлганларнинг ҳам сони ортиб, барқарор ўсиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич 2010-2020 йилларда ўртача 2,4 фоизга ўсган ва тебранувчи тенденцияга эга бўлган (3-жадвал). Тадқиқот даври давомида

иш билан бандларнинг ўсиш суръати нотекис ўзгарган. Энг юқори қийматлар 2011 йилда (104,4 фоиз) кузатилган бўлса, энг паст кўрсаткич 2015 йилга (100,8 фоиз) тўғри келган. Охириги йилларда ўсиб бораётган бўлиб, тадбиркорлик эркинлиги таъминланмоқда. Тадқиқот даври бошида кичик бизнесда бандлар сони 929,5 минг кишига тенг бўлган бўлса, 2020 йилга, яъни тадқиқот даври охирига келиб 1188 минг кишига етган ва 1,3 баробарга ўсган. Шунга мувофиқ ўсиш суръати кўрсаткичи ҳам ўзгарган. Яъни, 2010 йилда 101,2 фоизга тенг бўлган бўлса, 2020 йилда 102,0 фоизга етган. Бу эса, юқорида таъкидлаганимиздек, инвестицияларнинг сифат ўзгаришлари билан боғлиқ.

## 3-жадвал

### Андижон вилоятида кичик бизнесда иш билан банд бўлганлар сони ва ўсиш суръати [3]

Кўрсаткич номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Ўртача ўсиш суръати
Кичик бизнесдаги бандлар сони (минг киши)	929,5	970,5	1003,8	1035,8	1057,6	1065,9	1076,5	1115,1	1141,4	1164,5	1188,0	1068,05
КБдаги бандлик ўсиши суръати (%)	101,2	104,4	103,4	103,2	102,1	100,8	101,0	103,6	102,4	102,0	102,0	102,4

Шунингдек, иш билан бандликнинг инвестициялар билан боғлиқлигини кўриб чиққанимизда, улар ўртасида ўзаро ижобий боғлиқлик аниқланди. Яъни, киритилган инвестицияларнинг кўлами меҳнат бозорига ўртача бир йилдан кейин таъсир қилмоқда. 2010 йилда инвестициянинг ўтган йил-

га нисбатан ўсиш суръати 183,6 фоизни ифодалаб, аввалги йилдан кескин ортган бўлса, иш билан бандлик 2010 йилда 1,2 фоизли ўсишга, 2011 йилда эса кескин ортиб, 104,4 фоизли ўсишга эга бўлган. Худди шундай боғлиқликни тадқиқотнинг бошқа бир қатор йилларида ҳам аниқладик.

Инвестиция ва иш билан бандликнинг ўзаро узвийлиги асосидаги натижавий кўрсаткич капитал интенсивлик ҳисобланади. Унинг қиймати 2010 йилда 1,56 млн. сўмга тенг бўлган бўлса, 2020 йилгача ўсиб бориб 4,79 млн.сўмга етган. Тадқиқот даври давомида 3 мартага ўсиб, ўртача 2,4 млн. сўмга тенг бўлган. Мазкур кўрсаткич соҳада самардорлик ўсишига олиб келмоқда. Чунки, капитал интенсивликнинг ортиши, ишчи кучининг меҳнат

қуроллари ўсишига ҳамда асосий воситалар ортишига олиб келмоқда.

Шу ўринда, кичик бизнесда капитал билан ишчи кучининг таъминланганлик даражасининг ўсиши ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ҳам ижобий ўзгаришини таъминламоқда. Мазкур кўрсаткич 2010-2020 йилларда ўртача 108,1 фоиздан ўсган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

##### Андижон вилоятида кичик бизнеснинг меҳнат унумдорлиги даражаси [3] (олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати, фоизда)

Кўрсаткич номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Ўртача ўсиш сурати
КБда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати	116,7	109,7	106,9	107,2	108,8	103,7	110,0	112,4	111,7	101,5	100,9	108,1

Кичик бизнесда меҳнат омилининг ижобий ўзгаришларини баҳолашда инвестицияларнинг муддатлиликка ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Чунки, қисқа муддатли инвестициялар тадбиркорликнинг айланма маблағларини шакллантириш учун йўналтирилади. Узоқ муддатли инвестициялар эса, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янги қурилиш ва иншоотларга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга сарфланади.

Бир сўз билан айтганимизда, қисқа муддатли инвестициялар айланма маблағларга, узоқ муддатли инвестициялар эса, асосий воситаларга киритилди. Демак, инвестицияларнинг муддати билан боғлиқ ҳолда кичик бизнес фаолияти барқарорлигига

таъсирини қараб ўтсак, қисқа муддатли инвестициялар фаолиятининг жорий мақсадлари билан узоқ муддатли инвестициялар эса, ривожланиши билан боғланади. Ёки кичик бизнес ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши қисқа муддатли инвестицияларга, унинг ривожланиши эса узоқ муддатли қисмига узвий боғлиқликни ифодалаган.

Кичик бизнесга киритилган инвестициянинг қисқа муддатли қисми 2010 йилда 37 фоизни ташкил этган бўлса, тадқиқот даври давомида қисқариб борган. Яъни 2020 йилга келиб, унинг улуши 1,9 марта қисқариб 20 фоизга тенг бўлган. Шунингдек, унинг ўртача кўрсаткичи 26,9 фоиз бўлган (5-жадвал).

#### 5-жадвал

##### Андижон вилоятида кичик бизнесга киритилган инвестицияларнинг муддати бўйича ўзгариш динамикаси [3]

Йиллар	Кичик бизнесга киритилган қисқа муддатли инвестициялар (жами инвестицияларга нисбатан фоизда)	Кичик бизнесга киритилган узоқ муддатли инвестициялар (жами инвестицияларга нисбатан фоизда)
2010	37,0	63,0
2011	33,8	66,2
2012	33,8	66,2
2013	33,3	66,7
2014	30,4	69,6
2015	31,1	68,9
2016	20,6	79,4
2017	14,2	85,8
2018	14,6	85,4
2019	27,6	72,4
2020	20,0	80,0
Ўртача	26,9	73,1

Бунга, қарама-қарши кичик бизнесга киритилган узоқ муддатли инвестициялар 2010 йилдаги 63 фоизли кўрсаткичдан 2020 йилда 80 фоизга ортган. Умумий ҳолда тадқиқот даври давомида 1,9 марта ўсиб, ўртача 73,1 фоизга тенг бўлган.

Мазкур тенденция ўз навбатида иқтисодиётда кичик бизнеснинг ривожланиш жараёнларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортиб, кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши 1,8 мартага ўсди. Шу билан бирга, экспорт салоҳияти ҳам ортиб, соҳанинг худуд экспортидаги улуши 1,2 мартага ўсган. Натурал ҳолда, экспортнинг ҳажми бундан ҳам юқори бўлиб, вилоятдаги машинасозликнинг экспорт кўлами ортганлиги боис, улушдаги кўрсаткичи сезиларсиз ўзгаришга эга бўлмоқда.

Юқоридаги ижобий ўзгаришлар натижасида аҳолининг даромадларидаги тадбиркорликнинг улуши 2010 йилдаги 45 фоиздан 2020 йилда 60 фоизгача ўсди. Бунга асос бўлувчи иш билан бандлик даражаси ҳам ортди. Яъни, соҳада иш билан бандларнинг улуши 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 1,2 баробарга ўсиб, 85 фоизга етди.

Шу билан бирга, инвестицияларнинг таркибидаги узоқ муддатли кредитларнинг кўлами ортиши натижасида, янги яратилган иш ўринлари улуши ҳам ортди. Яъни, 2010 йилда жами яратилган янги иш ўринларининг 41 фоизи кичик бизнесга тегишли бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 67,9 фоизга етди (6-жадвал). Умумий ҳолда, тадқиқот даври давомида кичик бизнесга тегишли яратилган янги иш ўринлари сони 1,7 мартага ўсган.

#### 6-жадвал

#### Андижон вилоятида кичик бизнес соҳаси ҳисобига яратилган янги иш ўринлари [3]

Йиллар	Янги яратилган иш ўрни сони (киши)	Кичик бизнесда яратилган иш ўрни сони (киши)	Кичик бизнесда яратилган иш ўрнининг улуши (фоизда)
2009	80640	33050	41,0
2010	80640	33050	41,0
2011	80308	33989	42,3
2012	80108	32474	40,5
2013	79709	43720	54,8
2014	80486	41485,8	51,5
2015	79938,87	43562,2	54,5
2016	79831,35	45638,6	57,2
2017	79723,84	47715	59,9
2018	79616,32	49791	62,5
2019	79509	51867,8	65,2
2020	79401	53944,2	67,9

Юқорида иқтисодиётга, хусусан, кичик бизнесга киритилган инвестицияларнинг соҳага оид кўрсаткичлар ўзгаришига таъсирини тадқиқ этдик. Уни янада тўлиқ баҳолаш учун корреляцион-регрессион таҳлилни амалга оширамиз.

Корреляцион-регрессион таҳлил натижаларига кўра, инвестицияларнинг иш билан бандликка таъсирини аниқладик. Яъни, иш билан бандликнинг ўсиш суръати ( $Y$ ) билан, унга инвестиция ( $X1$ ), ишлаб чиқариш ҳажми ( $X2$ ) ва капитал интенсивлик ( $X3$ ) таъсирини ўрганиш асосида қуйидаги иқтисодий математик моделга эга бўлдик:

$$Y = 0,9(0,899) * X1 + 0,0242 * X2 - 0,91 * X3$$

Юқоридаги омиллар ичида инвестиция кучли таъсир қилиб, унинг 1 фоизга ўсиши иш билан бандликнинг 0,9 фоизга ўсишига олиб келади, ишлаб чиқаришнинг ижобий ўзгариши эса бандликнинг 0,24 фоизга тўғри пропорцияда ўзгаришига олиб келмоқда. Шундай бўлсада, капитал интенсивлик даражаси манфий таъсирга эга бўлмоқда. Бунинг сабаби, капитал интенсивлик самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланиб, миқдорий ўзгаришларга юқори боғлиқликни акс эттирмоқда. Лекин, меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига юқори ижобий таъсир қилмоқда.

**Юқоридаги эконометрик моделни потенциалаш асосида қуйидаги тенгликни ҳосил қиламиз:**

$$y = \frac{X1^{0,9} \cdot X2^{0,242}}{X3^{0,91}}$$

Мазкур тенгликдан кўриниб турибдики, капитал интенсивлик иш билан бандлик учун салбий таъсир этаётганлигини куйидаги тенглик билан асослаймиз:

$$KI = I/L$$

Бу ерда:  $KI$  – капитал интенсивлик;  $I$  – инвестиция;  $L$  – меҳнат, яъни иш билан банд бўлганлар сони.

Мазкур тенгликдан кўриниб турибдики, меҳнат билан капитал интенсивлик тескари боғлиқликни ифода этмоқда. Шундай бўлсада, инвестициянинг таъсир кўрсаткичига яқинликни капитал омили иш билан бандликка ижобий таъсирини янада оширади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Андижон вилояти иқтисодиётида кичик бизнеснинг улуши йилдан йилга ортиб, ЯХМнинг ўсишида ўзининг ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Тадқиқот даврида юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, кичик бизнеснинг ривожланиши иш билан бандликка, иш билан бандлик ўз-ўзидан аҳоли турмуш даражасига боғлиқдир. Шу сабабли, ушбу соҳани молиялаштириш зарурдир. Иқтисодиётда кичик бизнесга йўналтирилган инвестициялар таҳлили натижаларига кўра, узоқ муддатли инвестицияларнинг аҳамияти қисқа муддатли инвестицияларга нисбатан ортиб бормоқда. Шу сабабли, узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳажмини ошириш лозим. Яъни, уларнинг ўзгариши иш билан бандликка юқори таъсир кўрсатмоқда. Бу эса, соҳанинг инвестиция салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор беришни, унинг истиқболларини ўрганишни талаб этади.

### Манба ва адабиётлар

1. Пискун Е.И., Брусникин К.Н. Развитие предпринимательских структур в современных условиях экономики России: тенденции и факторы влияния// Сервис в России и за рубежом. 2019. Т.13. Вып. 2. С. 54-68. DOI: 10.24411/1995-042X-201910206;

2. Стратегии развития предпринимательства в современных условиях: сборник научных трудов IV национальной (с международным участием) научно-практической конференции. Санкт-Петербург 23–24 января 2020 г. – СПб. : Изд-во СПб-ГЭУ, 2020. – 391 с.

3. Андижон вилояти Статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

### Кичик бизнесда инвестиция омилининг ишчи кучидан фойдаланишга таъсири

**Жасурбек Курбонов,**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти таянч докторанти

**Аннотация:** ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришида энг муҳим омиллардан бўлган инвестиция омилининг мавжуд ишчи кучи ресурсларидан фойдаланишга таъсири Андижон вилояти мисолида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, инвестиция, ишчи кучи, иш ўринлари, меҳнат бозори, конъюнктура, кредит, нарх, тенденциялар.

### Влияние инвестиционного фактора на использование труда в малом бизнесе

**Жасурбек Курбонов,**

базовый докторант Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии

**Аннотация:** в данной статье анализируется влияние инвестиционного фактора, который является одним из важнейших факторов развития малого бизнеса и частного предпринимательства, на использование имеющихся трудовых ресурсов на примере Андижанской области.

**Ключевые слова:** малый бизнес, инвестиции, рабочая сила, рабочие места, рынок труда, конъюнктура, кредит, цена.

### The influence of the investment factor on the use of labor in small business

**Jasurbek Kurbonov,**

basic doctoral student of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

**Abstract:** this article analyzes the impact of the investment factor, which is one of the most important factors in the development of small business and private entrepreneurship, on the use of existing labor resources in the case of Andijan region.

**Keywords:** small business, investment, labor force, jobs, labor market, conjuncture, credit, price.



УЎК: 336.1.658.1

**Акмал АБДУВОХИДОВ,**

*Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси,*

**E-mail: akash7509@rambler.ru,**

**Ғайрат БЕРДИЕВ,**

*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича), доцент,*

*Гулистон давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси мудири,*

**E-mail: gayratbek2207@gmail.com,**

**Достонбек ЭШПЎЛАТОВ,**

*Гулистон давлат университети таянч докторанти,*

**E-mail: doston95@bk.ru**

## **Аҳоли молиявий саводхонлиги ўсишининг тадбиркорлик фаолияти ва даромадлар даражасининг ошишига таъсири**

**Кириш.** Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши, аҳоли яшаш сифатининг ўсиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг молиявий саводхонлигига боғлиқ. Айниқса, молиявий саводхонлик мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига, тадбиркорлик фаолиятининг кенгайишига қулай имкон яратади.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва мутахассислари томонидан молиявий саводхонликнинг мазмун-моҳияти ва унинг даражасини ошириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги қарорига мувофиқ “Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш” лойиҳаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жаҳон Банки Гуруҳи молиялар ва бозорлар бўйича департаментининг Марказий Осиё ва Озарбайжонда молиявий инфратузилмани мустаҳкамлаш бўйича лойиҳаси (АСАФИ) ҳамкорлигида ССП тренерлари ва ходимларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича дастур, 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Халқа-

ро молия корпорацияси, Савдо-саноат палатаси ва «Norma» профессионал ривожланиш маркази томонидан «Тадбиркорлар ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш» дастури йўлга қўйилган. 2018 йил 17 августда Ўзбекистон Марказий банки Бошқаруви Молиявий оммабоплик альянсига (Alliance for Financial Inclusion) аъзо бўлиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда аҳоли молиявий саводхонлиги даражасини ошириш бу борадаги кўплаб назарий жиҳатларни, жумладан: аҳоли молиявий саводхонлиги даражасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири, уни баҳолашнинг услубий асослари, молиявий саводхонлик даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар, уларни рағбатлантириш ва тартибга солиш механизмлари каби долзарб масалаларнинг илмий асосларини тадқиқ этишни тақозо этади.

**Мавзуга оид дабиётлар таҳлили.** Аҳоли молиявий саводхонлигининг иқтисодий мазмуни ва уни ошириш масалалари хорижлик иқтисодчи олим ва мутахассислар Абишева А.В. [1], Бабина Н.В. [2], Белехова Г.В. [3], Восканян Р.О. [4], Гарцуева Е.В. кабилар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда молиявий саводхонликнинг ҳолати, ўзига хос хусусиятлари ва уни ошириш масала-

лари Вахабов А.В. [5], Ғафуров У.В., Дусмухамедов О.С., Дусмухамедова Ш.А. каби олим ва мутахассислар томонидан ўрганилган.

Аҳоли молиявий саводхонлигини оширишда ОАВ ўрни ва таъсири, молиявий саводхонликка қаратилган телевизион дастурларнинг бугунги кунда аҳолининг иқтисодий билимларини таъминлашда тутган ўрнини Махмудова Х.Р. [6] томонидан ўрганилган. Молиявий саводхонлик тушунчаси, ушбу фанни ўқитиш афзалликлари ҳамда аҳамиятини Махтимова З.[7] ўрганган. Ўз ишларида тараккий этган мамлакатларда аҳоли саводхонлигини ривожлантиришнинг устувор соҳалари сифатида: пенсия суғуртаси, кредитлаш, аҳоли жамғармаси ва инвестицияларни келтирган.

Дорис Обиано ўз тадқиқотларида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бизнеснинг са-

марадорлигини оширишнинг кафолатловчи омили сифатида қарайди ҳамда молиявий саводхонликнинг базавий компонентлари сифатида: бюджет, мураккаб фойзалар, жамғарма ва пенсияга чиқиш, бухгалтерия ҳисоби, инвестициялар ва фонд бозорини киритади [8].

**Таҳлил ва натижалар.** Аҳоли молиявий саводхонлигининг ўсиши унинг ўз молиявий маблағларини режалаштириш, даромад ва харажатларини тартибга солиш, турли молиявий инструментлардан фойдалана олиш борасидаги билим, малака ва кўникмаларининг кенгайиб ва такомиллашиб боришини аниқлаш экан, бу ўз навбатида мамлакатдаги тадбиркорлик фаолияти ва аҳоли даромадлар даражасини оширишга ўз таъсирини кўрсатади (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадлари динамикаси

Кўрсаткич	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Аҳолининг номинал умумий даромадлари, трлн. сўм	117,9	132,0	151,7	183,0	286,3	344,7	401,5
Аҳоли умумий даромадларининг номинал ўсиш суръати, фоиз	116,0	112,0	114,9	120,6	156,4	120,4	115,9
Аҳолининг реал умумий даромадлари, трлн. сўм	110,8	125,1	143,7	167,1	243,6	301,0	355,5
Аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати, фоиз	109,0	106,1	108,8	110,2	110,3	106,5	102,6
Аҳоли жон бошига номинал умумий даромадлар, млн. сўм	3,8	4,2	4,8	5,6	8,7	10,3	11,7
Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг номинал ўсиш суръати, фоиз	114,0	110,1	112,9	118,6	155,3	118,4	113,7
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, млн. сўм	3,6	4,0	4,5	5,2	7,4	9,0	10,4
Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати, фоиз	107,1	104,3	106,9	108,4	108,4	104,5	100,7

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган даврда аҳолининг номинал умумий даромадлари 2014 йилдаги 117,9 трлн. сўмдан 2020 йилда 401,5 трлн. сўмга қадар, яъни 3,4 марта ўсган. Аҳоли умумий даромадларининг номинал ўсиш суръати бир текисда бормай, бу кўплаб омиллар, жумладан, даромадлар учун қулай шарт-шароитлар, нархлар умумий даражасининг ўзгариши каби омилларнинг таъсирида рўй берган. Айниқса, бу кўрсаткичнинг 2020 йилда

нисбатан паст бўлиши маълум даражада жаҳондаги коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан иқтисодий пасайишларнинг таъсири натижаси ҳисобланади. Бу ҳолат аҳолининг реал умумий даромадлари динамикасида яққол намоён бўлади. Таҳлил даврида ушбу кўрсаткич 3,2 марта ўсган. Аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати 2019 йилга қадар ўртacha 6 – 10 фоиз атрофида бўлса, 2020 йилга келиб 2,6 фоизга қадар пасайган.

Умумий даромадларнинг аҳоли жон бошига нисбатан таҳлили яна бир муҳим омил – аҳолининг табиий ўсиши доирасидаги ўзгаришларни ифодалайди. Таҳлил даврида аҳоли жон бошига умумий даромадлар 3,1 марта ўсган бўлса, реал умумий даромадлар 2,9 марта ўсган. Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати 2019 йилга қадар ўртacha 4–8 фоиз атрофида бўлса, 2020 йилда 0,7 фоиз даражасига қадар пасайган. Бу эса, юқорида таъкидланган глобал пандемиянинг аҳоли даромадлари даражасига салбий таъсири сезиларли бўлганидан далолат беради.

Умумий ҳолда, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражаси юқорида санаб ўтилган барча турдаги даромадларга муайян даражада таъсир қилсада, шу билан бирга, улар орасидан аҳамиятлироқ таъсирга эга бўлганларини ҳам ажратиш кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадлари таркиби ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати**

Кўрсаткич	Йиллар бўйича жамига нисбатан, фоизда			Олдинги йилга нисбатан, фоизда	
	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Умумий даромадлар - жами (I+II)	100,0	100,0	100,0	121,9	115,9
I. Бирламчи даромадлар	76,1	74,9	74,5	119,7	115,3
I.1. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	73,0	72,0	71,5	118,9	115,0
I.1.1. Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар	71,0	69,8	69,3	118,7	115,1
I.1.1.1. Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	26,4	28,7	28,8	125,1	116,3
I.1.1.2. Ўзини ўзи банд қилишдан олинган даромадлар	44,6	41,1	40,5	114,9	114,2
I.1.2. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	2,0	2,2	2,2	124,6	112,1
I.2. Мол-мулкдан олинган даромадлар	3,1	2,9	3,0	137,6	123,6
II. Трансфертлардан олинган даромадлар	23,9	25,1	25,5	129,1	117,6

**Манба:** Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2020 йил январь-декабрь. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2021. – 393-б.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил даврида умумий даромадлар таркибидаги бирламчи даромадларнинг улуши пасайиб, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши ўсиб бормоқда. Шунингдек, молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган ўзини ўзи банд қилишдан олинган даромадлар ҳамда мол-мулкдан олинган даромадларнинг улушида маълум даражада беқарорлик кузатилмоқда.

**Фикримизча, молиявий саводхонликнинг аҳоли даромадларига таъсирини баҳолаш учун мазкур ҳолат билан узвий боғлиқ бўлган аҳоли даромадларининг муайян давр мобайнидаги ўзгаришини кузатиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун аввало молиявий саводхонлик таъсири**

**аҳамиятли бўлган аҳоли даромадларининг умумий даромадлардаги улушини аниқлаш муҳим бўлиб, уни қуйидаги формула орқали амалга ошириш мумкин:**

$$DU_{MC} = \frac{D_{\text{ўБ}} + D_{\text{М}} + D_{\text{Т}}}{U_{\text{Д}}} \times 100\% = \frac{\sum_{i=1}^n D_i}{U_{\text{Д}}} \times 100\%,$$

**бу ерда:**

$D_{\text{MC}}$  – молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган аҳоли даромадларининг умумий даромадлардаги улуши, фоизда;

$D_{\text{ўБ}}$  – ўзини ўзи банд қилишдан олинган даромадлар суммаси;

$D_{\text{М}}$  – мол-мулкдан олинган даромадлар суммаси;

$D_{\text{Т}}$  – трансфертлардан олинган даромадлар суммаси;

$U_{\text{Д}}$  – умумий даромадлар суммаси;

$i$  – молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган даромад турлари.

**Шундан сўнг, молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган даромадлар аҳоли умумий даромадларидаги улушининг муайян давр мобайнидаги ўзгариши қуйидаги формула орқали аниқланади:**

$$ДУ_{MC}^{\dot{}} = ДУ_{MCж} - ДУ_{MCб}$$

бу ерда:

$ДУ_{MC}^{\dot{}}$  – молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган даромадлар аҳоли умумий даромадларидаги улушининг муайян давр мобайнидаги ўзгариши, фоиз пунктида;

$ДУ_{MCж}$  – жорий давр учун молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган аҳоли даромадларининг умумий даромадлардаги улуши, фоизда;

$ДУ_{MCб}$  – базис давр учун молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган аҳоли даромадларининг умумий даромадлардаги улуши, фоизда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, молиявий саводхонлик таъсири аҳамиятли бўлган аҳоли даромадлари манбаларидан бири бу ўзини ўзи банд қилишдан олинган даромадлар ҳисобланади. Чунки, ўз шахсий меҳнатига асосланган ва мустақил равишда ташкил этилган мазкур фаолият турига кейинги йилларда эътибор кучайиб бормоқда.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июнь куни “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Унга қўра, 2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари кенгайиб, улар сони 67 тага етди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сон қароридида ўзини ўзи банд қилган фуқаролар фаолият (хизматлар, ишлар) турлари 24 та этиб белгиланган эди.

Ушбу ҳужжатда 2020 йил 1 июлга қадар Давлат солиқ қўмитасига ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан рўйхатга олиш учун махсус мобил илова ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш вазифаси юклатилди.

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулкдан олинган даромадларнинг таъсири жуда кам. Давлат статистика қўмитасининг маълумотига қўра, 2020 йилда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг 0,7%га ўсишини таъминлаган.

